



ODILLIK MEZONI

Махсус сон

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг

33 йиллиги



“Конституция — инсон қадри,
эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДҒОРОВ
Убайдулла МИНҒБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Сахифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.12.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 87. Адади 1200.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛГАН ДАВЛАТ КУЧЛИДИР

6

ҚОНУНИЙЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

8

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

10

ЖАМИЯТ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

12

КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҚАДРИ
ТАМОЙИЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

13

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — АСОСИЙ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОИДА

14

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ –
ОЛИЙ ЮРИДИК ҲУЖЖАТ

15

КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИНИНГ ТЎҒРИДАН-
ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ОДИЛ СУДЛОВ
САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

16

СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

17

НУҚТАИ НАЗАР

СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

19

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

21

ТЕРГОВ ОРГАНИ РАҲБАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
ВАЗИФАЛАРИ

23

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ
ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИ

МУЛОҲАЗА

25

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШНИНГ МУҲИМ
ОМИЛИ

27

СУДЬЯ МИНБАРИ

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ЭЛЕКТРОН
ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

29

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

31

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА
СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ:
ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

33

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР-
НИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИГА
ГЕРМЕНЕВТИК ЁНДАШУВ

35

ДАЪВО МУДДАТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

36

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ
ИСЛОҲОТЛАР

37

ТАДҚИҚОТ

ОДИЛ СУДЛОВГА АРАЛАШГАНЛИК УЧУН
ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

39

ШАХСЛАР БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНДА АМАЛГА
ОШИРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

41

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ УСУЛЛАРИ-
НИНГ РАҚАМЛИ ТИЖОРАТГА ТАТБИҚИ

ТАҲЛИЛ

43

ЁШЛАР ОРАСИДА ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН
БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

45

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА КОНСТИТУЦИЯ
МЕЪЁРЛАРИНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШ

ВАЖНАЯ ТЕМА

46

ЯРКОЕ ПРОЯВЛЕНИЕ
КОНСТИТУЦИОННОГО ПАТРИОТИЗМА

49

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

РАЗГРАНИЧЕНИЕ ЗЛУПОТРЕБЛЕНИЯ
ДОЛЖНОСТНЫМИ ПОЛНОМОЧИЯМИ ОТ
ИНЫХ СМЕЖНЫХ СОСТАВОВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

ПРОЦЕСС

52

АВТОМОБИЛЬ КАК ДВИЖИМОЕ
ИМУЩЕСТВО ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

54

ТЕМА ДНЯ

КОММЕРЧЕСКАЯ ТАЙНА:
КЛЮЧЕВОЙ ЭЛЕМЕНТ СТАБИЛЬНОСТИ
БИЗНЕСА

НОВЫЙ ЭТАП

56

ПРАКТИКА ПРЯМОГО ПРИМЕНЕНИЯ НОРМ
КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПРИ
ОБЕСПЕЧЕНИИ СПРАВЕДЛИВОГО ПРАВОСУДИЯ

58

АДМИНИСТРАТИВНАЯ РЕФОРМА

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ПРИНЦИПА ЗАКОННОСТИ В
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ
ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ

60

ANALYSES

IMPROVING PROSECUTORIAL OVERSIGHT
IN THE STATE PROTECTION OF
AGRICULTURAL LANDS

IMPORTANT TOPIC

62

THE CONSTITUTION OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN: A NEW STAGE IN THE
PROTECTION OF HUMAN
RIGHTS IN THE CRIMINAL JUSTICE SYSTEM



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди Раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
юрист.

АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛГАН ДАВЛАТ КУЧЛИДИР

Юртимизда яқинлашиб келаётган 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинганининг 33 йиллиги нафақат тарихий воқеа, балки юртимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тақдирини белгилаган, миллатимизнинг ўзига ишониши, ўз қудратини англаши, озодлик ва давлатчилик йўлидаги қатъиятининг рамзи сифатида мутлақо янги руҳда тантана билан кутиб олинмоқда.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

33 йил — тарихда кўп вақт эмасдек туюлиши мумкин, аммо давлатчилигимиз тарихида бу муддат — муқаддас покланиш, ҳуқуқий уйғониш, маънавий тикланиш, миллий ўзликни англаш, ҳақиқий давлатчилик меъёрларини шакллантиришнинг гоят улуғ ва шарафли даври.

Конституциямиз қабул қилинган кундан буён ўтган ҳар бир йил халқимиз ўз ҳуқуқий маданиятини оширган, фуқаролик жавобгарлигини мустаҳкамлаган, давлат билан жамият ўртасидаги ишонч илдиз отган, ҳуқуқ устувор бўлган муносабатлар чуқурлашган йиллар бўлди.

Конституция халқнинг виждони, давлатнинг ҳуқуқий пойдевори, жамиятнинг ижтимоий шартномаси бўлмиш муқаддас ҳужжатдир. У миллатнинг қудрати, давлатнинг барқарорлиги ва инсон қадрини таъминлайдиган асосий ҳуқуқий қалқон сифатида бугун янада кенг маънода намоён бўлмоқда.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

2023 йилда қабул қилинган Конституциянинг янги таҳрири эса юртимиз ҳуқуқий ҳаётидаги энг буюк қадамлардан бири бўлди. Инсон қадри энг юқори кўрсаткич сифатида белгиланган ҳуқуқий ҳужжат — халқчил давлат, адолатли жамият ва инсонпарвар сиёсатнинг конституциявий асоси мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституция инсон ҳуқуқлари кафолатларининг кенгайиши, суд мустақиллигининг кучайиши, давлат идоралари жавобгарлигининг ошиши, парламент ва жамоат назоратининг юқори даражага кўтарилиши, жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштироки каби муҳим ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлади. Бу — жамиятнинг ҳуқуқий ва сиёсий тараққиётида янги босқич.

Янги Ўзбекистон даврида Конституциямиз қонунлар тизимининг устуни, давлат сиёсати ва ислохотларининг асосий мезони, жамиятимиздаги адолат ва барқарорликнинг кафолати сифатида юксак маънавий-сиёсий куч касб этди.

Мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар фақат янгиланиш эмас, балки бутун давлатчиликни янги босқичга кўтарган улкан сиёсий-маънавий ҳаракатдир. Янги Ўзбекистон тарихидаги бугунги давр халқимиз қудрати, давлатимиз иродаси ва миллий тафаккуримиз юксалиши билан тобора кенгайиб бораётган юксак маънавий жараёндир.

Ҳар бир қонун, ҳар бир қарор, ҳар бир ташаббус фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки инсон тақдири, халқ манфаати, миллий тараққиёт йўлини белгилаётган олий сиёсий вазифадир.

ТИЗИМ НУФУЗИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ ҚАДАМ

Давлатнинг барча тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтирмоқда, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, жамиятда адолат мезонларини ўрнатмоқда.



Ана шундай жараёнда Президентимиз томонидан қабул қилинган 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимиз сиёсий-ҳуқуқий ҳаётидаги энг муҳим бурилишлардан биридир.

Мазкур ҳужжат суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини кафолатлайдиган замонавий тизимни яратган, судьялар фаолиятини шаффоф қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва судьялар ҳамжамияти органлари нуфузини оширишга қаратилган бекиёс ҳуқуқий қадамдир.

Судьялар учун аввалги 5 йиллик фаолият ва ундан кейинги чегараланмаган муддатли ишлаш имконияти — судьянинг шаъни, ишончи ва касбий мустақиллигини кафолатловчи янги модель. Судьянинг фақат қонун ва виждон асосида қарор қабул қилиши учун мустаҳкам институционал кафолат яратилди.

Гендер тенглик соҳасидаги давлат сиёсати ҳам юртимизда инсонпарварлик ва инклюзивлик тамойиллари амалда намоён бўлаётганининг яққол исботидир. Хотин-қизларнинг суд тизимидаги иштироки 30 фоиздан юқори босқичларга кўтарилиши — адолатли жамият, имкониятлар тенглиги ва инсон кадрини юксалтириш сиёсатининг амалий натижаси.

Суд жараёнининг шаффофлиги, очиклиги, қарорларнинг асослилиги, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг янги механизмлари жорий этилиши замонавий ҳуқуқий давлатнинг асосий устуни бўлиб хизмат қилади.

Президентнинг “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса суд тизимини XXI асрнинг энг илғор ҳуқуқий стандартларига мослаштиришга қаратилган ғоят муҳим қадам бўлди.

Интеллектуал таҳлил, рақамли билимлар, электрон адолат, тезкор ва аниқ қарорлар суд тизимини жаҳон амалиётининг энг илғор босқичига кўтармоқда. Бу фақат технология эмас, бу адолатнинг янги даражаси, фуқаролар ҳуқуқларининг замонавий ҳимояси, инсон кадрининг янги ҳуқуқий кафолатидир.

КЕЛАЖАК СУДЬЯСИ ҚИЁФАСИ

Давлатимиз раҳбарининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони келажак судьясининг қиёфасини белгилаб берди.

XXIII боб. Суд ҳокимияти

130-модда

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади.

131-модда

Ўзбекистон Республикасида суд тизими ва судлар фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

132-модда

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшган ҳолда сайланади...

Бугунги кун судьяси билимли, фикри равшан, ҳалол, виждонли, инсонпарвар, замонавий технологияларни чуқур биладиган, жамият манфаатини ҳимоя қила оладиган юксак маънавият соҳибидир.

Бундай судьялар корпуси Янги Ўзбекистон ҳуқуқий давлатининг энг муҳим инсон капитали ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ҳам бугун янги босқичда ошиб бормоқда. Ўзбекистон глобал оламда ва Осиёда ҳуқуқий сиёсатни йўналтира оладиган давлатлар қаторида турибди. Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтлар Ассоциацияси раислигининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига топширилиши — Ўзбекистоннинг ҳуқуқий салоҳияти, минтақавий нуфузи ва халқаро ҳуқуқий майдондаги янги етакчилик миссиясининг яна бир қарра тан олиниши бўлди.

Юртимизда амалга оширилаётган барча ҳуқуқий ислохотлар, Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқий асослар, янги фармонлар, суд тизимидаги сунъий интеллектга асосланган янгиланишлар, кадрлар тайёрлашга қаратилган қарорлар — буларнинг барчаси ягона мақсадга қаратилган: Ўзбекистонни адолат устувор бўлган ҳақиқий ҳуқуқий инсонпарвар давлат сифатида мустаҳкамлаш.

Адолат устувор бўлган давлат — кучли давлат. Адолат таъминланган жойда тараққиёт, демократия ва фаровонлик, ишонч ҳамда келажак бор.



**Шерзод
АБДУҚОДИРОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси
Одил судлов
академияси ректори

ҚОНУНИЙЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Жамият тараққиётининг ҳуқуқий концепциясини белгилаб берадиган энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат КОНСТИТУЦИЯ – қонун орқали бошқариладиган давлатнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Х.Одилқориевнинг хулосасига кўра, “Умумбашарий нуқтаи назардан Конституциянинг аҳамиятига баҳо бериладиган бўлса, у нафақат алоҳида давлат учун беқиёс қадрли ҳужжат, балки дунёвий миқёсда, бутун инсоният тараққиёти учун жиддий эътиборга молик қадриятдир. Конституция – инсоният тамаддунининг беназир маҳсули, кишилик жамияти ўз турмуши ва ижтимоий ҳаётини барқарор изга солиш мақсадида кашф этган буюк тарихий ютуқларидан бири”¹.

Қадимдан жуда катта ва мустаҳкам давлатчилик асосларини яратган халқимиз тарихий тараққиётининг барча босқичларида жамиятни бошқаришда тўра ва тузуклар (бугунги кундаги қонунлар)га жиддий эътибор қаратишгани манбалардан маълум.

Қарийб уч минг йилдан кўпроқ улкан даврни қамраб олган қадимий Турон давлати адолатли бошқаруви туфайли шон-шўхрати бутун дунёга таралган. Икки азим дарё оралиғида жойлашган Мовароуннаҳр заминидagi давлатчилик асослари жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қадимий давлатда бошқарув адолатли қонун ва қоидалар орқали амалга оширилганлигини мутахассис олимлар эътироф қилишади.

Мана шундай юксак тараққиётга сабаб бўлган буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур бобомиз салтанати ва У кишининг давлатни адолат билан бошқариш ҳақидаги қарашларига алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз давлат бошқаруви масаласида ўзининг “Темур тузуклари” асаридаги “Мамлакат ишлари тузуклари” бўлимида қуйидагича ёзади. “Дину шарият ишлари тузукини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонаси тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим. Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашинишга ҳеч кимсанинг қўли етмасди.”²

Шу ўринда машҳур ҳуқуқшунос олим Ҳалимбой Бобоевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим. “Миллий давлатчилигимиз тўғрисида фикр юритар эканмиз, Ўзбекистонни ўрта асрларда мўғуллар истилосидан озод этган, дунёда энг кучли ривожланган, марказлашган давлат қурган, “Тузуклар” тузган Амир Темур ва унинг давлати ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш керак эди.”³

Салтанат бошқарувида ҳал қилувчи аҳамият касб этган ўша даврдаги тузукларни бугунги ҳуқуқий тушунча билан Конституция деб юритамиз. Дарҳақиқат, “Конституция” деганда биз онгу тафаккуримизнинг муайян мустаҳкам принципларидан келиб чиқадиган ва ижтимоий фаровонлик мақсадларига йўналтирилган, жамият риоя қиладиган аниқ ва ягона тизимига солинган қонунларнинг, қоида ва одатларнинг мужассамлигини тушунамиз”⁴.

Ўзбекистон тараққиёти сифат жиҳатидан мутлақо янги бир босқичга ўтилган, мамлакатимиз ҳуқуқий ҳаётида тарихий воқелик – конституциявий ислохотлар амалга оширилди. Яъни, 2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдуми орқали Янги Ўзбекистон ҳуқуқий сиёсатининг конституциявий қоидаларини белгилаб берган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинди.

Академик А.Саидовга кўра, “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда таъкидланганидек, эркинлик – шахснинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишида давлат аралашувининг йўқлигини англатади. Шу маънода, конституциявий ислохотларда ҳуқуқий, ижтимоий давлат императивини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бирдамлик, адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капиталини ривожлантириш тамойиллари устуворлигига таянилди”⁵.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг энг муҳим тамойилларидан бири – давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий адолат устувор аҳамият касб этиши билан боғлиқ конституциявий қоида унинг 14-моддасида қуйидагича белгиланди: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”.

Мазкур инсонпарвар конституциявий тамойилларнинг ижтимоий ҳаётдаги амалий ифодасида суд органлари ҳал қилувчи ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, “Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган Асосий қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотларимиз ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади”⁶.

Суд тизими фаолиятининг самарадорлиги, аввало, судьялар корпусининг юксак салоҳияти, хусусан билим ва тафаккури кенглиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари талаб даражасига эгаллиги билан узвий боғлиқ.

Одил судни амалга оширишнинг энг муҳим омили сифатида соҳада кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини алоҳида келтириб ўтиш лозим.

Юқори билим ва амалий кўникмага эга, ҳалол ва пок, фуқаролик бурчини теран ҳис қиладиган, масъулиятли судья кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи суд ислохотларининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 21 август куни имзоланган "Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-141-сон фармонининг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг ташкил этилиши суд тизимини замонавий ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашда янги бир даврни бошлаб берди.

Ушбу Фармонда асосий мақсад сифатида белгиланган вазифалар:

- суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш;

- бўлажак судьяларда мустақил, холис, бегараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш⁷ суд тизимида замонавий фикрлайдиган, ҳалол ва юксак салоҳиятли янги авлод судьялар корпусини шакллантириш орқали пировард натижада жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни ўрнатишга қаратилгани билан низоҳатда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда судья кадрларни тайёрлаш тизими негизида том маънода одил судловнинг асосий мақсадлари бўлган ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари кафолатини янада юқори даражага кўтариш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган. Зеро, судьяларнинг чуқур билим ва кўникмалар ҳамда илғор хорижий мамлакатлар тажрибасига эга бўлиши бевосита уларнинг касбий салоҳиятини оширади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, юқори касбий малакага эга бўлган судья – одил судловни амалга оширишда адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципларини таъминлашда муҳим омил бўлади⁸.

Ушбу тарихий Фармон билан судья кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, одил судловнинг асосий мақсадлари бўлган ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари кафолатини янада юқори даражага кўтариш мақсадида Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор Одил судлов академияси ташкил этилди.

Мамлакатимиз суд тизимидаги ягона ихтисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланадиган Академия бугунги кунда энг замонавий ўқитиш усул ва механизмларини қўллаган ҳолда ўқув жараёни сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда Академиянинг олти ойлик судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсида таҳсил олаётган

160 нафар тингловчилари (бўлажак судьялар), касбий қайта тайёрлаш курсларида, хусусан тўртта суд йўналиши: жиноят, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий судларнинг ўн йиллик муддатга тайинланган 58 нафар судьялари, рейтинг баллари паст бўлган 11 нафар судьяларга қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда "назария – амалиёт – имитация" тамойили асосида дуал таълим шаклида дарс жараёнлари олиб борилмоқда.

Янги ташкил этилган Одил судлов академияси фаолиятида устувор аҳамият қаратилган жиҳатлардан яна бири сифатида таълим жараёнининг деонтологик усулда амалга оширилиши бўлиб ҳисобланади.

Энг ривожланган демократик мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасида ўзини оқлаган деонтологик таълим жараёнида судьяликка номзодлар судьялик вазифасида ишлашда дуч келадиган, судья ҳуқуқий баҳо берилиши лозим бўладиган жараёнларни бевосита бориб кўради, иштирок этади ёки кузатади.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Одил судлов академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб "Суд фаолияти" мутахассислиги бўйича амалий магистратура дастури асосида ўқитиш ташкил этилиши назарда тутилган. Бу босқичда ўқув жараёни таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида амалга оширилади. Академияга қабул қилишда номзодларнинг муайян тоифаларига бошқа олий таълим ташкилотларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барча йўналишлардаги ўқув жараёнларини бугунги ислохотлар талаблари даражасида ташкил этиб, миллий суд тизимини халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган малакали ва маънавий етук судьялар корпусини тайёрлаш янги ташкил этилган Одил судлов академияси фаолиятининг моҳиятини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 21 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўттиз уч йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, фуқароларни унда белгиланган эзгу қадриятлар атрофида бирлаштиришга қаратилган Ф-60-сонли Фармойишида "Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!" деган бош ғоянинг ҳаётий ифодасини таъминлашга кўмаклашиш бизнинг энг асосий мақсадимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конституция ва ижтимоий давлатчилик. Х.Т.Одилқориев – Тошкент: Yuridik adabiyotlar Publish, 2022 й. – 424 бет. 3-бет.
2. "Темур тузуқлари". Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёт матбаа уйи., 2011., 88-бет.
3. Ҳалимбой Бобоев., "Ўзбек давлатчилиги тарихи", Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти., 2004 йил., 147-бет.
4. Б.Ғиёсов. Конституциянинг амалий аҳамияти. https://constitution.uz/uz/pages/amaliy_ahamiyat
5. А.Саидов. Янги тахрирдаги Конституция — инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати. https://constitution.uz/uz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat
6. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6917>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/uz/docs/7696594>
8. М.У.Абдусаломов. Судья кадрлар тайёрлашни тубдан такомиллаштириш – давр талаби. "Odillik mezoni" журналі. 2025 йил №9. 11-бет.

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида миллий давлатчилигимизнинг асосини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, у давлатнинг сиёсий тузуми, ижтимоий, иқтисодий, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг устувор йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини беради. Унинг асосий ғояси “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгилашдан иборат.

Конституция бошқа қонунлардан махсус субъект ёки унинг номидан ўрнатилиши, унинг қоидалари йўналтирувчи, таъсис этувчи, ўрнатувчи, бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш қўламининг кенглиги, қабул қилиниши ва ўзига хос муҳофаза қилиниши билан ажралиб туради.

Бош қомусимиз умумхалқ муҳокамасидан ўтган ҳолда, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган “инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида белгиллаган муҳим” қонун ҳисобланиб, энг асосий ғояси сифатида “инсон ва унинг қонуний манфаатлари” қўйилган.

Мустақил давлатнинг Конституцияси халқаро принципларнинг инсон ҳуқуқларига оид деярли барча қирраларини тан олди. Инсоннинг ўзи, унинг давлат ва жамиятдаги ўрни, давлат бошқарувида унинг иштирокига нисбатан бўлган қарашлар ва ғоялар ҳуқуқ ва эркинликлар сифатида мустаҳкамланди.

Маълумки, ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар ҳам инсоннинг ҳулқ-атворини акс эттиради. Бироқ, ҳуқуқ инсоннинг ҳаракат қилиш имкониятини билдирса, бурч заруриятини билдиради.

Давлат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умуман тарихан шакланган қарашларга кўра уни қандай тушуниш кераклиги тўғрисидаги тушунчаларни турли қонунларда белгилаб берган. Яъни, аввал давлат шаклланиши, ундан сўнг инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар амалда бўлиши демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий моҳияти инсонни улуғлашга қаратилганлиги билан кўзга ташланади. Конституциянинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир” деб белгиланганлигининг ўзи Конституциянинг маънавий қиррасини кўрсатиб турибди.

Давлат яхлитлигича ҳам, ўзининг органлари тимсолида ҳам, мансабдор шахслари орқали ҳам ўзининг мавжудлигини таъминлашда давлат ҳокимиятчилигининг манбаи бўлган халқ, яъни ўз фуқаролари олдида мажбурияти борлигини англатади. Буни давлат ҳаракатда бўлиши учун инсонлар бўлиши, бу инсонлар маълум ҳуқуқларга эга бўлиши, инсонлар хоҳлаган пайтда ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда давлатга суяниши мумкин, деб тушуниш керак. Ўтмишдаги барча олим уламоларнинг фикрича ҳамма нарсанинг яратувчиси-бу инсондир. Инсон эркин ва озод яшаши учун ҳам қонунлар унга кўмак беради. Бу қонунлар инсоннинг таянчи, унинг кафолатидир.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Бу — давлат инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини барча бошқа қонунлари орқали кафолатини бериб боради, уни

амалда ўзининг тегишли органлари орқали таъминлайди, ҳуқуқ ва эркинликлар бузилганда уни тиклаш чораларини кўради, деганидир.

Айниқса, шахснинг дахлсизлиги ва айбсизлик презумпциясининг Асосий қонунда белгиланиши унинг инсонпарварлигини кўрсатади. Бу норманинг ўрнатилиши миллий қонунчилигимизда олдинган қўйилган ижобий қадам бўлди.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг етакчи кучи – бу инсон. Инсон жамиятнинг ривожланишида унинг таркиб топишида энг асосий ўринни эгаллайди. У дунёга келишидан то умрининг охиригача меҳнат қилади. Яшаш учун интилади. Жамиятга ўзининг борлигини доим сездириб туради. Жамиятнинг ривожланиши кўпинча инсоннинг онги билан боғлиқ ҳолда рўй беради.

Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рухсат этилган, ман этилган ёки унинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исм қўйиш, ота-онасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат қилинса, унга исм танлаш эса ота-онасининг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади. Демак, инсон туғилишидан бошлаб ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга бўла бошлайди, маълум ёшдан бошлаб ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис эта бошлайди. Бу эса давлатимиз Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган.

Конституциянинг асосий тамойиллари, яъни, раҳбарий ғоялари мавжуд. Давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, инсон-олий қадрият ва давлат сиёсатининг асосий мақсади, демократизм, давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги, қонунийлик, Конституция ва қонуннинг устунлиги тамойили, шунингдек, ҳокимиятлар бўлиниши, Ўзбекистон Республикаси томонидан фаол ташқи сиёсатнинг амалга оширилиши, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш каби бошқа тамойиллар борки, буларнинг ҳаммаси Конституциямизнинг бош, раҳбарий ғоялари ҳисобланади. Бошқа қабул қилинаётган ҳар қандай қонунлар ана шу принципларга бўйсунган ҳолда қабул қилинади.

Конституция нафақат юридик норма, яъни, мажбурий характерга эга бўлган қоида ва принциплар, балки ахлоқий жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Масалан, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши (76-модда);

давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг ва-сийилигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлаши (77-модда);



боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги (78-модда);

давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши (79-модда) каби меъёрлар Конституциянинг ахлоқий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Шарқ халқларига мансуб бўлган кўпгина ахлоқий қарашларнинг қоида ва меъёр сифатида Конституцияда белгиланганлиги унинг миллий характерини кўрсатади. Шу жиҳатлари билан Асосий қомусимиз бошқа давлатлар Конституцияларидан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро аҳамиятга эга, десак хато бўлмайди. Чунки, давлатимизнинг олиб бораётган ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлиги аниқ Конституциямизга асосланади. Унда белгиланган қатор нормалар давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топишида бир йўлланма ҳисобланади.

Иккинчидан, Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро ҳужжатлар – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёллар тенг ҳуқуқлиги тўғрисида халқаро ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган асосий принцип ва қоидалар ўз аксини топган. Бу ҳам унинг халқаро аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлайди.

Учинчидан, давлатимизнинг ҳар бир фуқароси хорижда бўлиб турган вақтида Конституция ва қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг деярли барча қоидалари имплементация қилинган.

Асосий Қонунимизнинг учинчи боби Конституция ва қонун устунлигига бағишланган. Давлат томонидан қабул қилинган қонунларнинг барча учун бажарилиши шартдир. Республика-миз фуқаролари ким бўлиши, миллати ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, динидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Шунингдек, Конституциянинг бирорта қоида-си Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Қонун устуворлиги бу республика-миз қонунларининг амалда бажарилиши, унинг ҳар нарсадан устун туриши ва ҳамма учун бажарилиши шарт ва мажбурийлигини англатади. Қонун олдида ҳар қандай фуқаро миллати, ижтимоий келиб чиқиши, тили, дини, ирқидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда маълум тизимда, алоҳида боб ва моддаларда мустақил нормаларда акс эттирилгани туфайли, у кафолатланган. Яъни, инсонга тегишли бўлган, халқаро стандартлар даражасидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлар мустаҳкамланган. Давлат бошқаруви ташкил этилаётган ва амалга оширилаётганда аввало инсон ҳуқуқларига нисбатан бўлган тамойил ва қарашлардан келиб чиқиб бошқарувни амалга оширади. Давлат кучайиб кетса, албатта инсон ҳуқуқ

ва эркинликларига янада кенгроқ эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Назаримизда инсон билан давлат ўртасидаги ҳамкорлик, қонунларда белгиланган муносабатларни ўрнатиб бориш, давлатнинг қатор вазифаларини ижтимоий тузилмаларга ўтказиб бериши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига мумкин қадар эҳтиёткор муомалада бўлиш, инсонга олий қадрият сифатида қараш, инсоннинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида мавжуд воситалар орқали тиклаб бориш асосий вазифалардан бўлиб қолаверади.

Конституция ва республика-миз аъзо бўлган инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда асосий тамойиллар сифатида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари меъёрлари кейинги пайтларда қабул қилинаётган инсон ҳуқуқларига дахлдор бўлган соҳавий қонунларда янада тушунарли, содда ва кенгайтирилган ҳолда бериб борилмоқда, давлатнинг бу соҳадаги кафолати кенгайтирилмоқда.

Инсоннинг сиёсий қарашлари амалга ошиши учун сиёсий партияларга кириши, давлат бошқарувида қатнашиши учун ўзи ёки сайлаган вакиллари орқали бошқарувда иштирок этиш, мамлакат ҳудудида эркин кўчиб юриши ва бошқалар ҳам давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятини белгилайди. Давлатнинг мажбурият олгани ўз-ўзидан инсонга кафолат берилишидир.

Инсон ҳуқуқлари аввало ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги мурожаатлар билан бевосита боғлиқ. Биз фуқароларнинг мурожаатлари деганда, асосан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, нажот сўраб судга ёки бошқа идораларга борган ва тегишли жавоб олганларни назарда тутаяпмиз.

Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини яхши таниб олиши, қонунларга риоя этиши, ҳуқуқни қўлловчи органлар билан фуқароларнинг қонун доирасида муносабатга кириши ва бузилган ҳуқуқларини тиклашда бевосита судларга мурожаат қилиши маданиятини кучайтириш лозим. Фуқароларга бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокатуранинг ролини янада ошириш, адвокатлар сонини кўпайтириш, уларнинг жараёнларда процессуал иштирокини янада кенгайтириш лозим бўлади. Буларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қонун устуворлигини таъминлаш амалда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга олиб келади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принцип ва талаби ҳам айнан қонунларга риоя этиш, уларни ижро этиш, тушунтириш, қонунбузарликка қарши кураш ва бошқаларга асосланади. Амалда қонун устуворлиги таъминланса бир томондан мансабдор шахслар қонунлар ижросига тўлиқ амал қилишга мажбур бўлади, иккинчи томондан эса инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланади.

Юқоридагиларга кўра айтиш мумкинки, Конституциямиз ҳуқуқий нормаларининг маълум тизимда эканлиги, ҳам маънавий мустаҳкамлиги, ҳам юксак ахлоқий қоидаларни ўзида мужассамлаштиргани билан ажралиб туради. У бевосита халқнинг иштирокида қабул қилингани учун ҳам "халқ Конституцияси" номига эга бўлди.

Бобоқул ТОШЕВ,

*Одил судлов академияси профессори,
юримик фанлар доктори.*

ЖАМИЯТ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси инсон ҳуқуқлари соҳасида тарихий қадам бўлди. Янги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир қоидалар сезиларли даражада кенгайтирилди.

Шу нуқтаи назардан унинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга тўлиқ мос ҳолда ишлаб чиқилгани алоҳида аҳамиятга эга. Янги Конституцияда яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги кафолатланиб, ўлим жазосини қўллашни бутунлай тақиқлашга оид норма киритилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича “Миранда қоидалари”, habeas corpus институти каби бир қатор янги институционал ва процессуал кафолатлар киритилди. Давлат томонидан ҳуқуқий ёрдам олиш имконияти йўқ шахсларга бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатиш (pro bono) ҳам конституциявий кафолат сифатида белгиланди.

Янги Конституциянинг 54-моддасида “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир”, деган тамойил мустаҳкамланди. Бу норма давлат ва жамият муносабатларида тамойила янги парадигмани ифодалайди. Энди давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ва мансабдор шахслари ўз фаолиятида, аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишни бош мақсад қилиб олишлари шарт. Конституциявий суд таҳлилига кўра, мазкур норма илк марта киритилиб, инсон ва давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган ҳар қандай ҳуқуқий ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши лозимлиги принципи ҳам юксак қонун даражасида мустаҳкамланди. Шу ўринда давлат учун инсон ҳуқуқлари устуворлиги белгиланиши амалда қандай аҳамиятга эга?, деган савол туғилади.

Биринчидан, барча қонунчилик ҳужжатларини ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда инсон ҳуқуқлари масалалари биринчи даражали ўринга қўйилади. Ҳар бир қонун ёки қарорнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига таъсири чуқур ўрганилиши шарт бўлади. Янги таҳрирдаги Конституцияда айнан инсонпарвар, халқпарвар давлат қуришнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий экани қайд этилар экан, барча асосий нормалар, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда таъминлашга алоҳида аҳамият берилган.

Иккинчидан, мазкур меъёр амалий жиҳатдан ҳам кучли ҳуқуқий таъсирга эга. Масалан, қонунларни қўллашда ёки идоралар фаолиятида инсоннинг ҳуқуқи ва давлат манфаати тўқнаш келган ҳолларда, ҳуқуқни қўлловчи органлар инсон ҳуқуқи ва манфаатлари устунлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш кераклигини англатади. Бу – қонунчиликдаги ҳал қилиб бўлмайдиган низолар фуқаролар манфаатини кўзлаб ҳал қилинади дегани.

Суд ва маъмурий тартиб-таомилларда ҳам шу тамойилга таяниш адолат мезони сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга, Конституциянинг 20-моддасига биноан, давлат органлари томонидан шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва муносиб бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Мутаносиблик (пропорционаллик) принципнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши инсон ҳуқуқларига эҳтимолий чекловлар фақат зарур ва қонуний доирадагина йўл қўйилишига кафолат беради ҳамда қўлланилаётган таъсир чоралари содир қилинган қилмишга мутаносиблиги назарда тутилишини ишора қиляпти.

Учинчидан, 54-моддадаги олий мақсад тамойили давлат бошқарувида “инсон қадрлари устувор” деган ғояни ҳуқуқий

асослантириб берди. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституциямизда қатъий белгиланганидек, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир”. Давлат раҳбари шу нутқида, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун самарали ҳуқуқий механизмлар жорий этиш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Болалар омбудсмани ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилиши лозимлигини қайд этган.

Конституциянинг 55-моддаси фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кенг кафолатлар берди.

Хусусан, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиши мумкинлиги белгиланди. Бу норма фуқароларга ўз ҳуқуқини ҳимоялаш учун фақат давлат органларига мурожаат қилиш билангина чекланмасдан, қонун рухсат берган барча воситалар – жамоатчилик назоратидан тортиб оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ва митинг-намоишлардан фойдаланиш имкони борлигини англатади. Шубҳасиз, бундай ҳаракатлар қонун доирасида амалга оширилиши лозим.

Конституциянинг 55-моддасида ҳар кимнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Яъни, фуқаро ўз ҳуқуқи бузилган деб ҳисобласа, мустақил ва ҳолис судга мурожаат қилиб, адолат излаш ҳуқуқига эга. Бу ўринда фақат суднинг мавжудлиги эмас, балки унинг мустақил ва одил бўлиши алоҳида таъкидланган. Конституция одил судловга эришишни таъминлаш учун ҳар бир шахснинг иши ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан қонуний муддатларда кўриб чиқирилишига кафолат беради. Демак, суд ишларининг чўзилиб кетиши ёки тарафкашлик қилиниши каби ҳолатларга Конституцияга мувофиқ йўл қўйилмайди. Бу меъёр халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига тўлиқ мос бўлиб, судлар фаолиятида одиллик мезонини янада мустаҳкамлайди.

Яна бир муҳим жиҳати – ҳар кимнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари қарорлари ёки уларнинг ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгаллиги кафолатланди. Олдин ушбу ҳуқуқлар қонунлар ёки қонуности ҳужжатларида акс этган бўлса, эндиликда ушбу ҳуқуқлар Конституция даражасида белгилаб қўйилди. Бу фуқароларга давлат органларининг ҳар қандай ноқонуний қарори ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га қарши мустақил судга мурожаат қилиш кафолатидир. Маъмурий одил судловни такомиллаштириш йўлидаги ушбу қадам фуқароларнинг давлат органлари устидан назоратини мустаҳкамлайди ва “ҳокимиятни халқ назорат қилади” деган конституциявий тамойилни амалга оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, илк бор ҳар бир шахсга ички ҳуқуқий ҳимоя воситалари тугаган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланди. Бу ўзгартириш мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очди, чунки аввалги конституцияда бундай норма мавжуд эмас эди. Энди

фуқаро ўз мамлакатидagi барча суд-ҳуқуқ имкониятларидан фойдаланиб бўлганидан кейин, агар ҳуқуқи тикланмаса, Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ халқаро инсон ҳуқуқлари институтларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Дарҳақиқат, бу ҳуқуқнинг Конституцияда белгиланиши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига мувофиқдир ва мамлакатимиз ратификация қилган БМТ ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида аллақачон назарда тутилган кафолатлар миллий даражада тасдиқланганини кўрсатади.

Мазкур нормани ҳаётга татбиқ этиш учун тегишли қонунчиликка ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, Президентнинг 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси" доирасида БМТ шартномавий кўмиталари қарорларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низом қабул қилинган бўлиб, унда фуқароларнинг БМТ инсон ҳуқуқлари механизмларига мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича давлат органларининг вазибалари белгилаб қўйилган.

2023 йил 8 майдаги Президент Фармонида асосан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, жазони ижро этиш қонунчилигига 55-модда талаби сингдирилди. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг 9-моддасига маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари қаторига "барча ички ҳимоя воситалари тугаганидан сўнг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи" деган қондан киритиш вазибалари белгилаб қўйилди. Бу ўзгартиш билан ҳатто озодликдан маҳрум этилган шахслар ҳам ўз ҳуқуқларининг бузилиши бўйича чет эл ташкилотларига шикоят қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Шу тариқа, Конституциянинг бевосита таъсири билан миллий қонунчилик халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилмоқда.

Нихоят, 55-модданинг бешинчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) туфайли шахсга етказилган зарар учун давлат томонидан компенсация тўланиши кафолатланди. Бу норма давлат органлари фаолиятида масъулиятни оширишга хизмат қилади. Эндиликда агар бирор мансабдорнинг ноқонуний қарори ёки ғайриқонуний ҳаракати сабаб кимнингдир ҳуқуқи ва манфаатига зарар етса, давлат ушбу зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. Амалда бундай компенсация талаблари фуқаролик ёки маъмурий суд тартиб-таомиллари орқали кўриб чиқиладиган давлат тегишлича товлон тўлайди. Бу кафолат, бир томондан, фуқаро ҳуқуқлари тикланиши учун моддий асос яратса, иккинчи томондан, мансабдор шахсларни қонунбузарликка йўл қўймасликка ундайди. Чунки, давлат кейинчалик етказилган зарар миқдорини айбдор мансабдордан регресс тартибида ундириб олиши мумкин. Шу маънода, 55-модда умумий қилиб айтганда фуқароларга самарали ҳуқуқий ҳимоя механизмлари ҳаққини бериб, давлат ҳокимиятини эса ўз фаолиятида адолат ва қонун устуворлиги тамойилларига амал қилишга мажбур этувчи мустақкам конституциявий пойдевор яратди.

Конституциявий ислохотларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган мутасаддилар 55-моддани "жаҳонга очилиш ва ички адолатни таъминлаш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири" деб баҳолашди. Хусусан, Академик Акмал Саидов таъкидлаганидек, янги Конституциямизда биринчи марта фуқароларнинг конституциявий шикояти институти жорий этилди

ва одил судловдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Конституциявий шикоят – фуқароларга ўз конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганда бевосита Конституциявий судга мурожаат этиш имкониятини берадиган янги институт бўлиб, бу ҳам одил судлов кафолатларини мустақкамлайди. Шу тарзда, 55-модда ва унга боғлиқ тартиблар одиллик мезонини таъминлашда илмий-назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг юксак босқичини ифода этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг комплекс ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратди. Мазкур ўзгартиришлар сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли демократик ислохотларнинг мантикий давоми ва ҳуқуқий асоси бўлди. Янги Конституцияга таянган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасида қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди, миллий стратегиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Миллий стратегия, ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Миллий ҳаракат режаси, гендер тенгликка эришиш стратегияси, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунлар шулар жумласидандир. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам Конституция руҳига мувофиқ равишда одил судловга эришиш кафолатларини оширишга қаратилди – конституциявий шикоят механизми жорий этилиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги мустақкамланди. Давлат бошқарувида "Инсон қадрини учун" тамойили устувор этиб белгиланди ва ҳар бир давлат органи ўз фаолиятини инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир нуктаи назаридан қайта кўриб чиқмоқда. Янги таҳрирдаги Конституция нормалари нафақат ҳуқуқий база, балки жамият онгини ҳам шакллантирувчи омил бўлиши керак. Инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий нигилизмдан воз кечиш ва қонун устуворлигига ишончни мустақкамлаш борасида конституциявий нормалар тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда янги даврни бошлаб берди. Ушбу конституциявий кафолатлар негизда халқпарвар ва адолатли жамият қуриш мақсади ётади. Бинобарин, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бу нормалар ижроси устидан кучли парламент назорати ўрнатилиши, фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши ҳамда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги таъминланиши лозим. Шундагина Конституциянинг миллимиз келажаги учун белгилаб берган олий мақсадлари тўлиқ рўёбга чиқади ва "Инсон қадрини учун" деган тамойил ҳаётимизда ўзининг мустақкам ўрнини топади.

Азизбек ДАВРОНОВ,

Одил судлов академияси бош мутахассиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6012-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон; 16.08.2024 й., 06/24/111/0623-сон.
3. Акмал Саидовнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашидаги нутқи (2024 й.) uzbekembassy.com.myuzbekembassy.com.my.
4. A.M.Hoshimkhonov. Issues of expanding citizen's participation in increasing the efficiency of the people's state-building, state and society administration system. *Yurisprudensiya. Huquqiy ilmiy-amaliy jurnali* 2023-yil maxsus son. 19-page.



КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҚАДРИ ТАМОЙИЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига 33 йил тўлиши – халқимиз ҳаётида буюк тарихий ва маънавий аҳамият касб этади. 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил давлат барпо этиш йўлида қўйилган қатъий қадамлардан бири бўлиб, миллий ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкам пойдевори бўлди.

Ҳар бир мустақил давлат ҳаётида Конституция энг олий ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида ўрин тутати. У мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгилабгина қолмай, халқнинг орзу-интилишлари, қадриятлари ва келажакка бўлган ишончини ўзида мужассам этади. Конституция – фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки халқни бирлаштирадиган, фуқароларда Ватан тақдири учун масъулият туйғусини уйғотадиган маънавий қадрият ҳамдир.

Мустақил давлатимизнинг ўтган 33 йили давомида Асосий Қомусимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиб келмоқда. Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасида адолатни таъминлаш каби муҳим соҳалардаги ислохотлар айнан Конституция меъёрлари асосида амалга оширилипти.

Айниқса, 2023 йил 30 апрелда референдум орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси ўз мазмун-моҳиятига кўра тарихий аҳамиятга эга. Унда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида мустаҳкамланиб, давлатнинг инсонга, унинг фаровон ҳаётини таъминлашга бўлган масъулияти аниқ белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга халқнинг давлат ва жамият ҳаётини ислох этишга бўлган қатъий ишончини, фаол фуқаролик позициясини яққол намоён этди. Бу референдум фақат ҳуқуқий ҳужжатни янгилаш эмас, балки “Инсон қадри учун” деган ғояни давлат сиёсати даражасига кўтарган, халқ ва давлат ўртасидаги очиқ мулоқот самараси бўлди.

Қомусимизнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унга жамият тараққиёти ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга қаратилган принципиал янгиланган сифатида “ижтимоий давлат” тушунчаси киритилди. Бу тушунча нафақат давлатнинг моҳиятини белгилайди, балки унинг барча фаолияти, устувор йўналишлари ва аҳолига нисбатан масъулиятини илгари сурувчи қонунчилик асосини шакллантиради.

Халқаро ҳуқуқда ижтимоий давлат – фуқароларнинг муносиб ҳаётини таъминлаш, қучсиз қатламларни ҳимоя қилиш, тенг имкониятлар яратиш ва инсон ҳуқуқларини реал ҳаётда таъминлашга қаратилган давлат модели сифатида талқин қилинади. Ўзбекистон Конституциясига ушбу тушунчанинг киритилиши мамлакатда ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг энг муҳим қадрият сифатида қонун даражасида мустаҳкамланганини англатади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқларининг “бевосита амал қилиши”, “туғилганидан бошлаб кафолатланиши” ҳамда “аввал инсон манфаатлари” тамойилининг жорий этилиши ижтимоий давлат ғоясининг асосий қўринишидир. Бу тамойиллар давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳар бир қарор қабул қилишда инсон қадрини устувор деб билишини талаб қилади. Шундай қилиб, ижтимоий давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётда амалга ошириш бўйича ҳуқуқий механизмларни кенгайтирди.

Ижтимоий давлат моделига кўра, сифатли таълим ва тиббий хизмат ҳар бир инсон учун асосий ҳуқуқлардан ҳисобланади. Конституцияда таълим олиш ҳуқуқининг кафолатланиши, унинг сифатини таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларининг белгилаб қўйилиши ҳамда аҳолининг барча қатламлари учун тиббий хизматдан тенг фойдаланиш имконияти ижтимоий давлат ғоясининг тўла амалий ифодасидир. Шу асосда мамлакатда таълим тизимини яхшилаш, тиббий хизматларни рақамлаштириш ва сифатли тиббиётни оммабоп қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 карра оширилди, юзлаб янги мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, техникум ва олийгоҳлар қурилди, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган янги дастурлар қабул қилинди. Қисқа муддат ичида МТТлар сони 5200 дан 38 мингга, қамров даражаси 27 фоиздан 78 фоизга ошди. Сўнгги йилларда янги мактаблар барпо этилиб, 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Олийгоҳлар сони 202 тага, талабалар сони эса 1,5 миллионга етди.

Тиббиёт соҳасида олиб борилган ислохотлар натижаси ўлароқ соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти тубдан яхшиланди. Худудларда 490 та муассаса қайта ташкил этилиб, юридик мақомга эга бўлган 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. Тиббиётда хусусий сектор улуши ортиб, хусусий клиникаларнинг сони 9 мингга, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари эса қарийб 130 тага етди.

Қайд этиш лозимки, Янги таҳрирдаги Конституция мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Унда иқтисодий ислохотларни, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини қўллаб-қувватлайдиган, барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳуқуқий кафолат берадиган нормалар салмоғи оширилди. Шу билан бирга, экологияни муҳофаза қилиш, соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқининг конституциявий кафолат сифатида мустаҳкамланиши келажак авлодлар тақдирига бўлган масъулиятнинг ёрқин ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – халқимизнинг иродаси, тафаккури ва юрт келажакига бўлган мустаҳкам ишончининг ҳуқуқий ифодасидир. У Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида давлат ва жамият тараққиёти учун мустаҳкам асос бўлиб, инсон қадрини олий мезон сифатида белгиланган тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлса, унда белгиланган тамойилларга содиқ бўлиб яшаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш эса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Жаҳонгир САИДОВ,

жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди
тергов судьяси.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — АСОСИЙ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОИДА

Бош қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлашга қаратилганлигидир. Бу ўзгаришлар жиноят судлови тизимига катта таъсир кўрсатди ва судлар фаолиятида туб ўзгаришларга сабаб бўлди.

Жумладан, Конституцияда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Унда суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар фақат Конституция ва қонунларга бўйсунishi, суд ишларини юритишга аралашishга йўл қўйилмаслиги, судьяларнинг дахлсизлиги ва ушбу принципга амал қилмаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, судьяларни лавозимдан четлатиш фақат қонунда белгиланган асосларда амалга оширилиши каби тамойиллар мустаҳкамланди.

Шунингдек, жиноят процессида конституциявий ҳуқуқларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланди ва Конституциянинг 18-моддасига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояси судлар томонидан тўғридан-тўғри амалиётга жорий этилиши туфайли бугунги кунда айнан судлар томонидан конституциявий нормаларни бевосита қўллаш, суд қарорларида Конституция меъёрларига ҳавола қилиниши ҳолатлари ортди. Натижада, қонунлар Конституция руҳида талқин қилинмоқда, шунингдек, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган чоралар қўлланганда суд уларнинг конституциявий ҳуқуқларга таъсирини баҳолаши амалиёти йўлга қўйилди. Бугунги кунда, шахснинг ҳуқуқини чеклайдиган ва процессуал мажбуриятлар чоралари фақат судларнинг рухсати билан қўлланилмоқда.

Мисол учун, гумонланувчининг 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши Конституция 27-моддасининг бузилиши деб баҳолалиши ва шахснинг дарҳол озод қилиниши процессуал қонунчиликка киритилди.

Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этишда суд назоратининг кучайиши ҳам Конституциянинг 27-моддасидаги қамоққа олишга фақат суднинг қарори билан йўл қўйилиши ҳақидаги конституциявий меъёр билан мустаҳкамланди. Бу меъёрлар жиноят процессида қатор ўзгаришларга олиб келди, жумладан, терговчи шахсни ушлаганидан кейин 48 соат ичида судга мурожаат қилиши шарт, ушбу муддат тугагач суднинг қарорисиз шахсни ушлаб туриш Конституция бузилиши ҳисобланади. Шунингдек, судда қамоққа олиш масаласи муҳокама этилганда айбланувчи ва унинг адвокати қатнашиши мажбурияти каби принципал қоидалар жорий этилди.

Бундан ташқари, айнан Конституцияда жиноят процессида айбсизлик презумпцияси кучайтирилди ва 28-моддада батафсил баён этилди ҳамда бир қатор муҳим қоидалар суд-тергов фаолиятига мажбурий талаб сифатида киритилди, жумладан:

-суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахснинг айбини исботлаши шартлиги, айбланувчининг ўз айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги;

-айбловга доир ҳар қандай шубҳаларнинг айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши;

-барча бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши;

-айбланувчи ёки гумонланувчининг сукут сақлаш ҳуқуқи мавжудлиги ва бу ҳуқуқ унинг айбдор деб баҳолалишини инкор этиши кабилар тергов ва суд жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сифатини янада оширди.

Бундан ташқари, Конституцияда адвокатура тизимига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида адвокат ёрдамида фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланди. Бу

билан шахснинг унга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай чекловлар бошланиши билан улардан ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланди. Дастлабки терговда шахс муассасага чақирилиши билан адвокат олиш ҳуқуқига эга, агар шахс буни билмаса терговчи унга бу ҳуқуқни тушунтириши шарт. Шунингдек, суд муҳокамасида ҳам адвокат иштирок этади ва процессуал қонунларда кўрсатилган кенг ҳажмдаги ҳуқуқларини амалга ошириб, ҳимояси остидаги шахсга юридик ёрдам кўрсатади. Шахснинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган барча тергов ҳаракатларида ва суд жараёнида адвокатнинг иштироки мажбурий этиб белгиланди. Агар шахснинг адвокат олишга моддий шароити бўлмаса, давлат томонидан бепул юридик ёрдам кафолатланди. Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда Республика судларида кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича адвокат иштироки 87 фоизни ташкил этган.

Конституциянинг 29-моддасида яна бир муҳим қоида, яъни қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди. Бу янги ёндашув, судларнинг жиноят ишларини мазмунан кўришида қуйидаги талабларга риоя этишларини белгилаб берди, яъни:

● қийноқ ёки зўравонлик билан олинган кўрсатувларнинг автоматик равишда далиллар сафидан чиқарилиши;

● адвокат иштирокисиз олинган кўрсатмалар (мажбурий ҳолларда) номақбул далил деб топилиши;

● процессуал қоидаларнинг қўпол бузилиши натижасида олинган далиллар ҳам мақбул далиллар деб топилмаслиги;

● суднинг рухсатисиз ўтказилган тергов ҳаракатларида олинган далилларнинг ҳам асоссиз деб топилиши.

Конституциянинг 31-моддасида фуқароларнинг шахсий дахлсизлиги, махфийлик ва уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Ушбу ҳуқуқларни чеклашга етарли асослар бўлганда фақат суднинг қарори билан йўл қўйилиши белгиланди. Айнан ушбу нормага асосан, 2025 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда тергов судьялари лавозими жорий этилди ва жиноят ишларини судга қадар бўлган босқичда назорат қилиш функцияси тергов судьялари томонидан амалга оширила бошланди. Бугунги кунда, фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқларини чекловчи қатор чоралар, жумладан: шахсни қамоққа олиш, уй қамоғи чорасини қўллаш, қамоқда бўлиш муддатларини узайтириш, телефон сўзлашувларини тинглаш, уй-жойда тинтув ўтказиш, почта-телеграф жўнатмаларини, мол-мулкни хатлаш каби чекловлар фақат тергов судьялари рухсати билан амалга оширилмоқда. Сўнги йиллардаги маълумотларга асосан тергов судьялари томонидан қамоққа олишга рухсат бериш ҳам бир мунча камайган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суд тизимидаги сўнгги ижобий ўзгаришлар асосини айнан Конституция белгилаб берди ва ушбу меъёрларга, процессуал тамойилларга риоя этилиши келгусида суд тизими мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, унинг адолатли жамият яратишдаги мавқеини янада оширади.

Нозимжон ЖҲРАЕВ,

Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси,

Нурбек РАХИМОВ,

жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг раиси.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ОЛИЙ ЮРИДИК ҲУЖЖАТ

Бу йил Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 33 йил тўлди. Бу давр юртимизда ҳуқуқий давлат куриш, инсон қадри ва унинг ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлигини қарор топтириш йўлида муҳим босқичлардан бири сифатида тарихга кирди. Шу 33 йил давомида Конституция нафақат қонунчилик асоси, балки жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалий муҳим йўналишларни белгилаб берувчи стратегик ҳужжат сифатида ўз аҳамиятини намоён этди.

2023 йил 30 апрелда Конституциямиз янгиланган тахрирда қабул қилинганидан сўнг, унда мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалиётга изчил татбиқ этилиб, уларнинг амалий аҳамияти тобора ортомқда. Конституцияшунослик илмида таъкидланишича, конституциявий меъёрларнинг ҳаётда тўлиқ амал қилиши давлатнинг ҳуқуқий маданияти, фуқаролик жамиятининг институционал ривож ва қонун устуворлигининг таъминланиши билан узвий боғлиқдир.

Дунё мамлакатлари конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари қайд этилган бўлса, уларнинг 90 таси мамлакатимизнинг амалдаги Асосий қонунида ўз ифодасини топган. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларга яқинлашиб бораётганини, ҳуқуқий кафолатларни такомиллаштириш борасида тизимли ва илмий асосланган сиёсат юритилаётганини намоён этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги тахрирдаги Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган ҳуқуқий ва адолатли давлат куриш йўлларини кенг очиб берди”, деган фикрлари замирида жуда улкан сиёсий-ҳуқуқий ҳақиқатлар мужассам. Чунки, Конституциямизда давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий мафқураси, халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида таянадиган конституциявий қадриятлар ва тамойиллар аниқ ҳамда қатъий белгилаб қўйилган.

Янги тахрирдаги Конституцияга суд ҳокимияти фаолиятини тубдан такомиллаштириш, унинг нуфузи ва институционал мустақиллигини ошириш, судьяларни танлаш ҳамда лавозимга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани замонавий ҳуқуқ назариясидаги “одил судловга эришиш” тамойили билан уйғун бўлиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилиниши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Буларнинг барчаси шундан далolat берадики, Янги Ўзбекистон конституциявий ислохотларни амалга оширишда етарлича тажриба ва мустаҳкам назарий-ҳуқуқий асосга эга бўлиб бормоқда. Амалга оширилаётган ўзгаришлар нафақат миллий ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш, балки халқаро демократик стандартларга мос янгиланган конституцион моделни шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Конституциянинг суд тизимига доир нормаларига киритилган тузатишлар замирида қуйидаги учта устувор мақсад кўзланган.

Биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий кафолатларни кенгайтириш. Замонавий ҳуқуқ назариясига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш давлатнинг конституцион вазифаси бўлиб, бу кафолатларнинг мустаҳкамланиши инсон қадрини эътироф этувчи ҳуқуқий модель шаклланишига хизмат қилади.

Иккинчидан, одил судловга эришиш даражасини ошириш ва суд иш юритувининг сифатини юксалтириш. Суд тизими фаолиятида шаффофлик, процессуал адолат, суд қарорларининг асослилиги ва ҳолислигини таъминлаш – қонун устуворлигини қарор топтиришнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Илмий манбаларда одил судловга эришиш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезонларидан бири сифатида баҳоланади.

Учинчидан, судьяликка номзодларни танлаш ва уларни лавозимга тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш. Бу ўзгаришлар суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини кучайтириб, профессионаллик, ҳолислик ва

малака мезонларига асосланган кадрлар сиёсатини шакллантиришга хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқшуносликда бу жараён “меритократик суд тизими” концепцияси билан уйғун ҳисобланади.

Шу тариқа, мазкур учта устувор йўналиш суд-ҳуқуқ ислохотларининг стратегик моҳиятини белгилаб берди ҳамда Конституцияда мустаҳкамланган ҳолда ҳуқуқий тизимнинг барқарор ва очиқ ривожланиши учун замин яратди.

Бундан ташқари, янги тахрирдаги Конституцияда ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий ва халқаро институтларга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Айниқса, Конституциявий шикоят институтининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши фуқароларга Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш имкониятини берди. Бу институт фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганда уларни тиклашнинг муҳим ҳуқуқий механизми сифатида демократик давлатлар амалиётига тўлиқ мос келади.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 55-моддаси бешта қисмдан иборат бўлиб, унда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада кенгайтирилган. Мазкур модданинг таҳлили шуни кўрсатадики, аввалги Конституциянинг 44-моддасидаги ягона норма янгиланган ва мазмунан бойитилган ҳолда иккинчи қисм сифатида киритилган. Модданинг биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари эса тубдан янги конституцион нормалар сифатида белгиланиб, фуқароларнинг ҳуқуқий имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирган.

55-модданинг такомиллаштирилиши замонавий конституционализмдаги асосий тенденциялардан бири — инсон ҳуқуқларини конституциявий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш тамойили билан уйғун. Мазкур нормалар фуқароларнинг давлат органлари устидан таъсирли ҳуқуқий назоратни амалга ошириш, ҳуқуқий муаммолар юзасидан бевосита мурожаат қилиш ва ўз ҳуқуқларини тиклаш имкониятларини кенгайтирувчи муҳим кафолатдир.

Хусусан, мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқларнинг аксарияти халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Бундай ҳуқуқий механизмлар Италия, Португалия, Россия каби қатор мамлакатлар Конституцияларидан ҳам ўрин олган бўлиб, уларнинг муҳим жиҳати — фуқароларга миллий ва зарурат туғилганда халқаро инсон ҳуқуқлари ҳимоя органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашдир.

Айнан шу ҳуқуқ — инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолларда халқаро ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти — янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясида ҳам мустаҳкам ўрин олган. Бу мамлакатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда халқаро стандартларга яқинлашиб, очиқ ва демократик ҳуқуқий тизим шакллантираётганидан далolat беради.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги, замонавий ва ўта муҳим нормаларнинг ҳаётга қатъий ва изчил татбиқ этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг тубдан янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, судлар томонидан конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши ҳуқуқий амалиётнинг сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқмоқда. Бу эса ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун мустаҳкам кафолатлар яратиб, инсоннинг қонуний манфаатлари ва қадр-қимматини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг амалий мазмун билан бойишини таъминламоқда.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,

*Одил судлов академиясининг
Касбий кўникмалар кафедраси мудири.*

КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИНИНГ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

2023 йил 1 май кунидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири турли соҳаларга тааллуқли бўлган меъёрлар билан бойитилгани алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, булар орасида конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши тамойили суд-ҳуқуқ тизими учун энг муҳимларидан биридир.

Судлар ўзига тегишли ишларни Конституция, қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалар асосида ҳал қилади. Конституция эса барча соҳаларда қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий манбаи бўлиб, уларнинг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. Шу тариқа, Конституция нормалари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини шакллантирувчи ва аниқлаштирувчи мезон вазифасини бажаради.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудига олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Шу асосда, Конституция қонуний кучга кирганидан бошлаб юзага келган тегишли ҳуқуқий муносабатларга бевосита татбиқ этилади, деб тушуниш мумкин.

Шунингдек, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиниши билан боғлиқ муҳим қоида 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги ЎРҚ-837-сонли Конституциявий Қонуннинг 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Конституция нормалари тегишли қонунлар ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган-қилилмаганидан қатъий назар, ушбу Конституциявий қонун кучга кирган пайтдан бошлаб тўғридан-тўғри амал қилади.

Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши уларни тўғри ва тўлиқ англаб, пухта ўзлаштиришни талаб қилади. Бу эса Конституция қоидаларини қўлламаслик, уларни нотўғри талқин қилиш ёки зид тарзда қўллаш каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.

Судга мурожаат қилган шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларига оид масалалар бўйича узил-кесил қарор чиқариш ваколатига эга судлар учун Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилиши муайян даражада алоҳида масъулият ва мажбурият юклайди.

Шу муносабат билан Олий суд Пленуми "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2023 йил 23 июнда 16-сонли қарорни қабул қилган. Қарорнинг 4-банди 3-хатбошисига мувофиқ, судлар ҳуқуқий асос сифатида аввало қоида тариқасида Конституциянинг тегишли нормаларини кўрсатиши, шундан кейин эса юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этиши шарт. Агар қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига зид экани аниқланса, бундай ҳолда фақат Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилиши лозимлиги очик-ойдин баён қилинган.

Конституциянинг 29-моддаси 4-қисми судлар томонидан далилларга баҳо беришда муҳим мезон ҳисобланади. Унга мувофиқ, қонунни бузган ҳолда олинган далиллар одил судловни амалга оширишда фойдаланилиши мумкин эмас.

Пленум қарорининг 9-банди 2-хатбошисига ушбу қоидага изоҳ берилган бўлиб, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ёки қонунларда белгиланган тартибларни бузган ҳолда, шунингдек қонунларда назарда тутилмаган усуллар билан тўпланган далиллар қонунни бузган ҳолда олинган далиллар ҳисобланиши шарт эканлиги таъкидланган.

Судлар моддий ҳуқуқ нормаларини қўллар экан, Конституциянинг 16-моддаси талабларини албатта ҳисобга олишлари шарт. Ушбу моддага кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва уни ижро этиш мақсадида қабул қилинади. Шунингдек, бирор қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган.

Давлат органлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Конституциянинг 20-моддасида белгиланган қоидалар муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади ҳамда қонунлар, давлат органлари, фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ҳамда мазмуни айнан шу ҳуқуқ ва эркинликлардан келиб чиқиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллашда Конституциянинг 27-моддаси муҳим ўрин тутати. Суд амалиётида мазкур моддага бевосита таянилган ҳолда:

■ шахсни суд қарорисиз ушлаб туриш муддати 48 соатдан ошмаслиги белгиланган. Бу "хабеас корпус" институтини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, ҳар бир ушлаб турилган шахсга нисбатан эркинликка тажовуз қилишнинг олдини олади;

■ шахс ушлаб турилганда унга ўз ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари тушунарли тилда баён қилиниши шартлиги кўрсатилган. Бу "Миранда қоидалари"нинг конституциявий аксидир.

Ушбу қафолатлар жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янги даражага олиб чиқиб, шахсий эркинлик дахлсизлигини таъминлайди. Шу билан бирга, давлат органлари томонидан суиистеъмолликка, асоссиз ушлаб туришга ёки ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймаслик учун мустаҳкам конституциявий тўсиқ яратди.

Судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилаётган Конституциянинг 55-моддаси жиноят процессининг асосий қафолатларидан бири ҳисобланади. Унга кўра, ҳар бир шахс:

■ ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бу шахсга нисбатан ҳар қандай процессуал қарор ёки ҳаракат суд назоратидан ўтказилиши мумкинлигини англатади;

■ давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш имконига эга. Жиноят ишларида бу ҳибс, қидирув, айблов ёки бошқа процессуал қарорларнинг қонунийлиги устидан назоратни кучайтиради;

■ бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш юзасидан ариза қонун билан белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши қафолатланади. Бу талаб жиноят судлари фаолиятида тезкор, адолатли ва ҳолис ёндашувни таъминлайди.

Ушбу модда жиноят ишларида суд назоратини кучайтиради, шахснинг процессуал ҳуқуқларини қафолатлайди ва давлат органлари фаолиятини конституциявий чегаралар ичида ушлаб туришга хизмат қилади.

Конституцияда шунга мос равишда ҳар бир шахс ўзининг бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қафолатланади.

Ушбу ҳимоянинг самарадор бўлиши учун судлар шикоятларни қатъий белгиланган процессуал қоидалар асосида, оқилона муддатларда ва тарафлар тенглиги, тортишув ва адолат принципларига амал қилган ҳолда кўриб чиқишлари шарт. Бу халқаро стандартлар ва миллий конституциявий қафолатлар ўртасидаги уйғунлиқни таъминлайди.

Бундай нормалар Италия, Португалия, Сербия каби қатор давлатлар конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Ушбу конституциявий қоида инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради. Шу билан бирга, фақат давлат органлари эмас, балки хусусий сектордаги ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини ҳам камайтиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, одил судловни амалга оширишда Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиш амалиёти самарадорлигига эришиш мамлакатда ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлайди ва суд ҳокимиятига ишончни оширади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси, Ҳуқуқ устуворлиги индекси ва Бошқарув сифати индикаторлари каби қатор халқаро рейтинглардаги ўрни яхшилланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Меҳрожиддин ТУРСУНОВ,

жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди тергов судьяси.

СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда бутун дунёда суд органлари фаолиятини демократлаштириш, бунда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига қарам бўлмаган, чинакам мустақил суд ҳокимиятини ривожлантириш тенденцияси тобора кучайиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг муҳим ҳужжатларидан бири – Суд органлари мустақиллигига оид асосий принципларда судьялар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий тайёргарлигини ошириш ва судьялар мустақиллигини сақлаш мақсадида судьялар бирлашмаларини ёки бошқа ташкилотларни ташкил этиши ва уларга кириши мумкинлиги қайд этилган.

Мана шундай демократик тамойиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки камситилган ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний суд ҳужжатлари воситасида тиклаш учун одил судлов фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, суд тизимида судьялар ҳамжамияти органларининг ролини тубдан ошириш, очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида суд органларини малакали кадрлар билан тўлдириш, аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини самарали таъминлаш, суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 24 ноябрь куни имзоланган “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли фармонда белгиланган янги вазифалар суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий принципларни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Аҳамиятлиси, мазкур Фармон жуда кўплаб маҳаллий ва хорижий мутахассис олимлар ҳамда экспертлар томонидан юксак баҳоланди. Хусусан: Озарбайжон Республикаси Бош прокуратурасининг Илмий-ўқув маркази прокурорлар ва судьялар фаолиятини баҳолаш ҳамда касбий тайёргарликни ташкил этиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Каландарли Нигяр Гусейн қизининг таъкидлашича, суд тизимида гендер тенгликни илгари суриш, шунингдек, тизимнинг илмий ва касбий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш мақсадида Одил судлов академиясининг қайта тайёрлаш касбий курсларига қабул қилинадиган аёллар учун Кенгашга ҳар йили квота белгилаш ваколатини берувчи янги нормалар киритилиши белгиланган.

“Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Петра Горжупнинг фикрига кўра, “Шаффофлик нуқтаи назаридан судьяларнинг ўзаро тушунтириш ва изоҳ бериш амалиётини янада кучайтириш талаб этилади. Шунингдек, суд қарорларининг ҳолис, фактларга ва қонунга асосланган бўлиши, ташқи аралашувларнинг камайиши жуда муҳимдир.

Шаффофликни таъминлашнинг яна бир муҳим жиҳати, судьялик лавозимларига танлаш ва уларни лавозимидан

озод қилиш жараёнларининг очиқ, ошкора ҳамда меритократия тамойилларига асосланган бўлишидир. Янги фармонда айнан шу жиҳатга алоҳида урғу берилган ва бу муҳим йўналишлардан бирини ташкил этади”.

Юқорида нуфузли халқаро экспертлар томонидан тўғри эътироф этилганидек, Фармонда белгиланган муҳим вазифалар судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, судьялар мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнида муайян ваколатларга эга ва бир-биридан ўзаро мустақил бўлган судьялар ҳамжамияти органларининг ўрни ва ролини кенгайтиришнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашувига олиб келади.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти билан боғлиқ халқаро ҳужжатларда белгиланган илғор демократик тамойилларнинг миллий қонунчиликка сингдирилишини таъминлаш баробарида одил судловга эришишнинг энг муҳим омиллари ҳисобланадиган судьялар корпусини шакллантириш жараёнида судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим органлари (Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий малака ҳайъати, судьяларнинг малака ҳайъатлари)нинг вазифа ва ваколатлари доирасининг аниқ белгиланишига олиб келади.

Фармоннинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ҳақли эътирофга лойиқдир. Шунингдек, Ўзбекистонда аёл судьялар ассоциацияси ташкил этилиши кўзда тутилаётгани эса аёл судьяларнинг ҳамкорлигини кучайтириб, тажриба алмашиш ва ҳимояда муҳим рол ўйнаши, шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, судьялар ҳамжамияти органлари суд тизими манфаатларини тўлақонли ифодалаш, суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципига қатъий риоя этилишини таъминлаш, судьяларнинг фаолиятига оид ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муҳим масалаларни ҳал қилиш ваколатларига эга бўлган, бир-биридан мустақил фаолият юритувчи тузилмалар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги янги демократик тамойиллар ўрнатилмоқда.

Бунинг натижасида судьялар ҳамжамияти органларининг кўплаб тузилмалари ўзларининг энг муҳим вазифалари бўлган судьяларнинг манфаатларини тўлақонли ифодалаш имконини ошириб, янги жамиятнинг асосий мақсади – адолат ўрнатилишига эришилади.

Шавкат ШАМШИЕВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси,

Жиянбек НАВРЎЗОВ,

*жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг
тергов судьяси.*

СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

АННОТАЦИЯ: мақолада судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, бу борада қабул қилинган миллий ва халқаро қонунчилик ҳужжатлари, тўпланган амалиёт қиёсий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: судьялар ҳамжамияти органлари, одил судлов, янги жамият, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, судьялар мустақиллиги, адолат, қонун устуворлиги, суд назорати.

Одил судлов тизимини демократлаштириш, унинг фаолиятига умумэтироф этилган демократик тамойилларни жорий этиш – Ўзбекистон тараққиётининг янги, замонавий босқичидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор тенденцияларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, судьяларни лавозимларга танлаш ва тайинлаш, уларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнида судьялар ҳамжамияти органларининг фаол иштирокига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 22 февралда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида "Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этган"¹ эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"нинг "II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш" йўналиши 15-мақсадида, "Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш"да "Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга гайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш"² вазифаси белгиланди.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар"га бағишланган 4.2-бандида "Суд тизимини бошқаришга судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини тўлақонли жорий этиш ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари тизимини тўлиқ шакллантириш"³ масаласи назарда тутилди.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти борасидаги миллий қонунчилик ва амалиёт таҳлилидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сон фармони⁴ билан мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим органларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди ва унга конституциявий орган мақоми берилди.

Яъни, Асосий Қомусимизнинг 135-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи бўлиб, у судьялар корпусининг шакллантирилишини, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайди"⁵.

Ушбу конституциявий орган фаолияти йўлга қўйилиши натижасида халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг

илғор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ҳамда лавозимга тайинлашнинг очик, ошкора ва муқобил тизими яратилди.

Ҳуқуқшунос олим Д.Ў.Арипов хулосасига кўра, "Мамлакатимиз суд тизимидаги энг муҳим янгилик – судьялар ҳамжамияти органи ҳисобланган ва суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципига амал қилинишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ислоҳот энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган умумқабул қилинган демократик принциплар ва стандартлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принципларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди"⁶.

"Суд тизимида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилиб, унинг ваколатларини белгиловчи алоҳида қонун қабул қилинди. Унга биноан Кенгаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раисларини, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларини, туманлараро маъмурий судларнинг раисларини, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяларини, ҳудудий ҳарбий судларнинг раисларини лавозимга тайинлайди. Шуни қайд этиш керакки, аввал бу тоифадаги судьялар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланар эди"⁷.

Дарҳақиқат, Судьялар олий кенгаши судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш, судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этиш ҳамда суд фахрийларини рағбатлантириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида айна пайтгача судьялар ҳамжамияти органлари тушунчаси, уларнинг турлари, мақсад ва вазифалари алоҳида қонунчиликда белгиланмаган.

Судьялар ҳамжамияти органларининг тузилмаларидан яна бири – Судьяларнинг олий малака ҳайъати ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари ваколатларига кирадиган масалалар, хусусан: судьянинг интизомий жавобгарлиги; судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш; судьянинг дахлсизлигини таъминлаш; судьяга малака даражасини бериш; халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш бўйича ишларни ташкил қилиш; судьянинг қасамёди ва Судьялар одоби кодексига риоя этилиши устидан назорат қилиш. Судьялар малака ҳайъатлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришида унга кўмаклашадиган⁸.

Судьялар ҳамжамияти органларига кирадиган ушбу тузилмалар (гарчи улар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатсада) фаолиятида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Бироқ, Янги Ўзбекистон шароитидаги кенг кўламли, туб демократик ислохотлар талаби одил судлов тизимида судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ўрни ва роли, амалий аҳамиятини кучайтириш заруриятини вужудга келтираётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Мана шундай эҳтиёж – “судьялар ҳамжамияти органларининг ролини тубдан ошириш, очик ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида суд органларини малакали кадрлар билан тўлдириш, аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини самарали таъминлаш, суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида”⁹ давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 24 ноябрда “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли фармони имзоланди.

“Фармоннинг амалий аҳамияти шундаки, “судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, судьялар мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнида муайян ваколатларга эга ва бир-биридан ўзаро мустақил бўлган судьялар ҳамжамияти органларининг ўрни ва ролини кенгайтиришнинг ҳуқуқий асослари такомиллашувиغا олиб келади”¹⁰.

Янги жамиятда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитидаги судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган ушбу Фармонда қуйидаги бир қатор муҳим вазифалар белгиланди:

- судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойиллини ва суд мустақиллигига оид илғор халқаро стандартлар кенг жорий этилишини таъминлаш;

- судьялар корпусини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ушбу жараёнда судьялар ҳамжамияти органлари ролини ошириш ва уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш;

- судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очикликини таъминлаш, судьяликка номзодларни танлашнинг шаффоф тартибини жорий этиш¹¹.

Ушбу вазифаларнинг самарали ижро этилиши натижасида: биринчидан, умумэтироф этилган илғор демократик халқаро норма ва принциплар асосида судьялар ҳамжамияти органлари,

жумладан Судьялар олий кенгаши фаолияти ташкилий ва институционал жиҳатдан янада такомиллаштирилишига эришилади;

иккинчидан, судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб номзодлар билан шакллантиришдек ўта муҳим ва мураккаб жараёнларни ташқи босим (давлат органлари ва улар мансабдор шахслари, фуқаролик жамияти институтлари)дан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади;

учинчидан, судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, судьяларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши, уларнинг касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари янада кучайишига олиб келади;

тўртинчидан, одил судловга оид халқаро талаб ва стандартларда белгиланган судьяларнинг алмаштирилмаслиги принципи таъминланиши имкониятлари ортади.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, унда миллий қонунчилик ва амалиётимизда биринчи марта судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартиби бекор қилиниб, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби ўрнатилиши¹² белгиланди.

Бу прогрессив нормаларнинг қонунчилигимизда акс этиши, халқаро стандартларда назарда тутилган судьянинг алмаштирилмаслиги тамойили судьялик ваколати муддатининг қонунда белгиланган асослардан ташқари қайта кўриб чиқилмаслигини кафолатлайди.

Фармонда Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантириш борасида ҳам бир қатор демократик тамойиллар ўрнатилиши белгиланмоқда. Яъни, Кенгаш таркибини шакллантириш тартиби судьялар ҳамжамияти органлари иштирокини ошириш орқали янада такомиллаштирилади.

Жумладан, кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилади. Бунда кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қонда тариқасида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши¹³ мумкинлиги тўғрисидаги янги тартиб ўрнатилиши аъзоларнинг қандай мезонлар асосида танланишига аниқлик киритади.

Хулоса қилиб айтганда, Фармонда назарда тутилган кўплаб демократик тамойиллар одил судловга эришишнинг энг муҳим омили – судьялар корпусини шакллантириш жараёнида судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим органлари (Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий малака ҳайъати, судьяларнинг малака ҳайъатлари)нинг масъулияти мезонлари, вазифа ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб беради.

Пировардида, суд органлари томонидан адолат ва қонуний суд ҳужжатлари чиқарилишининг ҳуқуқий асослари такомиллашиб, одил судлов тизими фаолияти самарадорлигига эришилади.

Иzzатулло ТОЛИБОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси доценти
в.б., юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясидаги нутқи., <https://president.uz/uz/lists/view/4179>
2. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
4. <https://lex.uz/docs/3121087>
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Матн]. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2023 й. – 112 б. 99-бет.
6. Арипов Д.Ў. Мустақил суд ҳокимияти. Монография. – Тошкент, “Top Image Media” нашриёти, 2022. – 335б. 69-70-бетлар.
7. Х.Одилқориев. Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ЮМОМ, 2019. – 280 б. 129-бет.
8. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни., <https://lex.uz/docs/5534923>
9. <https://lex.uz/docs/7852946>
10. Ш.Абдуқодиоров., Судьялар мустақиллигини амалда таъминлаш – давр талаби., “Халқ сўзи” газетаси. 2025 йил 8 декабрь, №257.
11. “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сон Фармон. <https://lex.uz/docs/7852946>
12. Ўша манба.
13. “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сон Фармон. <https://lex.uz/docs/7852946>

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят процессида иш юритишни қайта тиклаш тушунчаси, мазкур институтни амалиётда қўллаш жараёнида юзага келадиган айрим муаммолар, шунингдек, уни келгусида такомиллаштиришга қаратилган баъзи бир таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: қайта тиклаш, дастлабки тергов, суд муҳокамаси, дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишини қайта тиклаш, процессуал тартиб, процессуал муддат, қайта тиклаш асослари.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда ЖПК) кўп маротаба ишлатилган "қайта тиклаш" тушунчасига амалдаги қонунчилигимизда таъриф берилмаган.

Назарий жиҳатдан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш процессуал фаолиятни амалга оширишда вақтинчалик танаффус сифатида, унинг яна қачондир қайта тикланишини кўзда тутати.

Бу дегани иш юритиш тўхтатилган жиноят иши содир этилган жиноий қилмиш учун жавобгарликка тортишнинг қонунда белгиланган муддатлари ўтиши муносабати билан ёки қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан келгусида тугатилиши мумкинлигини истисно этмайди.

ЖПКнинг 45 ва 50-бобларида жиноят ишини тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тартиби ва асослари белгиланган. Хусусан, ЖПКнинг 371-моддасида¹ тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни тиклаш асослари белгиланган. Мазкур модда талабларига кўра, тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов:

1) терговни тўхтатиш учун асос тариқасида ЖПКнинг 364-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда;

2) иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати туғилганда қайта тикланади.

Терговни тўхтатиш учун ЖПКнинг 364-моддасида назарда тутилган ҳолатларнинг бартараф этилиши дейилганда, жиноят содир этган шахснинг аниқланиши, қидирувдаги айбланувчининг топилганлиги, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган айбланувчининг терговга келиши таъминланганлиги, айбланувчи ишни юртишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликдан соғайиши каби ҳолатлар кўзда тутилади.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонунга номувофиқ бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва дастлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Дастлабки тергов давомида тўхтатилган жиноят ишини тиклашнинг миллий қонунчилигимизда урта асоси назарда тутилган.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 569-моддасида назарда тутилган жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш асосини ҳам инobat-га оладиган бўлсак, тўхтатилган ишни қайта тиклашнинг тўртинчи асоси ҳам мавжудлиги кўринади. Яъни, стационар тартибда суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи тиббий муассасага жойлаштирилган даврда иш юритишдан тўхтатилган жиноят иши экспертиза текширувлари тамомлангандан сўнг, қайта тикланиши лозим. Буни иш юритишни қайта тиклашнинг бошқа асослари билан чалкаштириб бўлмайди, чунки бу ҳолатда айбланувчи мавжуд, у касал бўлмаган, фақатгина унинг руҳий ҳолатига аниқлик киритиш учун экспертиза тайинланган ва қолаверса у терговдан яширинмаган.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 420¹-моддасида иш юритишни қайта тиклашнинг қуйидаги асослари назарда тутилган:

1) яширинган судланувчи ушланса ёки ўз ихтиёри билан судга келса;

2) руҳий ёки бошқа оғир касаллика чалинган судланувчи тузал-са ёхуд унинг соғлиги судга келиш имкониятини берса;

3) ЖПКнинг 416 ва 417-моддалари асосида прокурорга қўшимча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида юборилган ажрим ижроси таъминланганда ёки ажримнинг ижросини таъминлаш учун белгиланган бир ойлик муддат тамомланганда иш юртиш қайта тикланади.

Энди жиноят ишини тўхтатиш учун асос бўлган ҳолатларнинг бартараф этилишини баҳолашдаги муаммоларни кўриб чиқсак.

ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисмининг 1-бандида назарда тутилган жиноят содир этган шахснинг аниқланиши дастлабки терговни қайта тиклаш учун асос бўлади. Мазкур асос фақатгина суришти-рув ва тергов босқичларига тааллуқлидир. Жиноят содир этган шахснинг аниқланиши деганда, тергов органи томонидан жиноий қилмишни содир этган шахсга нисбатан айблов эълон қилиниши тушунилади.

Жиноят ишини қайта тиклашнинг иккинчи асосида кўрсатилган қаерда эканлиги номаълум бўлган айбланувчининг аниқлани-ши деганда қидирувда бўлган айбланувчининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушланиши ёки айрим ҳолларда ўз ихтиёри билан тергов органига келиши тушунилиши лозим.

Ушбу асосга кўра жиноят ишини тиклашнинг ҳам амалиёт-да қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, қидирувдаги ай-бланувчи (судланувчи) ушлангандан сўнг суриштирув ёки тергов органлари ҳамда судлар учун қонун ҳужжатларида жиноят иши-ни қайта тиклашнинг қатъий муддати белгиланмаган. Қайсидир терговчи қидирувдаги айбланувчи бошқа ҳудудда ушланганлиги ҳақида хабарномани олган захотиёқ дастлабки терговни қайта тикласа, бошқа бир терговчи қидирувдаги шахс тергов органига келтирилгандан сўнг иш юритишни тиклайди. Баъзан, амалиётда қидирувдаги шахс ушланиб, тергов органи жойлашган ҳудуддаги ички ишлар органларига келтирилгандан сўнг муайян вақт ўтиб, зарурият туғилгандагина дастлабки тергов қайта тикланиши ҳам кузатилади.

Бундай амалиётга ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 3-банди асо-сида тўхтатилган ишлар бўйича ҳам йўл қўйилади. Хусусан, айрим терговчилар хорижий давлатдан экстрадиция қилинган айбланувчи Ўзбекистон Республикасига олиб келинган вақтдан бошлаб жиноят иши бўйича терговни қайта тикласа, айримлари айбланувчи на-фақат Ўзбекистонга балки, тергов органи жойлашган туман-шаҳар ички ишлар органлари биносига олиб келингандан сўнг иш юри-тишни тиклайди.

Бизнингча, тергов-суд амалиётидаги бундай салбий амалиёт-га барҳам бериш учун ЖПКнинг 371-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:



“Терговчи ушбу Кодекснинг 364 ва 569-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда дарҳол дастлабки терговни тиклаш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда прокурорга ҳамда тезкор-қидирувни амалга оширишга масъул бўлган органга йигирма тўрт соат ичида маълум қилади.”

Айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилган жиноят ишларини тиклашда ҳам тергов амалиётида тушунмовчиликлар юзага келади.

Хусусан, ушбу асосга кўра тўхтатилган ишларни тиклаш учун “айбланувчи даволанаётган шифохонадан унинг яшаш уйига рухсат берилишининг ўзи кифоя қиладими ёки айбланувчининг тергов ва судда қатнашишга розилиги етарлими ёхуд тиббиёт муассасасининг бемор тергов ва судда қатнашиш имкониятига эга эканлиги ҳақидаги расмий ҳужжати зарурми, айбланувчининг соғлиги ҳолатини тасдиқловчи суд-тиббий (психиатрия) экспертизаси ўтказилиши шартми?”, деган саволлар туғилиши табиий албатта.

Жиноят ишини тўхтатишнинг ушбу асосининг ўзига хослиги шундаки, айбланувчи касалликдан тўлиқ тузалмаслиги ёки ушбу касалликнинг тиббиётда тўлиқ даъвоси бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда, бизнинг фикримизча даволовчи шифокордан айбланувчининг тергов ва судда иштирок эта олиш имконияти ҳақида маълумотнома олиб, шу асосда жиноят ишини қайта тиклаш лозимлиги, агарда тергов жараёнида айбланувчининг соғлиғига шубҳа туғдирувчи ҳолатлар аниқланганда судга оид тиббий (психиатрия) экспертиза тайинлаб, унинг хулосаси асосида терговни давом эттириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш институтининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, амалдаги ЖПКнинг 371-моддасига кўра тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов қайта тиклангандан сўнг терговчи бу ҳақда фақатгина прокурорга дарҳол хабар бериши белгиланган. Жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг қайта тикланиши қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига бевосита дахл қиладиган процесс иштирокчиларини, хусусан айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг қонуний вакилларини ва ҳимоячини хабардор қилиш қонунда назарда тутилмаган.

Қонун нормасининг бундай тарзда баён этилиши маълум маънода дастлабки терговни тўхтатиш вақтида процесс иштирокчиларининг тўлиқ хабардор қилинмаслиги ҳақидаги нормалар билан боғлиқ. Чунки, ЖПКнинг 364-моддаси 3-қисмида “Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади” ҳамда 369-моддасининг 2-қисмида “Терговчи дастлабки терговни тўхтатгач, бу ҳақда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларини хабардор қилади”, деб белгиланган.²

Бирок, жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг тўхтатилиши ҳақида бевосита ҳуқуқ ва манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган шахсга, яъни айбланувчи ёки судланувчига ҳамда уларнинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига хабар бериш назарда тутилмаганлиги уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий таъсир қилади.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 46-моддасида айбланувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, дастлабки ҳуқуқ сифатида айбланувчига ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш, шунингдек ҳимояланиш, илтимоснома бериш ва рад этиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш каби ҳуқуқлар Конституция ва жиноят процесси принциплари даражасида мустаҳкамланган.

Худди шундай, ЖПКнинг 53-моддасида ҳимоячининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унда ҳимоячи манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада айбланаётганлигини билиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш каби ҳуқуқларга эга.

Бирок, тергов органи айбланувчига нисбатан сиртдан айблов эълон қилиб, эҳтиёт чорасини қўллаб, жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилганда ёки айбланувчи оғир касаллиги сабабли тергов тўхтатилганда, худди шу ишлар бўйича тергов қайта тикланганда на айбланувчи (судланувчи) ва на унинг ҳимоячиси бу ҳақда хабардор қилинмаслиги юқоридаги қонун нормаларининг амалда ишламаслигига олиб келади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.12.2019 йилдаги ПҚ-4551-сон қарорининг 5-бандида 2020 йил 1 майга қадар “...прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевосита судга шикоят қилиш” бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланган³.

Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда жиноят процесси иштирокчилари нафақат қарорлар устидан шикоят қила олиш имкониятига, балки жиноят иши бўйича қандай қарор қабул қилинганлигини билиш имкониятига ҳам тўлиқ эга эмаслар.

Жиноят-процессуал қонунининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, жиноят иши бўйича тергов тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилинган жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг ҳам айнан шу иш бўйича тергов қайта тикланганда хабардор қилиниши белгиланмаганлиги тушунарсиз ҳолатдир.

Шу муносабат билан, амалдаги ЖПКнинг 369-моддасининг 2-қисмини қуйидаги тарзда ўзгартириш таклиф этилади:

“Терговчи дастлабки терговни тўхтатгач бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилини, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларини хабардор қилади ҳамда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтиради”.

Худди шу каби, ЖПКнинг 371-моддаси 3-қисмини қуйидаги тарзда ўзгартириш таклиф этилади:

“Терговчи ушбу Кодекснинг 364 ва 569-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда дарҳол дастлабки терговни тиклаш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда прокурорга ҳамда тезкор-қидирувни амалга оширишга масъул бўлган органга йигирма тўрт соат ичида маълум қилади. Шунингдек, жиноят иши бўйича дастлабки тергов қайта тикланганлиги ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилини, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларини хабардор қилади”.

ЖПКга бу каби меъёрларнинг киритилиши жиноят ишини қайта тиклаш борасида қонунчилигимизда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олади ҳамда қонунларимизнинг шаффоф ва самарали ишлаши учун замин яратади.

Акрамхон БОБОХОНОВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/111460>
2. <https://lex.uz/docs/111460>
3. <https://lex.uz/docs/4647329>

ТЕРГОВ ОРГАНИ РАЎБАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада тергов органи раҳбарининг процессуал функцияси тушунчаси ва мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, процессуал функцияларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш бутун жиноят процессининг тузилиши ва принципларига сезиларли таъсир кўрсатишига доир муаммолар атрофлича ўрганилган. Шу билан бирга, миллий ва хорижий олимлар тадқиқотлари ҳамда қонунчилиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: дастлабки тергов, жиноят процесси, терговчи, тергов органи бошлиғи, мақоми, функция, раҳбарлик, мажбурият.

Жиноят процессуал ҳуқуқи фанини ўрганишда жиноят иш-ни юритувчи мансабдор шахслар, хусусан тергов органи раҳбарининг процессуал вазифалари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, процессуал вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш бутун жиноят жараёнининг тузилиши ва тамойилларига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу боис, кўп йиллардан бери процессуалист олимлар тергов органи раҳбари томонидан бажариладиган процессуал вазифаларни муҳокама қилиб, турли нуқтаи назарларни илгари сурганлар. Илм-фан ва амалиётда тергов органи раҳбарининг вазифалари юзасидан ягона, умумэтироф этилган назарий ёндашув ҳалигача шаклланимаган. Бу эса ушбу масалани замонавий нуқтаи назардан қайта таҳлил қилиш ва баҳолашни долзарб вазифалардан бири сифатида белгилайди.

Аввало, тергов органи раҳбари бажарадиган функцияларни таҳлил қилишдан олдин, процессуал вазифа атамасини аниқлаб олиш лозим. Негаки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидан функция атамаси ва тушунчаси қўлланилмаган. Функция сўзи (лотинча function) - бажариш, вазифа, фаолият доираси, мажбурият, роль каби маъноларни англатади.

М.С. Строгович, В.М. Савицкий, Я.О. Мотовиловкерларнинг фикрича, процессуал функция - бу жиноят-процессуал фаолиятнинг муайян йўналиши ёки туридир. П.С. Элькин эса процессуал функцияни ҳуқуқ нормалари билан белгиланадиган ва бундай фаолиятнинг тегишли йўналишларида ифодаланган махсус вазифа ва иштирокчиларининг ролини акс эттирадиган тушунча сифатида талқин қилади. Аксарият олимлар жиноят процессуал функциялар деганда, иштирокчилар процессуал фаолиятининг асосий турлари, йўналишларини тушунганлар. И.В. Тиричев шундай ёзади: "Ишда иштирок этишнинг роли, вазифаси ёки мақсадидан келиб чиқадиган субъектлар фаолиятининг турлари, йўналишлари процессуал функциялар деб аталади". Б.Х.Толеубекова жиноят-процессуал функцияларни жиноят процессида дифференциация қилиниши мумкин бўлган процессуал фаолиятнинг асосий турлари ва йўналишлари сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, бу фаолият турлари иш юритувини амалга оширувчи ваколатли органлар фаолияти натижасида эришиладиган махсус ва хусусий мақсад ҳамда вазифалар билан боғлиқ бўлиб, унда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа шахслар ҳам иштирок этади.

Г.П.Химичевнинг фикрича, процессуал вазифаларга жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш орқали амалга ошириладиган процессуал фаолият йўналишлари сифатида қараш лозим. Г.З. Тўлаганова ва С.М. Раҳмоновларнинг фикрича, жиноят процессининг функциялари деганда, жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий йўналишлари тушунилади. Маълумки, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг жиноят-процессуал фаолияти бир хил бўлмай, ўз мазмунига кўра бир неча йўнали-

шларда амалга оширилади. Жиноят процессининг функциялари жиноят суд иш юритувчи субъектларининг процессдаги роли ва вазифасидан келиб чиқади. В.А. Миренский эса жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал этиш жараёнининг бориши ва яқунланишини таъминловчи органлар ва шахслар фаолиятининг асосий йўналишлари процессуал функцияларни таърифлайди.

Юқоридаги процессуалист олимлар нуқтаи назарини таҳлил қилганда, жиноят процессининг функцияси қуйидаги ўзига хос белгиларига эга эканлиги хулоса қилинади:

- жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал қилиш (В.А. Миренский);
- жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий йўналишлари (М.С. Строгович, В.М. Савицкий, Я.О. Мотовиловкер);
- жиноят процессуал функцияларни жиноят суд ишларини юритишнинг мақсади билан бевосита боғлиқлигини белгилаш (И.В. Тиричев);
- ҳуқуқ нормалари билан белгиланиши (П.С. Элькин);
- субъектларнинг процессдаги роли ва вазифаларидан келиб чиқиб, уларнинг функциялари белгиланади (Г.З. Тўлаганова, С.М. Раҳмонова);
- жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш орқали амалга ошириладиган процессуал фаолият йўналишлари сифатида қўрилиши (Г.П.Химичева).

Биз В.М.Савицкийнинг позициясига қўшилган ҳолда, "ваколатлар ва функциялар" турли тушунчалар эканлигини таъкидлаймиз. Агар "ваколатлар" ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини англатса, "функциялар" фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан қараганда, функция тергов органи раҳбари фаолиятини умумий тушунчада ифодалайди.

Шунингдек, жиноят процессининг функцияси деганда – процесс иштирокчилари муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириши орқали жиноят процессуал вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган, одил судлов, таъқиб, айбаш ва ҳимоя каби йўналишлардаги процессуал фаолият тушунилади.

Бизнинг фикримизча, жиноят процессуал функцияларни фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида, жиноят процессида иштирок этадиган шахсларнинг шахсий функциялари билан адаштирмаслик керак. Албатта, жиноят процессуал функциялари жиноят процессуал фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, аммо уларнинг йўналишлари муайян бир фаолиятни амалга оширишга қаратилган асосий мақсад билан фарқланади. Иштирокчиларнинг, айниқса мансабдор шахсларнинг функцияларига эса уларга юклатилган ўзига хос муҳим вазифалар ва кўзланган мақсадлар ҳамда манфаатла-

рига мувофиқ амалга ошириладиган фаолият тури сифатида қараш мумкин.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига вазифалар масаласи очиқ қолган. Аммо, агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмига мурожаат қиладиган бўлсак, қонун чиқарувчи тортишувчанлик принципи доирасида таъқиб қилиш (айблаш), ҳимоя қилиш ва ҳал қилиш функцияларини бир-биридан алоҳида эканлигини ва айнан бир органга ёки айнан бир мансабдор шахсга юкланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Агар жиноят процессидаги ҳар бир иштирокчининг фаолият мақсади ва бажарадиган вазифаси нуқтаи назаридан функцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўплаб турли вазифалар мавжудлигини ишонч билан айтиш мумкин. Демак, агар тергов органи раҳбарига бир қатор ўзига хос вазифалар (масалан, назорат, дастлабки тергов, айблаш, процессуал раҳбарлик, қонун устуворлигини таъминлаш ва бошқалар) юклатилган бўлса, у ҳар доим ушбу ўзига хос функцияларни амалга оширишда қонунчиликда белгиланган йўлдан келиб чиқиб, таъқиб қилишнинг жиноят процессуал функцияларини (айблаш) бажаради.

Шундай қилиб, тергов органи раҳбари муайян ваколатлар орқали ўзига хос муайян фаолиятни амалга оширади ва шу тариқа умумий жиноят процессуал вазифаларни бажаришда иштирок этади. Бу эса тергов органи раҳбарининг функциялари ва уларнинг умумий жиноят процессуал вазифаларни бажаришдаги ўрни ва роли ҳақида илмий саволлар пайдо қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жиноят процессида иштирок этаётган ҳар бир иштирокчи ишда ўзига хос муайян функцияни бажаради. Гарчи баъзилари ҳал қилувчи ролида (судья ҳукми, ҳолис (гувоҳ) иштирокчи) бўлиб иштирок этса, баъзилари эса айблаш ёки бошқача қилиб айтганда таъқиб қилиш (прокурор, терговчи, тезкор ходим, жабрланувчи) вазифасини бажаради. Айримларига эса иш бўйича умуман функциялар (масалан, мутахассис, таржимон) тааллуқли эмас. Бундан келиб чиқадики, жиноят процессида иштирок этаётган ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида бир неча функцияларни бажариши мумкин.

Албатта, тергов органи раҳбари ушбу функцияларни бажариши учун қонунчиликда унинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиши шарт. Жиноий таъқиб тушунчаси ва мазмун-моҳияти деярли кўпгина мамлакатлар қонунчилигида очиқ берилган. Жумладан, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларида жиноий таъқиб тушунчаси, уни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар, амалга ошириш тартиби ҳамда ҳолатлари кенг ёритилган. Масалан, ушбу Қонуннинг 7-моддаси 22 ва 23-бандларида жиноий таъқиб таърифи берилган. Унга кўра, жиноий таъқиб - бу жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни ва уни содир этган шахсни аниқлаш, айбдорни фош этиш, шунингдек, бундай шахсга жазо ёки бошқа жиноий-ҳуқуқий чоралар қўлланилишини таъминлаш мақсадида прокуратура томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир.

Жиноий таъқиб қилувчи органлар ўз вазифаларини амалга оширишда мустақилдирлар, уларнинг ишига аралашиб қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноий таъқиб қилувчи орган жиноятдан жабр кўрган шахснинг адолатга эришишини таъминлаши ва жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш чораларини кўришлари лозим. Жиноий таъқиб қилувчи

органнинг буйруқларини жисмоний ва юридик шахслар бажаришлари шарт.

Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида жиноий таъқиб, оммавий, хусусий-оммавий ва хусусий шаклда амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу қонунчиликда, фақат жиноий таъқиб қилиш терговчи ва прокурорга юклатилган. Шахсларнинг аризаси бўлмаган тақдирда ҳам, терговчи, прокурор жиноий таъқиб қилиши мумкин. Россия Жиноят-процессуал кодексининг 5-моддасига мувофиқ, жиноий таъқиб – жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчини фош этиш мақсадида айблов тарафи томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятлиги тилга олинган. Россия жиноят процессуал қонунчилигида жиноий таъқиб бўйича ўрнатилган қоидалар Қирғизистон, Қозоғистон жиноят процессуал қонунчилигидаги қоидаларга ўхшашидир. Фақат, Россия жиноят процессуал қонунчилигида жиноий таъқиб қилиш функцияси тергов органи бошлиғига ҳам берилган.

Юқоридан маълум бўладики, чет мамлакатларда жиноий таъқиб қилувчи органларга жиноят процессуал қонунчилигида қўйилган вазифаларни бажариш мажбурияти юклатилган. Жиноий таъқиб қилиш функцияси прокурорга, терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга юклатилган. Суд ҳокимияти эса, ҳолис орган сифатида сақлаб қолинган.

Шоҳруҳ Мирзо ХАЛИЛОВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
кафедра ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Краткий словарь иностранных слов. Гос. изд. иностр. и нац. словарей. М., 1950. С. 400.
2. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. - Т.1. - М.: Наука, 1968. - С.188; Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора в уголовном судопроизводстве. - М., 1975. - С.30; Мотовиловкер Я.О. О принципах объективной истины презумпции невиновности и состоятельности процесса. - Ярославль, 1978. - С.67-76.
3. Элькин П.С. Сущность советского уголовно-процессуального права. - Л., 1963. - С.54-55
4. Зинатуллин Т.З., Зинатуллин Т.З. Еще раз об уголовно-процессуальных функциях // Проблемы совершенствования и применения законодательства о борьбе с преступностью: материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского государственного университета. Часть I. Уфа: РИО БашГУ, 2004. С. 43.
5. Уголовно-процессуальное право РФ: учебник/отв.ред. П.А. Лулиньская. М.: Юрист, 1998. С.74.
6. Топеубекова Б.Х. Уголовно-процессуальное право РК. Часть Общая: учебник. Алматы: Баспа, 1998. С.73.
7. Химичева Г.П. Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности. М.: Экзамен, 2003. С. 49.
8. Гирько С.И. Уголовно-процессуальные функции милиции (теоретические, правовые и прикладные проблемы): автореф. дис.... д-ра. юрид. наук. М., 2004. С. 26.
9. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida - Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. - 19 bet.
10. Миренский В.А. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесси. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти. Тошкент. 2012. - Б. 15.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон. 2025.
12. Р.Д. Рахунов к числу самостоятельных процессуальных функций относит функции расследования уголовного дела, поддержания гражданского иска, защиты от гражданского иска. См.: Рахунов Р.Д. Участники уголовно-процессуальной деятельности. - М., 1961. - С. 47.
13. П.С. Элькин, понимая под процессуальными функциями специальное назначение и роль участников процесса, определяемые нормами права и выраженные в соответствующих направлениях процессуальной деятельности, классифицирует функции на основные, вспомогательные, побочные. См.: Элькин П.С. Сущность советского уголовно-процессуального права. - Л., 1963. - С. 54-69.
14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 16.09.2025 г.).
15. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.09.2025 г.).
16. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 27.10.2025).

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада босқинчиликнинг объектив томони юридик белгилари тўғрисида айрим қарашлар ўрин олган бўлиб, унда айбдор томонидан босқинчиликнинг содир этилиши натижасида жабрланувчининг соғлиғига нисбатан етказилган зарарнинг хусусияти ва бу борада келиб чиққан жиноий-ҳуқуқий оқибатни суд-тергов органлари томонидан квалификация қилишдаги айрим жиҳатлар тўғрисида сўз юритилган ҳамда босқинчилик жинояти бўйича муаллифлик таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *босқинчилик, ўзганинг мол-мулки, талон-торож, зўрлик ишлатиш, жисмоний зўрлик, руҳий зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, содир этиш усуллари, ижтимоий хавфлилик.*

Ўзганинг мулкига қарши қаратилган жиноятлар ичида энг ижтимоий хавфи юқориси ўзганинг мулкини зўрлик ишлатиб талон-торож қилиш ҳисобланади.

Босқинчиликнинг объектив томони зарурий белгиси ҳисобланган ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган қилмишда ифодаланадиган зўрликни биз қуйида таҳлил қилиб чиқамиз. Зўрлик тушунчаси бир неча жиноятлар конструкциясида мавжуд бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси ЖКда унинг изоҳи ва мазмуни акс эттирилмаганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли олимлар ва ҳуқуқшунослар томонидан ушбу тушунча турлича талқин қилинади.

Ҳуқуқшунос Қ.Р. Абдурасулова “зўрлик инсоннинг дахлсизлигини бузиш, жисмоний ва руҳий азоб бериш шаклида ҳам намоён бўлишини” таъкидлайди.

А.Ивашенко ва А.Марцевлар “зўрлик бир томоннинг ҳулқи иккинчи томоннинг хоҳишига қарши йўналтирилган эркин инсонлар ўртасидаги муайян ўзаро муносабатларни акс эттиради” деб таъкидлайди.

Р.Шараповнинг фикрича, “зўрлик сифатида бир шахснинг бошқа бир шахс хоҳиш-иродасига қарши ҳолда содир этилган ҳаракатлари тушуниланган ва тушунилмақда”¹.

Л.В.Сердюкнинг фикрига кўра, “зўрлик – шахс томонидан бошқа инсон (бир гуруҳ шахслар) хоҳиш-иродасига қарши ҳолда, органик, жисмоний ёки руҳий жароҳат етказиши мумкин бўлган ҳамда унинг эрки ёки ҳаракатларини ёхуд унинг хоҳиш-иродасини чеклайдиган ғайриқонуний таъсир кўрсатишдир”².

М.Мусаев³ ва С.Ниёзовалар зўрликнинг ҳуқуққа хилоф эканлигини алоҳида қайд этади. Хусусан, С.Ниёзова зўрлик тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф қилади: зўрлик – бу жабрланувчи хавфсизлигига қасддан, қонунга хилоф равишда жиноий тажовуз қилиш, унинг организмга (органлари, тўқималари ва уларнинг физиологик функциялари) иродасига қарши (ёки ундан ташқари) жисмоний (энергетик) ёки руҳий (информацион) таъсир этиш йўли билан жисмоний ёки руҳий зарар етказиш⁴.

Л.В.Сердюк, Қ.Р. Абдурасулова ва С.Ниёзовалар томонидан зўрлик тушунчасига берган тушунтиришларида, унинг икки, яъни, жисмоний ёки руҳий шаклларда амалга оширилишини эътироф этганликларини қўллаб қувватлаймиз, чунки зўрлик айбдор томонидан ҳам жисмоний ҳам руҳий тарзда амалга оширилиши мумкин.

Бироқ, муаллифлар томонидан зўрлик тушунчасига берилган таърифларда босқинчиликнинг содир этилиши натижасида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун фақатгина жисмоний жиҳатдан зиён етказилишини назарда тутганликлари, биноба-

рин, зўрлик ишлатилиши оқибатида жабрланувчига ҳам жисмоний ҳам руҳий зиён етказилиши тўғрисидаги ёндашувни эътибордан четда қолдиришган.

Мухтасар қилиб айтганда, амалдаги жиноят қончилигида соғлиққа қарши қаратилган жиноятларда тан жароҳати етказганлик учун жавобгарлик оғирлик даражасига (оғир, ўртача оғир ва енгил) қараб ажратилиб, ижтимоий жиҳатдан тўлиқ шартланган бўлиб, ушбу тан жароҳатларнинг оғирлик даражаси тиббий ва иқтисодий мезонларга кўра белгиланган.

Шахсга нисбатан зўрлик ишлатилиши натижасида юзага келадиган тан жароҳатлари тўғрисида юридик адабиётларда аввалдан “баданга шикаст етказиш” ёки “соғлиққа шикаст етказиш” тушунчалари баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам кўплаб адабиётларда зўрлик ишлатилиши натижасида шахсга етказилган жароҳат ёки зарар “соғлиққа шикаст етказиш” эмас, балки “баданга шикаст етказиш” тушунчаси билан қамраб олинган бўлиб, ҳали-ҳанузгача ушбу тушунчалар бўйича ягона ёндашув йўқ.

М. В. Авакьян баданга шикаст етказиш тушунчасини уриш, дўппослаш, қийнаш атамалари билан боғламаслик лозимлигини таъкидласа⁵, А.Н. Попов баданга шикаст етказиш тушунчасига нафақат уриш, дўппослаш, қийнаш ҳаракатларини, балки инсон саломатлигининг умумий бузилишига олиб келмаган ҳамда қон кетиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўравонлик ҳаракатларини ҳам киритмаслик лозимлигини таъкидлайди⁶. В.А. Ершов, Г.В. Костылева, М.М. Миловановалар уриш, дўппослаш ва қийнаш билан боғлиқ ҳаракатларни соғлиққа зарар етказишга тааллуқли деб ҳисоблайдилар, бироқ бундай ҳаракатларни суд-тиббий экспертизаси томонидан аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли уларни баданга шикаст етказиш тушунчасига киритмаганлар⁷.

М.М. Горшков эса, тан жароҳати жинояти тушунчасига ўзга шахс томонидан нафақат жиддий ва сезиларли даражада соғлиққа зиён етказиш, балки, бир лаҳзада изсиз ўтиб кетадиган оғриқни ҳам шу жиноятлар тоифасига киритади⁸.

Таъкидлашимизча, босқинчиликда зўрлик ишлатилиши натижасида жабрланувчига нисбатан шикаст етказилади. Жабрланувчига нисбатан етказилган “баданга шикаст етказиш” ва “соғлиққа зиён” тушунчаларининг бир-биридан фарқини, чегараларини аниқ белгилаб олиш орқали уни бошқа зўравонлик тажовузларидан фарқлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, баданга ва соғлиққа зиён етказишни фарқлашда икки объектив мезон бизнинг назаримизда аниқроқ бўлиб улар қуйидагиларда ифодаланади:

– одам танаси аъзолари ва тўқималарининг анатомик бутунлиги ёки бир меъёрга ишлаб туришнинг бузилганлиги;

– одам соғлиғига, суд тиббий экспертизаси ёрдамида етказилган зарарнинг оғирлиги ва даражасини аниқлаш имконини берадиган зарарнинг етказилганлиги⁹.

Ф. Тохировнинг фикрича баданга шикаст етказиш деганда, ўзга кишининг соғлиғига унинг хоҳишига зид равишда, ташқи муҳит омиллари таъсири остида тўқималар ёки аъзоларнинг анатомик бутунлиги ёки физиологик функциялари бузилишига сабаб бўлган ғайриқонуний зарар етказиш тушунилиши лозим¹⁰.

М.Х. Рустамбаев баданга шикаст етказиш деганда, бошқа одамнинг эркига қарши содир этилган, унинг тўқималари ёки аъзоларининг анатомик яхлитлиги ёки физиологик вазифалари ташқи муҳит таъсири остида бузилишида ифодаланган соғлиғига ҳуқуққа хилоф равишда зарар етказишни тушуниш лозимлигини таъкидлаган¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида ҳам баданга шикаст етказиш деганда инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи кераклиги кўрсатиб ўтилган¹².

Содир этилаётган жиноятларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб, ўзгалар мулкига қарши қаратилган жиноятлар мисолида ёндашадиган бўлсак, товламачилик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг содир этилишида айбдор шахслар жабрланувчиларнинг танаси (бадани) га жисмоний зарар етказганлигини кўришимиз мумкин.

Бироқ биз, Олий суд Пленуми қарорида берилган таърифларга тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки, ушбу таърифларда баданга шикаст етказишга нисбатан тўлиқ юридик тавсиф берилмаган, бундан ташқари, баданга шикаст етказишнинг айб шаклига аниқлик киритилмаган. Шу билан бир қаторда, баданга етказиладиган шикастнинг хусусиятлари ёритиб берилган бўлса-да, инсон соғлиғига шикаст етказишнинг хусусиятлари билан боғлиқ умумий тушунтиришлар келтирилмаган.

Босқинчилиكنинг содир этилиши оқибатида баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ўз мазмунидан келиб чиқиб, инсон танасида мавжуд бўлган, суд тиббий экспертизаси ёрдамида оғирлик даражасини аниқлаш имконини берадиган, ўзига хос моддийлик хусусиятлари ва унинг кўринишига эга бўлган тиббий зарар етказилганлигини ўз ичига қамраб олади. Аммо, баданга шикаст тушунчаси фақатгина моддийликка асосланган бўлиб, ўзининг мазмуни билан инсон физиологиясига етказилган зиёнлар (кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд руҳий ҳолатининг бузилиши)ни қамраб ололмайди.

Ваҳоланки, босқинчиликда зўрлик ҳам жисмоний дахлсизликка ҳам руҳиятига нисбатан содир этилишида намоён бўлади. Шахсга нисбатан етказилган ҳар қандай тан жароҳати унга жисмоний оғриқ бериши билан бир қаторда унинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади ҳамда унга зиён етказиш эҳтимоли жуда юқори саналади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, босқинчилиكنинг моҳиятидан келиб чиқиб ва унинг содир этилиши натижасида жабрланувчига нисбатан бир вақтнинг ўзида ҳам жисмоний ҳам руҳий зиён ёки шикаст етказилиши ёхуд шахсга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатилмасдан фақатгина руҳий зўравонлиكنи ўзиде қамраб олишини кўришимиз мумкин бўла-

ди. ЖКнинг босқинчилик учун жавобгарлик белгиланган нормасида 3-қисми “г” бандида назарда тутилган “баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса” квалификациявий белгиси фақатгина шахсга нисбатан зўрлиكنинг жисмоний тури малакаланишини ўзиде қамраб олиб зўрлиكنинг руҳий турини эътибордан четда қолдирганлигини кўриш мумкин бўлади.

Босқинчилик содир этилиши натижасида “баданга оғир шикаст етказиш” квалификациявий белгиси тушунчаси ўзининг мазмуни билан инсон физиологиясига етказилган зиённи, яъни кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд руҳий ҳолатининг бузилишини ўз ичига қамраб ололмайди. Шу нуқтаи назардан Россия Федерацияси, Молдова, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон каби давлатларнинг жиноят қонунчилигида зўрлик ишлатиш натижасида “баданга шикаст етказиш” тушунчасининг ўрнига “соғлиққа зиён етказиш” квалификациявий белгиси билан малакаланишини ўзиде қамраб олган.

Юқоридагилар таҳлиллардан келиб чиқиб, ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “г” бандидаги квалификациявий белгига қуйидаги ўзгартириш киритиш таклиф этилади:

ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган босқинчиликни “баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса” квалификациявий белгисини “соғлиққа оғир зиён етказган ҳолда содир этилган бўлса” квалификациявий белгисига алмаштириш таклиф этилади.

Шахзодбек НАРЗИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”
кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шарапов Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический прес-центр, 2001. – С.20.
2. Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М.: Юрлитинформ, 2002. – С.22 (Serdyuk L.V. Violence: a criminological and criminal law investigation. – М.: Yurilitinform, 2002. – P.22).
3. Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 167.
4. Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик назарияси (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 22.
5. Авакьян М. В. Методика расследования и поддержания государственного обвинения по делам об умышленном причинении тяжкого вреда здоровью: Автореф. дисс.-док. юрид. наук. – Калининград, 2017. – 251 с.
6. Попов А.Н. Преступления против личности при смягчающих обстоятельствах. <https://search.rsl.ru/ru/record/01000726663> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.09.2024 й).
7. Ершов В. А. Методика расследования преступлений против жизни и здоровья граждан, совершаемых членами неформальных групп (движений) / В. А. Ершов, Г. В. Костылева, М. М. Милованова. <https://www.disscat.com/content/metodika-rassledovaniya-prestuplenii-protiv-zhizni-i-zdorovya-grazhdan-sovershaemykh-chlenam> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.09.2024 й).
8. Горшков М. М. Первоначальный этап расследования истязаний. Типизация криминалистически значимой информации <http://www.dslib.net/kriminal-process/metodika-rassledovaniya-istjazanii.html/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.03.2022 й).
9. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 3-том. – 115-б. Тошкент-2018.
10. Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили: <https://library.samdu.uz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.03.2022 й).
11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Тошкент-2021. – 676.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сонли қарори. – Т.2007. – 67.

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада атроф-муҳитни асрашнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган. Атроф-муҳитни асрашда экологик ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва роли муҳокама қилинган. Экологик ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: атроф-муҳит, сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавоси ифлосланиши, иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг камайиши, тупроқ деградацияси, озон қатламининг емирилиши, экологик ҳуқуқий маданият.

Бугунги кунда бутун дунёда атроф-муҳит ва табиий сув ҳавзаларининг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг камайиши, тупроқ деградацияси, иқлим ўзгариши ва озон қатламининг емирилиши каби глобал муаммолар инсониятни жиддий ташвишга солиб турибди. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили 7 млн. гектарга яқин унумдор ерлар жаҳон қишлоқ хўжалиги айланмасидан тортиб олиниб, ҳар йили дунёда 7 млн. киши атмосфера ҳавоси ифлосланиши таъсиридан вафот этмоқда ва яқин йилларда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи сифатли сув истеъмолидан маҳрум бўлиши мумкин¹.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг "Қизил китоб"га киритилган ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари сони 324 тага етганлиги, ўрмон ва дарахтзорларнинг йўқолиб бораётганлиги мамлакатимиз табиати ва табиий атроф-муҳитга юзага келган экологик вазиятнинг салбий таъсири тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. АҚШнинг Йель университети ҳузуридаги "Экологик сиёсат ва ҳуқуқ маркази" (Yale Center for Environmental Law and Policy) билан Колумбия университети ҳамкорликда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган экологик самарадорлик индекси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида эълон қилинган дунёдаги энг экологик тоза мамлакатлар рейтингига дунёнинг 180 та мамлакатига орасида Ўзбекистон 107-ўринда, атмосфера ҳавоси сифати бўйича 168-ўринда эканлиги қайд этилган бўлиб, бу атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва умуман инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида жамиятимиз олдида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар турганлигини кўрсатади². Албатта, бундай муҳим вазифаларни бажариш ўз навбатида табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалаларини давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинишини тақозо этади.

Таъкидлаш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон – 2030" стратегияси бўйича 2025 йил – "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили деб эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳам-жамияти олдида БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисида ҳадли конвенцияси Киото протоколи³ ва Париж битими⁴ доирасида олган мажбуриятларини бажариш билан бирга, барча тармоқ ва соҳаларнинг уйғун "яшил трансформация"сини мамлакатимизда амалга ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва ресурс

тежамкорлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш ва иқтисодий ўсишнинг янги "яшил ривожланиш" моделига ўтиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди⁵.

Таъкидлаш керак-ки, жамият ҳаёти атроф-муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, инсонлар ўзларини атроф-муҳитдан айрича ҳолда тасаввур қила олмайди. Айниқса, ҳозирги даврда жамият тараққиёти учун атроф-муҳит ҳолати муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсонлар учун об-ҳаво, сув, ўсим-ликлару ҳайвонлар ҳам, дашту биёбонлар, тоғу тошлар, дарёлару кўллар, табиий бойликлар ҳам, барча-барчаси жуда зарур ва муҳим. Шу сабабдан, қадимда Туронзамин деб аталмиш ҳудудда умргузаронлик қилган аجدодларимиз ер, сув, ҳаво ва олов (куёш)ни ниҳоятда эъзозлаб, уларни муносиб қадрлаганлар. Жумладан, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синодан тортиб, Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос Ҳожибгача бўлган буюк аждодларимиз табиатни севиш ва атроф-муҳитни асраш ҳаёт ва тириклик асоси эканлигини таъкидлаган бўлсалар, Алишер Навоий ва Бобур каби буюк мутафаккирлар ўз асарларида табиат ва атроф-муҳитни асраш, тозалик ва покликни гўзал ифода этганликлари бежиз эмас. Зеро, буюк аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш асносида атроф-муҳитни асраш ҳар бир инсон ва бутун жамиятнинг муқаддас вазифаси эканлиги, шу билан бирга, уни асрашга эътибор қаратмаган, ундан ўзининг меҳр-муҳаббатини дариг тутган ва ер, сув, ҳаво, олов (куёш) ни азиз неъмат сифатида эъзозлай олмаган халқ ўзининг порлоқ истиқболини яратиши мумкин эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳозирги мураккаб даврда халқимиз учун тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш ва уни мустаҳкамлашда атроф-муҳитни асраш масалалари янада долзарб бўлгани ҳолда, бу бевосита аҳолининг экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ. Буни мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида билдирилган фикрлари ҳам тўлиқ тасдиқлайди: "Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб бормоқда, геосиёсий зиддиятлар кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммоларини кучайтирмоқда. Буларнинг асоратларини Марказий Осиёда ҳис қилмоқдамиз. Иқлим муаммолари аҳолимининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўйбга чиқаришда янги тўсиққа айланмоқда"⁶.

Шу сабабли ҳам, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитга таҳдид солиб турган барча хавф-хатарларни тўлиқ англаган ҳолда, экология соҳасидаги муҳим халқаро конвенция ва келишувларни ратификация қилиб, бу борада кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ва ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Париж битими доирасида минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилиб, углерод нейтраллигига эришиш учун 2030 йилгача атмосфера ҳавосига иссиқхона газлари чиқарилишини 35 фоизга камайтиришга эришиш мақсад қилинган ва бунинг учун “яшил” энергетика улушини 40 фоизгача ошириш, “яшил” водород кластерлари, кўёш ва шамол генерация хабларини яратиш назарда тутилган.

Ўзбек халқининг миллий давлатчилик тажрибаси ва кадриятлари, шунингдек ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва тамойилларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳофазасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципага мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради”⁷, деб белгиланган бўлиб, бу давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид талабларни мустаҳкамлайди. Шунингдек, Конституциянинг 62-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, деб белгиланиб, бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, турли чиқиндилар ташлашинининг олдини олиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофазалашга фақат давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш билан эришиб бўлмаслигини аниқлаган ҳолда, ҳар бир инсон ўз оиласи, маҳалласи, ўқиш ва иш жойида атроф-муҳитни асраш талабларига қатъий риоя қилишини талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, иқлим ўзгариши, озон омили, Орол денгизи каби глобал экологик муаммолар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чўлланиш, юқумли ва бошқа ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши каби минтақавий, шунингдек, сув ресурсларининг етишмаслиги ва ифлосланганлиги, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланганлиги, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, саноат ва маиший чиқиндилар каби миллий муаммолар мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсадларига тўсиқ бўлиб турган ҳозирги даврда атроф-муҳитни асраш ҳар бир инсоннинг кундалик иши ва фуқаролик бурчига айланишини талаб қилади.

Бу эса, аҳолининг экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қуйидаги вазифаларни бажариш лозимлигини кўрсатади, жумладан:

- табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги билимларни ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш;
- инсонларда атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш;
- жамиятда ҳар бир фуқаронинг юксак маънавият ва экологик ҳуқуқий маданиятга эга бўлишини таъминлаш;
- ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида қонунийликни таъминлаган ҳолда, шахс, жамият ва давлат манфатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлашини таъминлаб бериш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш орқали экологик ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш;
- табиат ва жамият ҳақида чуқур билимларга эга бўлган мутахассисларни мунтазам равишда тайёрлаб бориш;
- барча таълим муассасалари, олий, ўрта махсус ўқув юрларида табиат ва жамиятга оид фанларни ўқитиш соатларини кўпайтириш ва мазкур фанлардан ўзлаштириш масъулиятини ошириш;
- оммавий ахборот воситалари, шу жумладан ижтимоий тармоқларда атроф-муҳитни асрашга оид билимларни кенг ва мунтазам тарғиб қилиб бориш;
- атроф-муҳитни асраш соҳасида давлатлараро, минтақалараро ва миллатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда доимий равишда тажриба алмашиб бориш;
- юксак технологиялардан фойдаланиш орқали энергия манбалари ва хом-ашёни тежашни йўлга қўйиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг “тозаллиги”ни таъминлаш, яъни кимёвий ва биотехнологик билимлар ёрдамида маҳсулотнинг сифатини оширишга эришиш;
- саноат ишлаб чиқаришининг зарарли чиқиндиларини нейтраллаш қилиш, яъни тозалаш тизимларини ишга солиш;
- кимё ва биотехнологиянинг ўзаро таъсирида атроф-муҳитдаги зарарли элементлар (ортикча радиация, зарарли кимёвий моддалар)нинг таъсирига тирик организмларнинг чидамлилигини оширадиган фармацевтика маҳсулотларини олиш кабилар муҳим вазифалар сирасига киради.

Холмурод ИСАНОВ,

*Тошкент давлат аграр университети доценти,
юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Экологик барқарорликни таъминлаш – давр талаби. <https://strategy.uz/index.php?news=1730>
2. Экология даражаси бўйича давлатлар рейтинги, <https://nonews.co/directory/lists/countries>.
3. Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-525-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/1163584>
4. Париж битими. Ўзбекистон Республикасида 2018 йил 9 декабрдан кучга кирган. <https://lex.uz/docs/5075088>
5. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 31 январдаги ПФ-16-сонли фармони. <https://lex.uz/ru/docs/7369703>.
6. Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 30 ноябрда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6897>
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят-процесси бўйича тезкор-қидирув фаолияти натижасида тўпланган электрон далилларга асосий далил сифатида баҳо бериш ва текширишнинг асосий принциплари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, тезкор – қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида тўпланган электрон далилларнинг мақбул ёки номақбул деб топилиши асослари ҳамда ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари давомида тўпланган электрон далилларнинг қонунийлиги ва ушбу далиллардан жиноят ишларини тергов қилиш ҳамда суд муҳокамаси давомида қилмишнинг айблилигини исбот қилишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланиш асослари борасида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, рақамлаштириш, электрон далил, онлайн тинтув, исбот қилиш.

Жиноятларни очиш ва исбот қилишда ўтказилган тезкор-қидирув фаолияти натижасида тўпланадиган далиллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этганлиги боис, ўтказиладиган тезкор тадбирлар давомида далилларни тўплаш манбаларининг қонунийлигига алоҳида баҳо бериш лозим. Чунки, Жиноят процессуал кодекси ва "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари бўйича электрон далилларни тўплаш имкониятлари, уларни қайд этиш асослари ва улардан фойдаланиш шартлари хусусида қонуний асослар етарли даражада такомиллашмаган.

Мисол учун, дунёнинг ривожланган давлатларида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижалари бўйича ахборот технологиялари орқали яратилган, узатилган, қайта ишланадиган далилларнинг янги тури "электрон далил" (electronic evidence), "рақамли далил" (digital evidence), "компьютер далили" номлари остида ишлатиб келинмоқда.

Жанубий Африкалик олим Albert Antwi-Boaslako интернет ва электрон қурилмалар орқали содир этилган жиноятларни фош қилиш ва исботлашда тезкор-қидирув тадбирлари давомида тўпланган далилларнинг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари жуда муҳим деб ҳисоблайди, чунки электрон қурилмалар орқали содир қилинган жиноятларни фош қилиш ушбу жиноятларни тезкор тадбирлар давомида ўз жойида аниқлашни ва оқибатлари бартараф этилмасдан далилий аҳамиятга эга бўлган манбалари асосли равишда расмийлаштирилиши талаб этилади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида тўпланган рақамли (электрон) далил деганда – рақамли манбалар хусусиятларини ўзида жамлаган электрон-техник қурилмалар ёки воситалар ёрдамида чоп этилган, узатилган ва ташилган жиноят иши учун аҳамиятли бўлган маълумотлар ёки хабарлар йиғиндиси сифатида муаллифлик таърифини бериш мақсада мувофиқдир.

Тезкор-қидирув фаолиятида Жиноят процессуал кодекси ва бошқа соҳага тегишли қонунчилик талабларини бузган ҳолда, рақамли ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилганлиги ёки кўздан кечирилганлиги натижасида олинган далиллар номақбул деб топилади. Демак бу борада жиноят ишларини юритишда рақамли (электрон) далиллар мутахассис иштирокида тўпланиши мажбурий қилиб белгиланган, электрон жиноятларга қарши курашишда назорат қилиш механизмнинг ташкилий-техник базасини такомиллаштириш учун махсус электрон платформалар, дастурий таъминот тизимлари яратилиши ва такомиллаштирилиши лозим.

Тезкор-қидирув ҳамда суриштирув, суд-тергов органларининг фаолиятида ҳам рақамли далилларни тўплаш кўпгина ҳолларда далилларни баҳолаш, махсус субъект томонидан масофадан туриб амалга оширилади. Масалан, жиноят қонунчилигимизда янги тезкор-қидирув тадбири ва тергов ҳаракати сифатида онлайн тинтув ёки кўздан кечириш ҳаракатини ўтказиш орқали рақамли далилларни тўплаш имконияти мавжуд. Онлайн тинтув ёки кўздан кечириш деганда – суд-тергов органлари ва

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар содир этилиши тахмин этилаётган ёки қўйиётган жиноятларнинг самарали олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва фош қилиш ёки далил сифатида хизмат қиладиган маълумотни тўплаш мақсадида махсус компьютерлар ёки техник қурилмалар ёрдамида интернет тармоғига уланган компьютер ёки махсус техник қурилмалар, воситалар (масалан троян дастурлари, масофадан туриб чекланмаган узокликдаги компьютерларни рухсатсиз бошқариш дастурлари) ёрдамида тинтув ёки кўздан кечириш ўтказиш тушунилади, айниқса жиноятларнинг олдини олишда "айғоқчи" дастурлардан фойдаланиш катта самара беради.

Тезкор-қидирув тадбирлари ёки суд-тергов ҳаракатларининг онлайн ўтказилишининг муҳим хусусиятларидан бири мавжуд терминалларга, кўлаб дастурлар ва маълумотлар сақланаётган базаларга кириш орқали далиллар тўплаш имконини беради. Бу борада далилларни тўплаш учун рақамли платформалардан фойдаланувчиларнинг идентификацияси (логин, парол, биометрик маълумотлар) ёки уларнинг авторизациясини (фойдаланиш қоидалари) билиш талаб этилади.

Бу борада хориж тажрибасига назар ташласак, онлайн ўтказиладиган тезкор тадбирлар ва суд-тергов фаолияти Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларда жуда кенг қўлланилади. Европа давлатларидан Германия қонунчилигида қуйидагича изоҳ берилган: Онлайн тезкор тадбирлари ёки суд-тергов фаолиятида ўтказиладиган тинтувдан шундай вазиятни ажратиш лозимки, бунда оддий тинтув вақтида орган ходимлари фош этилган шахс компьютерини текшириш жараёнида узокда жойлашган компьютерга кириш имкониятини қўлга киритишда (ўзига хос узокдан кириш). Агар изланаётган маълумотлар йўқолиши хавфи мавжуд бўлса, бундай тадбирни ўтказиш Германиянинг федерал жиноий бюроси тўғрисидаги қонунда ўзига хос назорат манбалари, айғоқчи дастурлар ёрдамида превентив-полиция соҳасида телефон ва бошқа сўзлашувларни ёзиб олиш учун махсус ҳуқуқий асослар мавжуд.

Шу сабабдан, хорижий тажрибанинг амалий аҳамиятини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси ҳамда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунига онлайн тинтув ва кўздан кечириш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиблари билан боғлиқ янги норма ва қоидалар киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қонунчиликка бундай янги норма ва қоидаларнинг киритилиши келгусида жиноятчиликка қарши курашишда, кибер ҳужумлар билан боғлиқ жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош қилиш ва олдини олишда амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикамызда энг кўп кузатилаётган киберҳужумли жиноятларда айниқса фуқаролар ҳақидаги маълумотларни (пластик карта рақамини аниқлаш, махсус электрон кодларни) қўлга киритиш мақсадида шахсларга ноъмалум манбалардан телефон кўнғироқла-



рини амалга ошириш, электрон почталар ва бошқа шахсий электрон кабинетларга вирусли (заҳарловчи) хабарлар юбориш орқали кўзланган мақсадга эришиб, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солиш хавфини юзага келтириб, зарарли оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Айрим олимларнинг фикрича, жиноят процессининг исботлаш босқичида “электрон далил” ва “электрон маълумотлар”ни тўплаш, текшириш ва уларни процессуал расмийлаштиришни белгилловчи процессуал нормалар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Рақамли далилларга электрон далил техника воситалари ва ахборот тизимлари хизматлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилган, ишлов бериладиган, сақланадиган ва идентификация қилиш имкониятини берадиган, шу билан бирга бошқа реквизитлардан иборат ахборотлар сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармонида суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланганлиги суд-тергов органлари фаолиятини сифатли ва такомиллаштирилган замонавий рақамлаштириш имкониятини янада тезлаштириди.

Шу муносабат билан, жиноят ишларини юритишда электрон қурилмалар орқали содир этилаётган жиноятларни фош этишда самарали механизмни йўлга қўйиш мақсадида, далилларни баҳолаш субъекти фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун рақамли далилларни тўплаш, процессуал қайд этиш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома ҳамда электрон далилларни мутахассис иштирокида олиш ва экспертиза қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида далил сифатида тўпланган ҳақиқий маълумотлар исботлаш предметиға алоқадор бўлиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини далилларга айлантириш муаммоси долзарб саналади. Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган ва тўпланган ҳаққоний маълумотлар процессуал қонуннинг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи нормаларига амал қилган ҳолда тегишли тартибда текширилганидан ҳамда расмийлаштирилганидан кейин жиноят процессига киритилсагина жиноят ишлари бўйича далил бўлиб ҳисобланади. Шунга ўхшаш қоида Озарбайжон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида ҳам белгилаб қўйилган.

Бироқ, мамлакатимизда тезкор-қидирув фаолияти махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятни тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинишини инобатга оладиган бўлсак, юқоридаги Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунларининг 11 ва 16-моддаларида белгиланган қоидалар амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг далилларни тўплаш тартибига зид ҳисобланади, амалиётда ушбу қонун нормасини нотўғри қўллаш тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг процессуал тартибда олинган далиллар билан тенглаштирилишига олиб келиши мумкин.

Чунки, тезкор-қидирув фаолияти натижасидан тўғридан-тўғри маълум бир тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос сифатида фойдаланиш натижасида жиноят процесси ва тезкор-қидирув фаолиятининг қўшилиб кетишига, жиноят - судлов иш юритишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунийлик принципіга амал қилмаслиги

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида тўпланган далилларни мақбул деб топиш учун улар бир қатор талабларга жавоб бериши керак, акс ҳолда тўпланган далиллар номақбул деб топилади.

Тўпланган далиллар ноъмалум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан, мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахминлар, фаразлар ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Шу мақсадда таклиф сифатида айтиш мумкинки, тизимда ягона электрон реестр яратиш, унга барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни интеграциялаш орқали жиноят иши кўзгатилишига сабаб бўлган ариза келиб тушганидан сўнг, жиноят иши кўзгатилишидан бошлаб, ушбу жиноят иши юзасидан якуний қарор ёки суд ҳукми чиқарилгунига қадар бўлган барча процессуал босқичларни индивидуал электрон имзоли рақам ва (QR) кодлар орқали кузатиб бориш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш натижасида тезкор-қидирув ва бошқа терговга қадар текширувларда ҳам далилларни тўплаш ҳамда мустаҳкамлаш фаолиятини замонавий технологиялар ва соҳага оид сўнгги илмий ютуқларни жорий қилиш орқали жиноят ишлари билан боғлиқ барча жараёнларни тўлиқ электрон рақамлаштиришга эришиш лозим бўлади.

Шу муносабат билан, жиноят ишларини юритишда ва электрон қурилмалар орқали содир этилаётган жиноятларни фош этишда самарали механизмни йўлга қўйиш мақсадида далилларни баҳолаш субъекти фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун рақамли далилларни тўплаш, процессуал қайд этиш ва рақамли далилларни мутахассис иштирокида олиш ҳамда экспертиза қилиш борасида ҳам йўриқнома ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 87-моддаси 2-қисми “Ҳимоячи томонидан жиноят иши бўйича тўпланган ва тақдим қилинган далиллар (электрон далиллар) жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши ва терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳолалиши лозим” жумласи билан қайта тўлдирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бекзод ЯКУБОВ,

жиноят ишлари бўйича Бовот туман суди раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. – Москва. “Юрид”. 26.07.2000. С.187-188.
2. Пирматов О.Ш. Суд-тергов ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. Авторев. дисс. ю.ф.д. – Тошкент. “ТДЮУ”. 02.05.2020. Б.8-9.
3. Albert Antwi-Boasako. A model for digital evidence admissibility assessment. Диссертация. Phd.-Жанубий Африка. 28.03.2018. Б.42-43.
4. Барабаш А.С. Сущность уголовного процесса и его роль в формировании ответственности правонарушитель – Кроансоярск. “Юрид”. 02.07.2007. С.131-132.
5. Янгиев А.Ф. Жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш институтини такомиллаштириш. Авторев. дисс. ю.ф.д. – Тошкент. “ТДЮУ”. 08.10.2021. Б.17-18.
6. Панченко Е.В. Опыт оценка доказательств уголовно-процессе. “Норма”. – Ярославль 08.09.2003. С.37.
7. Хўжаназаров А. Электрон кўринишдаги маълумотлардан жиноят-процессуал исбот қилишда фойдаланишнинг умумназарий асослари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 7-сон. “ТДЮУ”. – Тошкент. 08.02.2019. Б.19.
8. Пирматов О.Ш. Суд-тергов ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. Авторев. дисс. ю.ф.д. – Тошкент. 02.05.2020. Б.18-19.
9. <https://lex.uz/docs/3107036>.
10. Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания. Следователь – Москва. “Юрид”. 19.05.2000. С.42-43.
11. <http://www.cis-legal-reform.org/document.asp=2558>.

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: иқтисодий суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари ўзаро бир-биридан фарқ қиладиган тушунчалар ҳисобланса-да, бироқ одил судловга эришиш воситаси сифатида бир-бирини тўлдириб боради. Бу борадаги миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилик амалиёти қиёсий таҳлил қилинганда такомиллаштирилиши лозим бўлган айрим процессуал масалалар мавжудлиги кузатилади.

Калит сўзлар: иқтисодий суд ишларини юритиш вазифалари, ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш, процессуал адолат, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иш муомаласи одоби, ишбилармонлик муҳити ривожланиши, суд қарорларини ижро эттириш.

Иқтисодий суд ишларини юритиш соҳасини такомиллаштириш учун унинг вазифалари ҳар томонлама тадқиқ қилиниши ҳамда иқтисодий суд ишларини юритишдан кўзланган асосий мақсадларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Ҳар бир процессуал қонунчилик тегишли йўналишдаги судлар фаолиятини тартибга солувчи асосий қоидаларни белгилаб бериши сабабли иқтисодий суд ишларини юритиш вазифаларининг аниқ белгиланиши иқтисодий судлар томонидан низоларни ҳал этишда белгиланган барча мақсадларга эришиш ва одил судловни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда ИПК деб юритилади)нинг 2-моддасида иқтисодий суд ишларини юритишнинг вазифалари кўрсатилган. Умумий маънода ушбу вазифалар иқтисодий ишлар бўйича одил судловни амалга оширишдан кутиладиган натижа тўғрисида бутун жамиятнинг ғояларини ифодалайди.

Миллий қонунчилигимизда иқтисодий суд ишларини юритиш мақсадлари алоҳида кўрсатилмасдан, вазифалар билан уйғунлашган ҳолда баён қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 2-моддасида кўрсатилган иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича умумий вазифалар барча иқтисодий суд ишларини юритишнинг якуний мақсадларига эришиш воситаси ҳисобланади.

Бу борада хорижий давлатлар амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, Беларусь Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 3-моддасида тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик (иқтисодий) фаолиятини амалга ошириш жараёнида келиб чиқадиган низоларни қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган доирада, имкон қадар қисқа муддатларда қонуний ҳал этилишини таъминлаш ҳамда адолатли суд муҳокамасининг ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан олиб борилишини таъминлаш иқтисодий ишларни кўриб чиқадиган судларда суд ишларини юритиш мақсадлари сифатида кўрсатилган¹.

Қозғоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасида ишнинг тўлиқ, ўз вақтида ва адолатли кўрилиши ва ҳал этилишини таъминлаш фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида келтирилган².

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини ўрганган ҳолда, иқтисодий суд ишларини юритиш мақсадлари процессуал қонунда алоҳида ёки вазифалар билан биргалликда баён қилинганлигидан қатъи назар, битта умумий жиҳатни кузатиш мумкин. Яъни, иқтисодий ишларни ўз вақтида ёки қонунчиликда белгиланган имкон қадар қисқа муддатларда адолатли кўриб чиқиб, ҳал этишга асосий вазифалардан бири сифатида қаралади.

Турдош соҳа ҳисобланган фуқаролик процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасига кўра, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаси ҳисобланади³.

Иқтисодий ишларни суд томонидан кўриб чиқиш ва ҳал этиш муддатлари ИПКнинг 164-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши керак⁴.

Бироқ, иқтисодий ишларнинг айрим тоифалари биринчи инстанция суди томонидан қисқароқ (қисқартирилган) муддатларда кўриб чиқилиши белгиланган. Масалан, соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишлар суд муҳокамасига тайинланган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай, шунингдек ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ аризалар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб чиқилади.

Бугунги кунда иқтисодий ишларни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиб, ҳал этиш билан бирга ишларнинг адолатли кўриб чиқилишини таъминлаш масаласи ҳам долзарб ва олимлар ўртасида кизгин муҳокама қилинади.

ИПКда ишларни адолатли ҳал қилиш масаласи ёки адолат атамаси бирор маротаба учрамайди. Бироқ, иқтисодий ишларни адолатли кўриб чиқиш одил судловни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар, қолаверса тадбиркорлик субъектларининг судга бўлган ишончи ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда судлар томонидан ишларни кўриб чиқишда процессуал адолатни таъминлаш бўйича илмий доктриналар мавжуд. Бу борада турли ҳуқуқий тизимлар ва доктриналар процессуал муаммоларни турли йўллар билан ҳал қилади. Масалан, Due process (тегишли жараён) ҳуқуқий доктринаси қонунга мувофиқ шахсларга адолатли ва ҳолис муносабатда бўлинишини таъминлайди. Шунингдек, ушбу доктринанинг суд процессида қўлланилишида тарафларни оғохлантириш ва тинглаш имконияти яратилади, уларнинг одил судловга бўлган ҳолис судда иштирок этиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, адвокат орқали ҳимояланиш, вакиллик ва шикоят қилиш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайди⁵.

Процессуал адолат (Procedural fairness) ҳуқуқий доктринасига кўра, судда ишни кўраётган судья ўзининг ички ишончига таяниб қарор қабул қилиши ҳамда қабул қилинган қарорлар ҳолис ва адолатли бўлиши керак.

Қолаверса, БМТнинг резолюцияси билан тасдиқланган "Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари" да ҳам "Суд органлари мустақиллиги принципи суд органларига суд муҳокамасини адолатли ўтказилишини ва тарафларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини таъминлаш ҳуқуқини беради ва талаб қилади"⁶.

Юқоридаги процессуал адолат концепцияси хусусиятлари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатдан келиб чиқиб, одил судловни амалга оширишда иқтисодий суд ишларини юритиш бўйича миллий процессуал қонунчилигимизда ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, судьяларнинг маънавий юксак, ҳалол, адолатли, ишончга сазовор деб қабул қилиниши учун процессуал адолатни иқтисодий суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида мустаҳкамлашни суд тизимида олиб борилаётган замонавий ислохотлар ва даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбирлари билан айтганда, "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига тўла ишонч ҳосил қилиши керак"⁷.

Иқтисодий суд ишларини юритишнинг навбатдаги вазифаси иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашишдан иборат. Иқтисодиёт соҳасида қонунийлик деганда, давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан иқтисодий фаолият, шунингдек тавakkалчиликка асосланган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ва уларга асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши тушунилади. Бу вазифа суд томонидан нафақат қонуний суд қарорларини қабул қилиш, балки ҳуқуқни қўллаш жараёнида юзага келган қонунчиликдаги ўзаро номуво-



фиқлик ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритиш орқали ҳам ҳал этилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш иқтисодий суд ишларини юритишнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, иқтисодий судлар фаолият йўналишига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга бевосита масъул орган ҳисобланмаса-да, иқтисодиёт соҳасидаги низолар, ваколатига тааллуқли бошқа ишларни кўриш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан процессуал қонунчиликда белгиланган чора ва воситаларни қўллаш асосида соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бевосита кўмаклашади.

Иқтисодий низоларни кўриб чиқишда суд ушбу низоларнинг вужудга келиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар, мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган ҳар бир ҳолатни эътиборсиз қолдиришга ҳақли эмас.

ИПК 200-моддасига кўра, ишни кўриш вақтида давлат органи ёки бошқа органининг, юридик ёки мансабдор шахснинг, фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир⁸.

Иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашишга қаратилган суд ишларини юритишнинг вазифасини амалга оширишдаги муҳим процессуал чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш ва ҳал этишни кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий судлар томонидан низоларнинг бевосита корхона, муассаса, ташкилотларда ва меҳнат жамоаларида кўриб чиқилиши нафақат муайян ишни мазмунан ҳал этиш, балки худди шу каби низоларнинг шартнома интизомини бузиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари келгусида бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан содир этилишининг олдини олишга қаратилган ўзига хос превентив чора бўлиб ҳисобланади.

Албатта, иқтисодий суд ишларини юритиш мақсад ва вазифаларининг аҳамиятини тўлиқ тасаввур этиш учун бошқа хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 2-моддасида кўрсатилишича, арбитраж (иқтисодий) суд ишларини юритишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган шахсларнинг бузилган ёки низолашिलाётган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек Россия Федерацияси, унинг субъектлари, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги муниципал тузилмалар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида одил судловга эришишни таъминлаш;

3) мустақил ва ҳолис суд томонидан адолатли очик суд муҳокамасининг оқилона муддатларда ўтказилиши;

4) тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

5) қонунга ва судга нисбатан ҳурматда бўлиш муносабатини шакллантириш;

6) иш муомаласи одоби ва одатлари шаклланишига, низоларнинг тинч йўл билан ҳал этилишига, ўзаро шерикликка асосланган ишбилармонлик муносабатлари шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш⁹.

Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Қозғоғистон Республикаси ФПКнинг 4-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари тўғрисида шундай кўрсатиб ўтилган:

“Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролар, давлат ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашिलाётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, фуқаролик муомаласида қонунийликка риоя қилиш, ишнинг ўз вақтида, тўлиқ ва адолатли кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини таъминлаш, низоларнинг тинч йўл билан ҳал этилиши-

га кўмаклашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш ҳисобланади”¹⁰.

Ушбу модда мазмунидан кўриниб турибдики, фуқаролик суд ишлари вазифалари анча қисқа ва содда келтирилган бўлиб, фуқаролик ишларида субъектлар доираси умумий маънода кенг берилган.

Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 3-моддаси “Фуқаролик суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари” деб номланиб, ушбу модданинг иккинчи қисмида “Фуқаролик суд ишларини юритишнинг қонун билан белгиланган тартиби ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўрилиши ҳамда ҳал этилишини, қонуний суд ҳужжатлари қабул қилинишини, уларнинг ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашиш лозим” деб белгиланган¹¹.

Юқоридаги айрим МДХ мамлакатлари ва миллий иқтисодий процессуал қонунчиликни қиёсий таҳлил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 2-моддасининг қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“Иқтисодий суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашिलाётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатлар ижро этилишини таъминлаш мақсадида иқтисодий ишларни тўғри, ўз вақтида адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

мустақил ва ҳолис суд томонидан очик суд муҳокамасининг оқилона муддатларда ўтказилиши орқали тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида одил судловга эришишни таъминлаш;

иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

иш муомаласи одоби шаклланишига, низоларнинг тинч йўл билан ҳал этилишига, ўзаро шерикликка асосланган ишбилармонлик муносабатлари ривожланишига кўмаклашиш;

қонунга ва судга нисбатан ҳурматда бўлиш муносабатини шакллантириш.”

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар жадал ривожланаётган, шунингдек иқтисодий судлар томонидан ҳал этилаётган низолар тоифалари мураккаблашиб бораётган бир пайтда иқтисодий суд ишларини юритиш вазифаларининг такомиллаштирилиши соҳада одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш имконини беради.

Асқар МАМАРАИМОВ,

Сурхондарё вилоят суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь <https://studfile.net/preview/1725507/>.
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <https://online.zakon.kz/Document/doc34329053>.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги. Адолат. 2022.
4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.
5. https://en.wikipedia.org/wiki/Due_process
6. БМТнинг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплари. Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноятчилар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 август - 6 сентябрь кунлари Миланда ўтказилган БМТ Еттинчи Конгресси томонидан қабул қилинган. БМТ Бош ассамблеясининг 29.11.1985 йилдаги 40/32-сонли ва 13.12.1985 йилдаги 40/146-сонли резолюциялари билан маъқулланган.
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/30/justice/>
8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.
9. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053.
11. Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики // Document/?doc_id=33430670

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Бугунги кунда ривожланган давлатларда ахборот технологияларига, шу жумладан, сунъий интеллектга ҳам катта эътибор қаратилмоқда ва унинг ютуқларини турли хил соҳаларда жорий этиш бўйича ишлар жадал амалга оширилаётганлиги яқин келажакда унинг барча соҳаларга кириб бориши тўғрисида тахмин қилишга асос бўлади.

Бу тенденция жиноят судлови соҳасида ҳам сунъий интеллект имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Жумладан, жиноятларни тергов қилишда маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, ходисалар динамикасини моделлаш ва идентификация жараёнларини оптималлаштириш, тезкор-қидирув фаолиятида катта ҳажмдаги маълумотлардан маъно чиқариш, прокурорлик назоратида эса процессуал қарорлар қабул қилиш сифатини оширишда сунъий интеллект самарали воситага айланиши мумкин.

Бу эҳтиёж рақамлаштириш жараёнларининг жадал суръатда кенгайиши, қўлланилаётган ахборот тизимлари турлари ортгани ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида замонавий технологияларга бўлган талаб ўсиб бораётгани билан боғлиқ. Шу боис мазкур соҳада амалий ҳамда назарий асосларни ишлаб чиқиш, тегишли алгоритм ва стандартларни шакллантириш долзарб масалага айланмоқда.

Мамлакатимизда суд ишларига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун институционал база ва техник шароитлар босқичма-босқич яратилмоқда. Рақамлаштириш сиёсатини амалга ошириш доирасида, айниқса "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси талабларини бажариш мақсадида, 2025 йил 21 августда ПФ-140-сонли Президент фармони қабул қилингани мазкур йўналишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган.

Фармонга мувофиқ, Олий суд 2025 йил якунига қадар Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда санкциялар ҳамда процессуал мажбурлов чораларига оид илтимосномаларни тўлиқ электрон шаклда юритиш тизимини жорий этади. Бу мақсадда Олий суд ахборот тизимлари билан тергов органларининг ахборот тизимлари ўртасида узлуксиз электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади.

Ушбу механизм жиноят процессини рақамлаштиришнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, илтимосномаларни кўриб чиқишда инсон омилини камайтиради, жараён тезлигини оширади ва қарорлар шаффофлигини таъминлайди. Халқаро амалиётда бундай интеграция электрон адолат ("e-justice") тизимининг асосий таркибий қисми сифатида баҳоланади ҳамда процессуал муддатларни қисқартириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида маълумотлар алмашинувини стандартлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланган барча жарималарни реал вақт режимида кузатиш, тўлов муддатлари ҳақида автоматик огоҳлантириш ҳамда жарималарни электрон тарзда тўлаш имконини берувчи мобил дастур ишлаб чиқилади.

Бундай платформанинг жорий этилиши маъмурий юкни камайтириш, фуқароларнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажаришини таъминлаш ва жарима ундириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Халқаро тажрибада бу каби мобил экотизимлар "smart enforcement" амалиётининг бир қисми сифатида баҳоланиб, ҳуқуқбузарликлар статистикасини аниқ юритиш, рақамли мониторинг ва молиявий интизомни оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда судда иштирок этувчи шахслардан ортиқча ҳужжат ва маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш мақсадида "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграция платформасида мавжуд бўлган маълумотлар судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилинади.

Ушбу чора суд жараёнларида маълумотлар алмашинувини автоматлаштириш, тақрорий бюрократик талабларни бартараф этиш ва фуқаролар ҳамда давлат органлари ўртасидаги маъмурий юкни камайтиришга хизмат қилади. Халқаро тажрибада бу каби интеграция "once-only principle" — фуқародан маълумотни бир марта сўраб, уни барча идоралар ўртасида автоматик айлантириш тамойилининг амалдаги тарзи сифатида эътироф этилади.

Жаҳон тажрибасига назар солсак, сунъий интеллект (AI) технологиялари АҚШ, Англия, Германия, Корея, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Бу мамлакатларда AI қидирув ва таҳлил жараёнларини автоматлаштириш, хатарли ҳолатларни прогноз қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали восита сифатида қўлланилади. Шунингдек, сунъий интеллект судлар ва тергов органлари томонидан жараёнларнинг тезлиги ва шаффофлигини ошириш, инсон омилдан келиб чиқадиган хатоларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сунъий интеллектнинг асосий таркибий қисмларидан бири — бу берилган маълумотларни ёдлаб олиш ва шу маълумотлар асосида қарор қабул қилиш учун алгоритмларни ишлаб чиқишни ўз ичига олган ўрганиш (машина ўрганиши) жараёнидир. Бу жараён сунъий интеллектта тажриба орттириш ва вақт ўтиши билан иш самарадорлигини оптимал даражада ошириш имконини беради. Машина ўрганиш алгоритмлари дунё фонд бозори тенденцияларини башорат қилишдан торттиб, ҳуқуқий маслаҳат бериш ва қонун ижроси жараёнларига қадар кенг қўламли илмий ва амалиёт дастурларида самарали қўлланилади.

Сунъий интеллектнинг яна бир муҳим жиҳатининг табиий тилни қайта ишлашидир (Natural Language Processing, NLP). Бу технология сунъий интеллектта инсон тилини тушуниш, таҳлил қилиш ва унга мос равишда жавоб қайтариш имконини беради. Ушбу жараён виртуал ёрдамчилар, масалан, Siri ва Alexa каби интерактив хизматларда кенг қўлланилади ҳамда фойдаланувчи билан самарали мулоқот қилиш, маълумотларни излаш ва автоматлаштирилган тавсиялар беришда асосий восита сифатида хизмат қилади¹.

Табиий тилни қайта ишлаш технологияси доимий равишда ривожланмоқда. Тадқиқотчилар сунъий интеллектнинг табиий тилни тушуниш тизимларининг аниқлиги ва самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам ишлар олиб бормоқдалар. Бу технология сунъий интеллектта визуал маълумотларни — тасвирлар, видеолар ва бошқа график маълумотларни — таҳлил қилиш ва тушуниш имконини беради.

Сунъий интеллектнинг тасвирларни таҳлил қилиш қобилияти инсон юзини аниқлаш тизимларидан торттиб то автоном транспорт воситалари бошқарувигача бўлган турли соҳаларда қўлланилмоқда. Бу жараёнлар, масалан, хавфсизлик тизимларида, тиббиётда тасвирларни диагностика қилишда ҳамда автоматлаштирилган транспорт ва робототехникада самарали фойдаланилмоқда.

Масалан, Британияда Rolls-Royce Holdings Plc компаниясига нисбатан антикоррупцион тергов ҳаракатлари фирибгарликка қарши курашиш бюроси томонидан олиб борилган. Ушбу терговда Rapn томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект тизими 7 кишидан иборат тергов гуруҳига ёрдам берган. Тизим кунига тахминан 600 000 та файлни таҳлил қилган ва умумий ҳисобда 30 миллион ҳужжати текшириш имкониятига эга бўлган, бу жараён беш кун давом этган.

Ушбу мисол сунъий интеллектнинг катта ҳажмли маълумотларни тез ва аниқ таҳлил қилиш қобилиятини, инсон ресурсларига бўлган юкни сезиларли даражада камайитириш ва тергов жараёнларининг самарадорлигини ошириш имкониятларини кўрсатади².

Жиноят судларида судьялар жуда мураккаб ва кенг қиррали ақлий ҳамда ижодий жараёнларда иш олиб боришга мажбур бўлади. Амалда, жиноят суди жараёнида катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли хулосалар ҳамда тахминлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бундай вазиятда сунъий интеллект ютуқларидан самарали фойдаланиш судьялар ишини сифатли, аниқ ва қисқа муддатда амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, AI тизимлари катта маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти тажрибасини интеграция қилиш орқали қарорлар қабул қилиш жараёнини оптималлаштиришда қўлланилади, бу эса адолатнинг тез ва шаффоф ижросини таъминлайди.

Сунъий интеллектни жиноят процессида татбиқ этиш масаласи жуда бахсли бўлиб, бу борада икки асосий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувга кўра, сунъий интеллект тизимлари жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ёрдамчи восита сифатида, яъни чекланган доирада қўлланилиши мумкин.

Бу ёндашув доирасида қуйидаги имкониятлардан фойдаланиш мумкин:

- муайян маълумотлар киритилиши натижасида процессуал ҳужжатларнинг автоматик шакллантирилиши;
- жиноят процесси иштирокчилари томонидан ҳужжатларни бармоқ изи сканери орқали имзалош имконияти;
- тергов ва суд жараёнларининг автоматик ёзиб олиниши ва оғзаки маълумотларни инсон омилсиз матн шаклига айлантириш;
- тергов жараёнида жиноятга оид маълумотларни сунъий интеллект мустақил таҳлил қилиб, илгари шунга ўхшаш жиноятни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни қисқа вақт ичида шакллантириш.

Ушбу ёндашув сунъий интеллектнинг инсон ресурсларига бўлган юкни камайитириши, маълумотларни тез ва аниқ таҳлил қилиш ҳамда жиноят жараёнларини самарали ва шаффоф амалга оширишда қўлланилишини таъминлайди.

Жиноят процессида сунъий интеллектни қўллашнинг иккинчи ёндашувига кўра, сунъий интеллект имкониятларидан кенгроқ даражада фойдаланиб, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар номидан муайян қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Бу ёндашув сунъий интеллектни фақат ёрдамчи восита сифатида эмас, балки айрим процессуал қарорларни шакллантириш ва бажаришда мустақил агент сифатида қўллашни назарда тутди. Шу билан бирга, ушбу амалиётда ҳуқуқий, ахлоқий ва технологиявий жиҳатдан қатъий меъёрлар ҳамда назорат механизмлари жорий этилиши шарт, чунки инсон омиллини тўлиқ чиқариб ташлаш ва AIга мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш ҳуқуқий ҳавф ва этик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бу ёндашув доирасида сунъий интеллект қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши назарда тутилади:

- жиноят иши натижаларини олдиндан башорат қилиш;
- далилларни баҳолаш ва уларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш;
- айрим тергов ҳаракатларини амалга ошириш;
- қилмишнинг жиноийлиги ҳақида хулоса чиқариш;
- шахс ва қилмишнинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда жазо тури ва миқдорини белгилаш.

Бироқ бу каби ваколатларни сунъий интеллектга бериш ҳуқуқий масъулият, процессуал адолат, инсон ҳуқуқлари ва этика соҳаларида жиддий баҳслар ва ҳавфларни юзага келтиради. Шу боис, амалдаги халқаро тажрибада бундай кенг қўламли ваколатлар AI тизимларига тўлиқ топширилмаган; улар асосан инсон назорати остидаги ёрдамчи восита сифатида қўлланилади³.

Бундан ташқари, сунъий интеллект имкониятларидан тергов фаолиятида фойдаланиш масаласи олимлар орасида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Жумла-

дан, юридик фанлар доктори, профессор Дмитрий Бахтеев томонидан Россия тергов қўмитаси ва полиция терговчилари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари шунга ишора қилади. Сўралганларнинг 72,4% тергов жараёнида сунъий интеллект натижаларидан фойдаланиш мумкин деб ҳисобласа, 49,9% эса бундай тизим билан терговчининг функцияларини қисман алмаштиришни истисно қилмаган. Ушбу тадқиқот натижалари сунъий интеллектнинг тергов жараёнларида қўлланиш имкониятлари ва унинг инсон фаолияти билан интеграциялашув даражаси ҳақидаги фикрларни илмий асосда кўрсатади⁴.

Шу билан бирга, ушбу сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг 86,4% катта ҳажмдаги маълумотлар ва статистик материалларни таҳлил қилиш жараёнида сунъий интеллект тизимидан фойдаланишга тайёр эканлигини кўрсатган. Улар биринчи навбатда кетма-кет содир этиладиган жиноятларни ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларнинг айрим хусусиятларини аниқлашда бундай тизимлардан самарали фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бу натижа сунъий интеллектнинг тергов жараёнларида катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва намуналарни аниқлашда қўлланилиши истиқболлини илмий жиҳатдан тасдиқлайди⁵.

Шу каби тадқиқотлардан яна бири 2017 йилда AQШнинг Мэриленд университети олимлари томонидан амалга оширилган. Мазкур тадқиқот овоз ва тана ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали сўроқ жараёнида берилган маълумотларнинг рост ёки ёлгонлик даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлган "Dare" номли тизимни синовдан ўтказишга қаратилган эди. Синов натижалари шуни кўрсатдики, тизимнинг муваффақиятлилик даражаси полиграф технологияларидан 5-7 фоизга юқори бўлиб, умумий самарадорлиги 92 фоизни ташкил қилган. Бу натижа сунъий интеллектнинг инсонни вербал ва нотвербал сигналларини таҳлил қилиш орқали хулоса чиқаришда қўлланилишининг самарадорлигини илмий асосда тасдиқлайди⁶.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, жиноят суди жараёнларида сунъий интеллектни қўллаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида муҳим истикбол сифатида намоён бўлмоқда. Унинг ёрдамида катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, далилларни баҳолаш ва хатоларни камайитириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, табиий тилни қайта ишлаш ва визуал маълумотларни таҳлил қилиш каби технологиялар судьяларнинг иш самарадорлигини оширишда қўлланилади. Шу билан бирга, сунъий интеллектнинг жиноят процессида кенг доирада мустақил қарор қабул қилиш имконияти ҳуқуқий, этик ва инсон ҳуқуқлари жиҳатидан жиддий баҳсларни юзага келтиради. Шу боис, унинг қўллашда инсон назорати ва меъёрий асослар сақланиши шарт. Умунан олганда, сунъий интеллект қонун ижроси жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали адолатни тез, шаффоф ва сифатли таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шахриддин ЭШИМОВ,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Томас М. Брилл, Лаура Муноз & Ричард Ж. Миллер (2019): Сири, Алеха, анд отхер дигитал ассистантс: а студий оф сUSTOMER сATISFACTION WITh ARTIfICIAL INTELLIGENCEs APPLICATIONS, Журнал оф Маркетинг Манагемент, мақола ҳаволаси: <https://doi.org/10.1080/0267257X.2019.1687571>
2. Британская полиция привлекла ИИ для помощи в раскрытии преступлений. Хабр. Сообщество ITспециалистов // (Электронный ресурс). – Режим доступа: URL: <https://habr.com/ru/news/466471/>
3. Шамсутдинов Б. Жиноят процессида сунъий интеллект // — Odilik mezon №9/2020 йил. 24-бет.
4. Бахтеев Д.В. Искусственный интеллект в следственной деятельности: задачи и проблемы // Российский следователь. 2020 й. № 9, 3-бет.
5. Прокофьев К.В. Международно-правовые проблемы обеспечения международной информационной безопасности в сети Интернет. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва, 2009.
6. Э.Л.Кочкина. Определение понятия «Киберпреступление». Отдельные виды киберпреступлений // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). – С. 162-169.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИГА ГЕРМЕНЕВТИК ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ: мақолада инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими моҳияти ва уни амалга ошириш механизмлари герменевтик ёндашув асосида таҳлил қилинади. Бунда конституциявий ислохотлар жараёнида вужудга келган янги ёндашувнинг аҳамияти, герменевтика назариясининг ҳуқуқий нормалар мазмунини талқин қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ролини очишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Конституция, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, кафолатлар, герменевтик ёндашув, ҳуқуқий талқин, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқий онг ва маданият.

Атамалар маъно-мазмунини нуқтаи назаридан “герменевтика” юнунча *hermeneia* – “талқин қилувчи, изоҳловчи” маъносини билдириб, дастлаб матнларни изоҳлаш санъати сифатида қўлланиб келинган. Ҳозирги замонда эса герменевтика бу маънони англаш ва талқин этиш назарияси даражасига кўтарилган.

Герменевтика юридик фаннинг барча соҳалари учун, айниқса ҳуқуқларни таъминлаш механизминини тушуниш учун муҳим методологик аҳамиятга эга.

Инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми ҳуқуқий воситалар ва институтлар тизимидан иборат мураккаб, кўп қиррали ва даражали тизим ҳисобланиб, улар орқали ҳуқуқ ва эркинликларни самарали амалга ошириш, муҳофаза қилиш ва ҳимоя этиш таъминланади.

Бу соҳада илк кенг қамровли тадқиқотлардан бири россиялик олим Евгений Киричëк томонидан олиб борилган. У мазкур механизмни “ҳуқуқий воситаларнинг статик ва динамик элементларидан иборат яхлит, кўп қиррали ва кўп босқичли тизим бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз функционал вазифасига эга ҳамда ўзаро уйғун ва мувозанатли фаолият орқали конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш, муҳофаза қилиш ва ҳимоя этиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга мақсадли таъсир кўрсатади” деб таърифлайди.

Унга кўра, мазкур механизм икки таркибий қисмдан иборат: (а) статик (структуравий) қисмдан, яъни норматив-ҳуқуқий база (конституциянинг принцип ва нормалари, қонунлар, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар), ҳуқуқий институтлар ва органлар, ҳуқуқий муносабатлар, кафолатлар, ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш воситалари, юридик жавобгарлик институтлари ҳамда ҳуқуқий маданият ва онг каби омиллар, шунингдек (б) динамик (функционал) қисмдан ташкил топган бўлиб, мазкур элементлар ўзаро ҳамкорликда фаолият юритадиган жараён ва процедуралардир, деб баҳоланади.

Герменевтика билан мазкур механизм ўртасида икки томонлама боғлиқлик мавжудлигини кузатамиз. Бир томондан, ташкилий-ҳуқуқий механизмнинг ўзи ҳуқуқий талқин объекти ҳисобланади. Чунки у қонунчиликда аниқ тарзда расмий ифодаланмаган, яъни унинг мазмунини бевосита очиб берувчи норма-дефинициялар мавжуд эмас. Механизм тушунчаси олимлар томонидан турли ҳуқуқий нормалар ва уларнинг

амалий қўлланишини таҳлил қилиш ва талқин этиш орқали ёритилган. Шунинг учун уни тўғри англаш учун Конституция норма ва принциплари, қонунлар, илмий доктриналар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш зарур.

Иккинчи томондан, механизмнинг ўзида ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни талқин этиш фаолияти мужассам: инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида мансабдор шахслар, судлар ва давлат органлари қонун матнини доимий равишда изоҳлаб, уларни аниқ ҳолатларга татбиқ этадилар. Демак, герменевтика ҳуқуқларни таъминлаш механизмнинг бутун моҳиятини қамраб олади ва фаолиятининг методологик асосини ташкил этади.

Ушбу ҳолатда цивилист олим Евгений Вавилин бир хил атаманинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, назария ва амалиётда турлича маъноларда қўлланилишини салбий жиҳат деб баҳолайди. Бу эса бир хил бўлмаган маъновий юкламани вужудга келтириб, объектив равишда мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳодисанинг “какофонияси” ва “чалкашлик”ни чиқаради.

Асосий қонуннинг 20-моддасидаги “қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этиш” тўғрисидаги ўта муҳим янги конституциявий норма амалда герменевтик қоидага мисол бўлиб, агар қонунчилик нормасида ноаниқлик мавжуд бўлса, талқин инсон ҳуқуқлари манфаатида бўлиши лозимлигини белгилайди. Бу принципаиал герменевтик қоида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга хизмат қилади ва уни ҳуқуқни қўллаш амалиётида изчил татбиқ этиш зарур.

Аниқланган терминологик номувофиқликлар (ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, таъминлаш, амалга ошириш каби тушунчаларда) тушунчавий аппаратни ягона шаклга келтириш зарурлигини кўрсатади. “Ташкилий-ҳуқуқий механизм” тушунчасининг норматив таърифи мавжуд эмаслиги илмий (доктринал) талқинга мурожаат этишни тақозо этади. Бу ерда юридик герменевтика ёрдамга келиб, фанлараро таҳлил асосида оптимал таърифларни шакллантириш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, асосий атамаларни қонун даражасида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари тўғрисида” ишлаб чиқиладиган қонунда (гипотетик равишда) “ҳуқуқларни таъминлаш” тушунчаси давлатнинг фуқаролар ҳуқуқларини амалга оши-



риш учун зарур шарт-шароитларни яратиш фаолияти сифатида белгиланиши мумкин. У ўз навбатида уларни “муҳофаза қилиш”ни (хуқуқбузарликларнинг олдини олиш) ва “ҳимоя қилиш”ни (бузилган хуқуқларни тиклаш) ўз ичига олади. Бундай ёритишга оид ёндашувлар илмий адабиётларда маълум даражада мавжуд бўлиб, амалиётга жорий этилиши мумкин.

Мавзу юзасидан ўрганишлар натижалари Ўзбекистонда конституциявий хуқуқ ва эркинликларни таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий механизмини герменевтик жиҳатдан ўрганишга яхлит назар ташлаш имконини берди.

Биринчидан, герменевтик ёндашув хуқуқий таърифга эга бўлмаган мазкур ташкилий-хуқуқий механизм мазмунини очишда самарали эканлигини кўрсатди. Конституция ва қонун нормаларининг комплекс талқини шуни кўрсатадики, ушбу механизм инсон хуқуқларини амалга ошириш учун ўзаро уйғун ҳолда фаолият кўрсатадиган кўп босқичли хуқуқий воситалар (нормалар, институтлар, жараёнлар) тизимини ифода этади.

Иккинчидан, хуқуқий талқин (интерпретация) норматив асос ва хуқуқларнинг амалий ҳимояси ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Хуқуқларни самарали таъминлаш қонунларни барча субъектлар: қонун чиқарувчи, ижрочи давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан ягона маънода тушунилмас экан, у самарали амалга ошмайди.

Учинчидан, конституциявий ислохотлар натижа-сида амалга оширилган сўнгги конституциявий ўзгартиришлар таҳлили кафолатларни кучайтириш тенденциясини намоён этди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда миллий хусусиятларни (маҳалла институти, хуқуқий онг ва менталитет) ҳисобга олган ҳолда инсон хуқуқларини таъминлашнинг ўзига хос моделини шакллантириш зарурлиги аниқланди. Бу жараён халқаро стандартлар билан уйғунлашган бўлиб, халқаро хуқуқ нормаларининг бевосита амал қилиши ва халқаро институтлар билан ҳамкорлик орқали ривожланмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, инсоннинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий механизм ва унинг герменевтик амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади. Инсон хуқуқлари кафолатларига ва уни амалга ошириш механизмларига оид “Инсон хуқуқларига кафолатлар тўғрисида”ги махсус модель қонунни ишлаб чиқиш ва унда “ташкилий-хуқуқий механизм”, “таъминлаш”, “ҳимоя қилиш” ҳамда “қўриқлаш” каби тушунчаларни аниқлаштириш, давлат органларининг мос мажбуриятларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу терминологик ноаниқликларни бартараф этиб, хуқуқни қўловчи амалиётни енгиллаштиради. Бошқа томондан, Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмидаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона хуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”, деган норма ижроси учун масъуллик-

ни ошириш ва жавобгарликни кучайтиришга оид нормалар ўз аксини топади.

Кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишида юридик таълим дастурларига хуқуқий герменевтика ва инсон хуқуқлари фанларини киритиш, судьялар, прокурорлар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун Конституция ва халқаро мажбуриятлар доирасида хуқуқий нормаларни талқин қилиш бўйича мунтазам тренинглар ўтказиш зарур.

Жамоатчилик иштирокини рағбатлантириш йўналишида нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ва инсон хуқуқлари бўйича маърифий лойиҳалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги мулоқот майдонларини кенгайтириш зарур.

Ўзбекистонда кейинги йилларда инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга доир ташкилий-хуқуқий механизмлар тизими сифат жиҳатидан янгиланди. Конституциянинг янги таҳририда давлатнинг инсон хуқуқларига бўлган муносабати ахлоқий-маънавий ва институционал асосларда мустаҳкамланди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида инсон хуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш тизимини янада мустаҳкамлайди. Герменевтик ёндашувни амалиётга татбиқ этиш хуқуқий тизимни шахс эҳтиёжларига нисбатан янада сезгирроқ қилади, қонунларни нотўғри ёки ихтиёрий талқин қилиш ҳолатларининг олдини олади. Шу тариқа, Конституцияда ифода этилган олий мақсад “инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятдир” деган ғоя амалий ҳаётда ўзининг ҳақиқий ифодасини топишига хизмат қилади.

Акмал РАХМАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси, юридик фанлари номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ФШлейермахер. Герменевтика. Перевод с немецкого А.Л.Вольского. Научный редактор /Н.О.Гучинская. – СПб.: “Европейский Дом”. 2004. – 242 с.
2. Овчинников А.И. Правовое мышление: аксиологический и герменевтический аспекты. Дисс. канд. юрид. наук. 2000, Ростов-на-Дону. – 169 с.; Исмаилов Р.А. Хуқуқни шарҳлашнинг назарий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари: 12.00.01 – Давлат ва хуқуқ назарияси ва тарихи. Хуқуқий таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйича юрид. фан. бўйича фалсафа докт-ри (PhD) дисс. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети. Нукус. 2025 йил. – 135 б.
3. Киричёк Е.В. Организационно-правовой механизм обеспечения конституционных прав и свобод человека и гражданина в условиях взаимодействия полиции и институтов гражданского общества в РФ: Дис. ... доктора юридических наук: 12.00.11, 12.00.02. Акад. упр. МВД РФ. – Москва, 2015. – 466 с.
4. Бу ерда ишлатилган “какофония” сўзи (юнонча kakos – ёмон, phone – овоз) “ёқимсиз овозлар уйғунлиги”, “маъно уйғунсизлиги” ёки “маъновий чалкашлик” деган маънони билдиради.
5. Вавилин Е.В. Правовая политика в сфере защиты гражданских прав // Российская правовая политика: Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова и В.А. Малько. М.: Норма, 2003. С. 276.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [Матн] Расмий нашр. – Тошкент: “O'zbekiston” нашриёти, 2023. – 80 б.
7. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 86-моддаси биринчи қисмига шарҳ бериш ҳақида” Конституциявий суднинг КСҚ-сон Қарори. // <http://www.konstsud.uz/uploads/2024/07/urkonstituciavjudiningkarori.pdf>
8. 1995 йил 1 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>

ДАЪВО МУДДАТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

Вақт – олий ҳакамдир! Дарҳақиқат, вақт инсон ҳаётидаги муҳим лаҳзаларни унинг хотирасида муҳрлаши билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, уни ортга қайтариб бўлмайди. Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда вақтнинг ўрни жуда ҳам муҳим. Чунки, вақтдан унумли фойдаланиш инсонга фойда келтирса, вақтни ўтказиб юбориш унинг зарарига ишлайди. Чунончи, вақтнинг ўтиши қонунчилигимизда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича мурожаатларини қаноатлантиришдан рад қилишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-кичик бўлими даъво муддати, муддатларни ҳисоблаш масаласига бағишланган бўлиб, унга кўра даъво муддати бу – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Қонунчилигимизга кўра, умумий даъво муддати уч йил этиб белгиланган.

Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин. Даъво муддатлари ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг қилишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунча берган аризасига мувофиқ қўлланади ва қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвои рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Даъво муддати ўтгандан кейин мажбуриятни бажарган шахс ижро этиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билган ёки билиши лозим бўлганлигидан қатъи назар, бажарган нарсасини қайтаришни талаб қилишга ҳақиқ эмас.

Асосий талаблар бўйича даъво муддати ўтиши билан қўшимча талаблар (неустойка, гаров, кафолат ва шу кабилар) бўйича даъво муддати ҳам ўтган ҳисобланади.

Даъво муддати куйидагиларга жорий қилинмайди:

шахсий номулкӣ ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка кўядиган талабларига;

фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга. Даъво муддати ўтгандан кейин кўзғатилган талаблар даъво кўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

жиноят тўғрисида етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги;

мулкдор ёки бошқа эгалик қилувчи ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишларини, шу жумладан эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузилишларни бартараф этиш ҳақидаги;

мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги;

қонунда белгиланган ҳоллардаги бошқа талабларга.

Халқаро тажрибани ўрганадиган бўлсак, даъво муддатига бўлган муносабат айрим давлатларда бизнинг қонунчилигимиздан бироз бошқачароқ. Масалан, Англия ва Уелсдаги фуқаролик даъволари билан боғлиқ масалалар 1980 йилда қабул қилинган "Чеклаш тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади ва унда ҳар бир иш бўйича алоҳида муддатлар белгиланган.

Жумладан, агар қарз берувчи ҳеч қандай тўлов олмасдан олти йил ўтишига йўл қўйган бўлса, қарзни ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантиришдан рад қилинади. Шунингдек, болаларнинг олган жароҳатлари учун етказилган зарарни ундириш бўйича даъво муддатини ҳисоблаш улар 18 ёшга тўлганларидан сўнг бошланади.

Тўхмат қилганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш бўйича даъво муддати 1 йил ҳисобланади.

Бундан кўринадики, Англияда даъво муддати алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса бундай ҳужжат мавжуд эмас, лекин бунга эҳтиёж катта.

Гарчанд, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига даъво муддатининг умумий тушунчаси ёритилган бўлсада, Меҳнат кодексига даъво муддати алоҳида, Оила кодексига алоҳида қилиб белгиланган.

Бу борада барча қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлаштириб, ягона қонун ҳужжати, яъни "Даъво муддати тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда даъво муддати турлича бўлиб, баъзида улар бир-бирини истисно қилиб келади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчаси куйидагича таърифланган:

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-моддасида эса никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 06-сонли Қарорининг 28-бандига кўра, Оила кодекси 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни, ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (ФК 154-моддаси биринчи қисми) деб кўрсатилган.

Чунончи, Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Гарчанд, Фуқаролик кодекси билан мулк ҳуқуқи муддатсизлиги белгиланган бўлсада, Оила кодексининг мазкур нормаси мулкдорнинг мулк ҳуқуқлари чекланишига олиб келмоқда.

Қонунчилигимиздаги бир-бирига зид бўлган нормаларни мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-моддаси 9-қисмини никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан даъво муддати қўлланилмайди, деб баён қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нодирбек ФАЙЗИЕВ,

Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари.

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Давлатлатимиз раҳбари томонидан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қилинаётган эътибор барчамиз учун қувонарлидир.

Яқиндагина мамлакатимизда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини тубдан ошириш, очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида суд органларини малакали кадрлар билан тўлдириш, аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини самарали таъминлаш, суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда хорижий мамлакатлар ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича бир қатор мақсад ва вазифалар белгиланди.

Кўйида ҳозирги амалиёт ва мазкур ҳужжат билан қонунчиликка киритилиши кўзда тутилаётган айрим муҳим ўзгаришлар ҳақида сўз юритамиз.

Хусусан, амалдаги “Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисида”-ги Қонунини 71-моддаси биринчи қисмига мувофиқ судья биринчи марта беш йиллик муддатга, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда сайланади ёки тайинланади.

Фармонда судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартиби бекор қилиниб, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини белгилаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 70-моддасига кўра туманлараро, туман, шаҳар суди, ҳудудий ҳарбий суд раиси, раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимга тайинланади.

Бироқ, қонунда туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига тайинлашда номзодларга қўйилган аниқ мезонлар белгиланмаган.

Фармон билан туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра судьялар орасида очиқ танлов асосида танлаш тартибини ўрнатиш белгиланмоқда.

Шунингдек, ҳозирги вақтда судьялар фаолиятини баҳолашда аниқ мезонлар белгиланмаган.

Шунга кўра, юқоридаги Фармон билан судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилик” ва “судьялик одоби қоидаларига риоя этиш” талабларининг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котиби — жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилиши белгиланган. Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси судьялар орасидан сайланади. Кенгашнинг ушбу аъзоларидан бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари орасидан сайланади. Кенгашнинг судьялар орасидан сайланган ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзоси Кенгаш томонидан унинг раиси тақдимида биноан Кенгашнинг шувбаси ҳамда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси таркибига, шу жумладан мазкур тузилмаларнинг раҳбарлари лавозимларига сайланади.

Бироқ, мазкур Қонунда Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзосига қўйилган талаблар аниқ белгиланмаган.

Белгиланиши кўзда тутилган янги тартибга кўра, Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилади ва бунда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши мумкин.

Шунингдек, Кенгаш таркибини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий судидан — икки нафар судья, вилоят даражасидаги судлардан — етти нафар ва туманлараро, туман, шаҳар судларидан — тўрт нафар судья киритилиши назарда тутилмоқда.

Айни вақтда малака ҳайъатларининг интизомий иш асосида тугатилган ёки судьяга нисбатан қўлланилган интизомий жазо унинг содир этган қилмишига мос бўлмаган тақдирда судьялар ҳамжамияти органи сифатида Судьялар олий кенгаши раисининг бундай ҳолатга муносабат билдириш ваколати мавжуд эмас.

Фармонга кўра, судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси нормалари бузилган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларда судьялар малака ҳайъатлари томонидан интизомий иш асосида тугатилган ёки тайинланган интизомий жазо судья содир этган қилмишга мос эмас деб топилган тақдирда, малака ҳайъатларининг тегишли қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақдимнома киритиш, шунингдек, судьялар мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг аниқ мезонларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Яна бир янгилик, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгилувчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш қайд этилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда судьяга нисбатан интизомий иш кўриб чиқишда унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тақдим этиш масаласи белгиланмаган эди. Фармон билан судьяга нисбатан интизомий иш кўриб чиқишда унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тақдим этиш масаласи илгари сурилмоқда. Бу эса судьяга, унга нисбатан кўриб чиқилаётган интизомий ишда ўзининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, ушбу ислоҳотлар нафақат судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтиришга, балки фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Учкун Самандаров,

Қашқадарё вилоят маъмурий суди судьяси.

ОДИЛ СУДЛОВГА АРАЛАШГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада одил судловга аралашуш билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарликни такомиллаштириш доирасида судьяларнинг асоссиз жавобгарликка тортилиши муаммоси атрофида таҳлил этилган. Айбсизлик презумпцияси, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг дахлсизлиги, уларга таъсир ўтказишга қарши кафолатлар ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш борасида назарий хулосалар ва амалий тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: судьянинг ҳуқуқий мақоми, суд мустақиллиги, дахлсизлик, жавобгарлик, шахсга қараб судловга тегишлилик, айбсизлик презумпцияси, суд ва қонун олдида тенглик, халқаро стандартлар, ҳуқуқий кафолатлар.

Одил судловга аралашуш билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарликни такомиллаштиришда судьяларнинг асоссиз жавобгарликка тортилишининг олдини олиш муҳим омил саналади. Одил судлов жараёнига аралашуш билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарликни такомиллаштириш жараёнида судьяларнинг ноқонуний ва асосланмаган тарзда жавобгарликка тортилишининг олдини олиш ҳуқуқий тизим барқарорлигини таъминлашда муҳим устуворликлардан биридир. Чунки судьялар фаолиятига ҳар қандай асоссиз таъсир ёки уларни тартибий, маъмурий ёки жинойи жавобгарликка тортишга бўлган уриinishлар суд мустақиллиги ва инсоннинг адолатли суд ҳимояси ҳуқуқига таҳдид солади¹.

Айни масала юзасидан Судьялар олий кенгашининг 2024 йил фаолиятига оид Ахборотномасига кўра, ўтган йил давомида судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг суд органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлаш мақсадида 5 та ҳолат юзасидан Бош прокуратурага расмий тақдимномалар киритилган. Ушбу ҳолатлардан иккитаси жинойи иш кўзга тилиши билан якунланган. Бундан ташқари, судьялар олий малака хайъатига 10 нафар судьяга нисбатан асоссиз интизомий жазо чоралари белгиланган қарорларни бекор қилиш тўғрисида ҳам тақдимнома киритилган². Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда судьяларнинг фаолиятига, уларнинг шахсий дахлсизлиги ва суд қарорларига таъсир кўрсатишга йўналтирилган танқидий материаллар сони ҳам маълум даражада юқори бўлиб қолмоқда. Масалан, 2023 йилда 73 та, 2022 йилда эса 91 та ҳолат қайд этилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 65 тани ташкил этди. Бундай материаллар юзасидан мутасадди органлар томонидан тегишли ҳуқуқий муносабат билдирилгани ҳам судьяларни ҳимоя қилишга қаратилган институтлар фаолиятининг аҳамиятлилигини кўрсатади.

Судьяларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш, уларни кўрқитиш, таҳдид қилиш ёки асоссиз танқид қилиш ҳолатлари нафақат миллий қонунчиликда, балки халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам инкор этилади. Жумладан, БМТнинг судьялар мустақиллигига оид асосий принципларида ҳам судьялар ҳар қандай ташқи таъсирдан ҳоли бўлиши лозимлиги таъкидланган³.

Судьяларнинг жавобгарлиги институтларини такомиллаштиришда эса "институционал кафолатлар" ва "шахсий кафолатлар" ўртасидаги мувозанат муҳим. Мисол учун, Д.Л. Зерновнинг фикрича, судья фаолияти учун жавобгарликнинг чегаралари аниқ белгиланмас экан, бу ё судьяни жазосизликка олиб келади, ёки унинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини сусайтиради⁴.

Халқаро ҳуқуқ ҳамда миллий қонунчилигимизга биноан суд жараёнида фуқароларнинг барчасига бир хил ҳуқуқий шароит ва ҳимоя имкониятлари таъминланиши шарт. Суд органи, жумладан судья, шахснинг ирқи, фуқаролиги, ижтимоий ҳолати ёки динига қараб ҳуқуқий муносабатни ўзгартирмаслиги лозим.

Амалиётда эса айрим ҳолларда судьялар тарафидан бундай ҳолисликдан четга чиқиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Хусусан, айбланувчи шахсни илк кўришдаёқ унга нисбатан ишончсизлик ёки шубҳа билан муносабатда бўлиш, унинг ҳуқуқий мақомини ҳали суд ҳал қилмаган бўлса-да, амалда "айбдор" сифатида кўриш ҳолатлари юзага келади. Бу эса суднинг айбсизлик презумпцияси ва судловдаги тенглик принципларига зид ҳолатдир.

Халқаро ҳуқуқшунослардан Виллем Ван Генугтен таъкидлаганидек, суд органларининг барқарорлиги фақат ҳуқуқий нормалар билан эмас, балки шу

нормаларнинг амалда адолатли қўлланилиши билан таъминланади. Унинг фикрича, судья нафақат қонунни билиши, балки уни ҳар бир шахсга тенг ва ҳолис тарзда татбиқ этиш масъулиятини ҳам англаши лозим⁵.

Фуқароларнинг суд ва қонун олдида тенглиги тамойили нафақат одил судловни амалга ошириш жараёнида, балки кенг маънода давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида асосий ҳуқуқий ва ижтимоий мезонлардан бири сифатида намоён бўлади. Унинг мазмуни шундаки: шахснинг жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, яшаш жойи, маълумоти, жамоат бирлашмаларига мансублиги ёки бошқа хусусиятлар суд жараёнида унинг ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатмаслиги лозим. Яъни, ишда иштирок этувчи шахснинг ҳеч қандай хусусияти унинг процессуал ҳуқуқларига имтиёз ёки чеклов бермаслиги шарт.

Бу тамойил фақат суд муҳокамаси якуний босқичида эмас, балки бутун суд жараёни – терговдан тортиб, якуний ҳукм чиқаришгача бўлган ҳар бир босқичда амал қилиши шарт. Суд амалиётида тенгликнинг таъминланиши нафақат процессуал адолат, балки давлатнинг ҳуқуқий барқарорлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан ишончини ҳам таъминлайди⁶.

Суд олдида тенглик тушунчаси ҳам худди шу мазмунда фуқароларга бир хилда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақдим этилишини билдиради. Масалан, гувоҳ сифатида қақирилган шахснинг судга келиш ва ҳолис кўрсатма бериш мажбурияти унинг ижтимоий ёки моддий аҳолига, ирқи ёки эътиқодига боғлиқ эмас. Суд муҳокамаси қондалари фуқаролик даъвосида жавобгарми, жиноят ишида айбланувчиси – ҳамма учун баробар тарзда амал қилади.

Бу масалага халқаро ва миллий ҳуқуқшунослар ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Масалан, Ханс Келзен таъкидлаганидек, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги – ҳуқуқий давлатнинг формал белгиларидан бири эмас, балки унинг фаол ишлашни таъминловчи жараёни механизmdir⁷. Шунингдек, Европа Инсон Ҳуқуқлари Судининг бир қатор прецедент қарорларида ҳам тенглик тамойили фақат ҳуқуқни бериш билан эмас, балки унинг амалга ошишини таъминлаш билан белгиланиши таъкидланган⁸.

Қонун ва суд олдида тенглик тамойили – демократик ва ҳуқуқий давлатнинг пойдевори ҳисобланади. У нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, балки мамлакат ҳудудида доимий ёки вақтинча яшовчи хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги йўқ шахсларга нисбатан ҳам тўлиқ татбиқ этилиши лозим. Бу универсал мазмунга эга тамойил миллий қонунчилик билан бирга халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасида "ҳамма қонун олдида тенгдир" деган асосий тамойил белгилаб қўйилган⁹.

Ҳаммининг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, шу билан бирга хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларга нисбатан ҳам тегишлидир. Қонунга мувофиқ бир қатор давлат мансабдор шахсларини: судьялар, депутатлар ва прокурорларни жавобгарликка тортишнинг алоҳида қондалари белгиланган. Масалан, судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик суди пленумининг розилигисиз жинойи жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Бизнинг назаримизда, бундай алоҳида тартиб фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойилининг бузилишига сабаб бўлмайди, чунки у юқорида кўрсатилган мансабдор



шахсларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишини истисно қилмайди, фақат жавобгарликка тортиш жараёнини тартибга солиди ҳолос. Юқорида кўрсатилган турдаги мансабдор шахслар учун алоҳида тартибда жавобгарликка тортишнинг мавжудлиги улар томонидан ўзига ҳос давлат хизматини ўташлари сабабидан тақозо этилади.

ЖПКнинг 1-моддаси 1-қисмига мувофиқ барча судлар, прокуратура, тергов ва дастлабки тергов органлари учун қонунда белгиланган суд олиб бориш тартиби ягона ҳисобланади. Бироқ ЖПК айбланувчининг жисмоний ва психологик ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда суд олиб боришнинг дифференциал тартибини белгилаб беради ва шу сабабли айбланувчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари учун турли процессуал қафолатларни назарда тутати. Акс ҳолда бу фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойилидан четга чиқиш эмас, уни бузиш ҳисобланади.

Ушбу масалани профессор Г.Тўлаганова судловга тегишлилик қонунида қатъий белгиланган ҳолатларда кўзда тутилганлиги билан изоҳлайди. Ҳуқуқшуноснинг қайд этишича барча суд судьялари ва халқ маслаҳатчиларига нисбатан кўзгатишган жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир. Бундай ҳолатларда шахсига кўра тегишлилик судьялар дахлсизлигининг алоҳида қафолатлари билан боғлиқ бўлиб, одил судловни амалга оширишда судья профессионал фаолиятининг ўзига ҳос жиҳатларини инобатга олиш ва судланувчига нисбатан турар жойи бўйича ҳудудда унинг иши кўрилишида бирёқламалikka йўл қўйиш эҳтимолларининг олдини олиш имконини бериши билан изоҳлаб тушунтиради¹⁰.

Мухими шундаки, бундай ҳуқуқий иммунитетлар суд ёки депутатнинг жиноий жавобгарликдан истисно қилинганини аниқлаб бериш, балки ушбу жавобгарликни тартибли ва қонуний йўл билан амалга оширишни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, бундай ҳуқуқий механизмлар қонун олдида тенглик принципига зид эмас, балки унинг самарали амалга ошишини таъминлайдиган воситалардан биридир.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликмизда айрим шахслар тоифасига қараб жиноят ишларини қайси суд юрисдикцияси кўриб чиқиши лозимлиги аниқ белгиланмаган.

Бу борада А. Угренинова айбланувчи ёки судланувчининг шахсий тавсифларини эътиборга олиб, уларга қараб ишнинг қайси судга тегишли эканини аниқлаш лозимлигини таъкидлайди. Унга кўра, бундай тавсифлар кўп ҳолларда шахснинг мансабдор мақоми билан боғлиқ бўлади¹¹. Шунингдек, шахсга қараб судловга тегишлилик белгиланиши фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда қўлланилади ва у суд юрисдикциясига оид бошқа мезонлар билан рақобатда устуворликка эга ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, судьяларнинг юридик жавобгарлигини белгиловчи махсус тартиблар нафақат уларнинг ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қилади, балки судьялар дахлсизлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини амалга оширишда муҳим қафолат сифатида намоён бўлади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзоси ва судьяларга нисбатан кўриб чиқилаётган жиноят ишларини одатий тартибда ҳудудийлик ёки бошқа принципга кўра судларда кўриб чиқирилиши одил судловни таъминлашга ҳалал беради. Мансабдор шахсларнинг мавқеи, хизмат ёки мансаб ваколатидан фойдаланиши хавфи юқорилиги эҳтимолидан уларга нисбатан жиноят ишларини кўриб чиқишнинг судловга тегишлилик юзасидан алоҳида процессуал қонуннинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 64-моддасида судьяга нисбатан жиноят

иши Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли¹² эканлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Бироқ, мазкур қоида амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда акс этмаган.

Шу нуқтаи назардан жиноят-процессуал қонунда алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишларининг судловга тегишлилиги масаласи аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур нуқтада судьялар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнига аралашувларни бартараф этиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ ва аниқловчи меъёрлар орқали белгилаш зарурлигига эътибор қаратиш лозим. Бу масала алоҳида аҳамиятга эга бўлгани боис, Германия, Франция, Хитой, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон каби бир қатор давлатларда "Судьяларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида"ги алоҳида қонунлар қабул қилинган. Ушбу масалани тадқиқ этган Т. Сафаров хорижий тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда ҳам ана шундай қонун ҳужжатини қабул қилиш орқали фуқароларнинг одил судловга эришиш қафолатларини янада мустаҳкамлаш мумкинлигини таъкидлайди¹³.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги 2419-III/КҚ-523-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган "Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича Йўл харитаси"да¹⁴ "Суд тизими ва судьялар мақоми тўғрисида"ги Қонун 2020 йил сентябрь ойига қадар ишлаб чиқирилиши белгиланган бўлса-да, ҳалигача мазкур қонун ишлаб чиқилмаган ва қабул қилинмаган.

Бизнингча, Ўзбекистонда судьяларнинг ҳуқуқий мақомини алоҳида қонун ҳужжатида мустаҳкамлаш ва мазкур қонунни қабул қилиш нафақат судьялар дахлсизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлади, балки аввалги лавозими орқали муайян алоқаларни сақлаб қолган собиқ судьяларнинг жавобгарлигини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ҳам самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Сайфилло Рамазанов,

Одил судлов академияси мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Shklar, J. N. (2014). Legalism: Law, morals, and political trials. Harvard University Press.
- Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгашининг 2024 йил фаолиятига доир Ахборотнома. <https://sudyaloroliykengashi.uz/uz/publications/kengashning-2024-jil-faoaliyatiga-doir-ahborotnoma>
- United Nations. (1985). Basic Principles on the Independence of the Judiciary. Adopted by the Seventh United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders. <https://www.ohchr.org>
- Зернов, Д.Л. (2019). Ответственность судей: теория, практика, перспективы развития. Российская юстиция, (6), 35–39.
- Van Genugten, W. (2005). The United Nations and the promotion of the rule of law: The importance of the judiciary. Netherlands Quarterly of Human Rights, 23(3), 265–287. <https://doi.org/10.1177/016934410502300303>
- Tiede, L. B. (2017). Judicial Independence: The Politics of the Supreme Court. Springer.
- Kelsen, H. (1945). General Theory of Law and State. Harvard University Press.
- European Court of Human Rights. (2007). D.H. and Others v. the Czech Republic, Application no. 57325/00. <https://hudoc.echr.coe.int>
- United Nations. (1948). Universal Declaration of Human Rights. <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>
- Jinoyat-protsessual huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi. –T.; TDYU nashriyoti. 2020 yil. – B.163.
- Угренинова А.М. Подсудность в уголовном процессе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Екатеринбург, 2018. – 25.
- Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон. <https://lex.uz/docs/5534923>
- Сафаров Т.Б. Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлиги: замонавий ҳолат ва ривожланиш йўналишлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т., 2023. –Б.14.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори, 26.03.2019 йилдаги 2419-III/КҚ-523-III-сон. <https://lex.uz/docs/4612033>

ШАХСЛАР БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНДА АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада бедарак йўқолган шахс тушунчасига тўғри ҳуқуқий ёндашувни амалга ошириш мақсадида миллий қонунчилик нормалари, шахсларнинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ илмий изланиш олиб борган олимларнинг асарлари ўрганиб таҳлил қилинди. Бундай ҳолатларнинг ортиб бораётганлиги, бедарак йўқолишининг асосий сабаблари, яқинларининг бедарак йўқолиши оқибатида инсонларнинг ижтимоий ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг ечими ёритилган. Миллий қонунчилик нормаларида шахслар бедарак йўқолган ҳолатларда барча вазирлик ва идораларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларини тартибга солиш зарурияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: бедарак, шахсларнинг бедарак йўқолиши, бедарак йўқолган шахс, ғойиб бўлиш.

Дунёда ҳар йили бедарак йўқолган шахслар салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда. Айниқса, сўнги 20 йил ичида бундай шахслар сони энг юқори кўрсаткичга етган. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолкер Тюрк Бош ассамблеяда “Бедарак йўқолганлар” мавзусини муҳокама қилиш доирасидаги нутқида маълум қилишича, 2024 йилда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси сўнги йиллардаги энг юқори кўрсаткич — 56 559 та янги йўқолиш ҳолатини қайд этган. Сўнги 45 йил ичида Мажбурий ва ғайриихтиёрий йўқолишлар бўйича ишчи гуруҳ 115 та давлатда 62 мингдан ортиқ йўқолиш ҳолатларини аниқлаган¹.

Шахсларнинг бедарак йўқолиши сабаблари унинг ёши, жинси, яшаш шароити, жойлашган манзили, соғлиги, жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолати ҳамда бошқа бир қатор омилларга кўра турлича бўлиши мумкин. Албатта, ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг мазмунини яхшироқ тушуниш учун авваламбор “бедарак йўқолган шахс” тушунчасига таъриф бериш лозим.

Рус олими Е.В.Кузнесов Россия қонунчилигида ва тезкор-қидирув фаолиятида “бедарак йўқолган шахс” тушунчасига аниқ бир таъриф берилмаганлиги ҳақида фикр юритган².

Яна бир рус олими А.Е.Чечетинанинг фикрига кўра, “бедарак йўқолган шахс - ҳеч бир сабабсиз, тўсатдан йўқолган, жойлашуви ва тақдири номаълум шахсдир”³.

Европа олимлари Карен Шалев Грин ва Ллиан Элис “Missing Persons: A Handbook of Research” (Бедарак йўқолган шахслар: Илмий тадқиқотлар бўйича қўлланма) номли илмий тадқиқотларида “Бедарак йўқолган шахс – жойлашуви номаълум ва унинг саломатлиги, ҳаёти билан боғлиқ хавотир мавжуд бўлган шахс” деган таърифни берган⁴.

Ўзбекистон қонунларида ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ норматив ҳужжатларда ҳам “бедарак йўқолган шахс” тушунчасига аниқ бир таъриф келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига агар фуқаронинг қаердалиги ва унинг яшаш жойи ҳақида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкинлиги белгиланган⁵.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари ва миллий қонунчилигимизда белгиланган нормаларни инобатга олган ҳолда “бедарак йўқолган шахс” тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Бедарак йўқолган шахс – бу тўсатдан бирон-бир сабабсиз ғойиб бўлган, жойлашган жойи, соғлиги номаълумлигича қолаётган, жиноят ёки бахтсиз ҳодиса қурбони бўлиши мумкинлиги тўғрисида тахминлар мавжуд бўлган ҳамда бу ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига ариза ёхуд хабар келиб тушган шахс.

Бедарак йўқолган шахснинг қидируви унинг охириги маротаба бўлган манзилида хизмат кўрсатувчи ҳуқуқ-тартибот органи

томонидан амалга оширилади. Қидирув тадбирлари тегишли ички ишлар органи, шунингдек, у фуқароси бўлган ёки доимий равишда яшаб келган давлатнинг ички ишлар органи (полиция) томонидан олиб борилади.

Шахсларнинг бедарак йўқолишига бир қатор сабаблар бўлиши мумкин. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1. Оилавий ёки ижтимоий тушунмовчиликлар: шахсларнинг бедарак йўқолишида, айниқса ўтиш ёшидаги ўсмирлар, ёши кексалар ва ёш оилаларда эр-хотинлар орасида кўп учрайдиган сабаблардан бири саналади. Оилада ота-она ва катталар ўз фарзандларининг муаммоларига эътиборсизлиги, муаммоли вазиятлардан олиб чиқиб кетишда доимий самимий мулоқотнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва бошқа бир қатор омиллар таъсирида ўспиринлик давридаги болалар айрим ҳолларда ўз яшаш жойини ташлаб кетишга ва одамлардан узоқлашишга олиб келиши мумкин. Баъзи шахслар айрим шахсий ёки ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, яқинлари орасида ўзига нисбатан эътиборни тортиш, гамхўрлик кўрсатилишига эришиш мақсадида уйдан номаълум томонга чиқиб кетиши ёки бедарак йўқолишни танлайди. Бунинг сабаби шахсларнинг бедарак йўқолишига оиладаги носоғлом муҳит, зарарли одатлар (ичкиликка ружу қўйиш, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш), ишсизлик, қийин ҳаётий вазиятлар, турмуш ўртоғининг хиёнатига учраш ва бошқа оилавий муаммолар ёки ижтимоий фобиялар бўлиши мумкин.

2. Психологик муаммолар: руҳий саломатлик муаммолари, депрессия, стресс ёки бошқа психологик вазиятлар шахсни оғир қарорлар қабул қилишга етаклаши мумкин. Аксарият ҳолатларда шахс ҳаётий қурашлар ва турмушдаги кетма-кет учраётган омадсизликлар оқибатида руҳий тушқунликка ва ўз келажагидан умидсизликка тушиши асосий омил бўлиб хизмат қилади.

3. Касалликлар ва соғлиқ муаммолари: руҳий касалликка чалинган, хотирасини йўқотган (альцгеймер касаллигига чалинганлар), шунингдек ўзи тўғрисида маълумот бериш имконияти чекланган шахсларнинг ҳам бедарак йўқолиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Ушбу тоифадаги шахсларнинг бедарак йўқолиши кексалар орасида ҳамда тақдирий учраб туриши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Альцгеймер касаллиги асосан 65 ёшдан ошган кишиларда учрайди. Ушбу касаллик 2006 йилда глобал касалликлар қаторидан ўрин олиб, хасталикка чалинганлар сони 26,6 миллионни ташкил этган. 2050 йилга келиб ушбу рақам 4 бараварга ошиши тахмин қилинган⁶. Мазкур касалликнинг кескин ортиб бориши инобатга олинса, келгусида бедарак йўқолган шахслар сони ҳам ортиб бориши эҳтимоли мавжуд.

4. Жиноятлар ва қасддан йўқолиш: баъзи ҳолларда шахслар жиноят қурбонларига айланишади. Уларни маълум бир ғоялар ёки жинорий гуруҳлар ўз мақсадлари учун ишга солиши мумкин. Шунингдек,



киши ўзига қарата қилинган таҳдидлар ёки қасддан қочиш учун бедарак йўқолиши мумкин.

5. Экстремал саёҳатлар: экстремал саёҳатни ёқтирувчиларнинг (йирик тоғлар, денгиз, ўрмон, кимсасиз чўлларда) таваккалга асосланган ҳолда етарли тажриба ва маълумотларга эга бўлмаслиги ҳам шахсларнинг бедарак йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Грецияда бедарак йўқолган уч сайёҳнинг жасади топилган. 74 ёшли нидерландиялик эркак шанба куни Самос оролида ёлғиз сайрга чиққанидан кейин унинг жасади жардан топилган. Британиялик тармоқ шифокори Майкл Мосли эса Сими оролида ўлик ҳолда топилган. Сими мэри Лефтерис Папакалодукасининг айтишича, у тик қияликдан йиқилиб тушган. Яна бир қанча сайёҳлар бедарак йўқолган. Улар орасида 59 ёшли америкалик Альберт Калибет Аморгос оролида саёҳатдан кейин ғойиб бўлган⁷.

6. Табиий ва техноген муаммолар: шахсларнинг йўқолишида табиий офатлар (зил-зила, сув тошқинлари) ёки техноген хавф (авариялар) ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу каби ҳолатлар асосан сейсмик минтақаларда, ороллар, денгиз соҳилида, дарёлар, йирик сув иншоотлари, сув омборлари, тоғли ҳудудлар ва бошқа шу каби манзилларда истиқомат қилаётган, ер ости конлари, кучли портлаш хавфи юқори бўлган иншоотлар (АЭС) ва шу каби объектларда ишлаётган шахслар орасида учраш эҳтимоли юқоридир.

Масалан, Японияда 2024 йил 1 январь куни содир бўлган кучли зилзила оқибатида камида 126 киши ҳалок бўлган. Яна 500 дан ортиқ одам жароҳатланган, 200 га яқин киши бедарак йўқолган⁸.

7. Урушлар ва ҳарбий тўқнашувлар: ҳарбий тўқнашувлар, урушлар ва бошқа ҳарбий операцияларни амалга ошириш вақтида ҳарбийлар билан бир қаторда тинч аҳолининг иссиқ йўқолиши ҳолатлари учрайди.

Жумладан, Украина Ички ишлар вазирлиги раҳбари ўринбосари Леонид Тимченконинг сўзларига кўра, Россия ҳарбий ҳаракатлари натижасида бедарак йўқолган украиналиклар рўйхатида ҳозирда 55 минг киши бор, уларнинг аксарияти ҳарбийлардир¹⁰.

Шахсларнинг йўқолиши яна бошқа кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларни аниқ тушуниб, тегишли чоралар кўриш учун илмий тадқиқотлар амалга оширилиши зарур.

Ўзбекистонда шахсларнинг бедарак йўқолишига юқорида санаб ўтилган сабабларнинг 1-3 навбатда кўрсатилганлари кўп учрайди. 4-5 навбатда кўрсатилган сабаблар нисбатан кам учраб туради, 6 навбатда кўрсатилган сабаблар эса қайд этилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ИИВдан олинган маълумотга кўра, "102" тизими орқали шахсларнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида келиб тушган мурожаатлар салмоғи 2022-2024 йиллар оралиғида 2,7 баробарга ортиб кетган. 2025 йил якунида бу кўрсаткич яна ортиши мумкин¹¹.

2022 йилда келиб тушган мурожаатларнинг 54,4 фоизи вояга етмаганларнинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ бўлса, 2023 йилда 57,1 фоиз, 2024 йилда эса 58,4 фоизни ташкил этган.

Аксарият ҳолатларда бедарак йўқолган шахс топилганидан сўнг оиладаги носоғлом муҳит ва бошқа бир қатор омиллар сабабли, такрорий йўқолганлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг 15-16 фоизини айти такрорий бедарак йўқолган шахслар билан боғлиқ.

Бу рақамлар келгусида шахсларнинг бедарак йўқолишига замин яратётган шарт-шароитларни чуқур таҳлил қилиш, юқорида санаб ўтилган бедарак йўқолишнинг асосий сабаблари доирасида аниқ ва мақсадли чора тadbирларни белгилаш заруриятини юзага келтиради.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон ҳаёти билан боғлиқ жиддий хавф мавжудлиги, бедарак йўқолган шахсларнинг яқин қариндошлари хавотирга тушиши ва чуқур қайғуда қолиши, бедарак йўқолган шахс топи-

лиши учун бор умидини давлат органларидан кутиши, масалага янада жиддий эътибор қаратишга ундайди.

Жумладан, бедарак йўқолганларнинг қисқа муддатда топилмаслиги оқибатида жамиятда, айниқса уларнинг яқин қариндошлари онгида бедарак йўқолган шахс жиноят қурбони бўлганлиги тўғрисида хавотирлар кучайиши, шунингдек унинг яқин қариндошлари руҳий тушқунликка тушиши ортидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар салмоғи кўпайиши провардида жамиятда давлат органларига нисбатан ишончсизлик ва норозилик кайфияти ортишига олиб келиши мумкин.

Шахсларнинг бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича қидирув тadbирларини ташкиллаштириш ва уларни аниқлаб топиш чоралари асосан ички ишлар органларининг тезкор-қидирув хизматлари зиммасида қолмоқда.

Бедарак йўқолишнинг асосий сабаблари, яъни оилавий ёки ижтимоий тушунмовчиликлар, жиноятлар ва қасддан йўқолиш, психологик, табиий ва техноген муаммолар, экстремал саёҳатлар, урушлар ва ҳарбий тўқнашувлар, касалликлар ва соғлиқ муаммолари билан боғлиқ эканлигини инобатга олиб, барча вазирлик ва идораларнинг (Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин қизлар қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик бирлашмалари, волонтерлар ва бошқалар) ҳар бирига аниқ функция ва вазифалар ҳамда уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи ички ишлар вазирлигининг ваколатларини белгилаш юзасидан бажарилиши умуммажбурий бўлган нормаларни миллий қонунчилигимизда акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Шахслар бедарак йўқолишининг олдини олиш ва уларни жойлашган манзилини аниқлаб, топиш учун барча давлат ташкилотларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Провардида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниши орқали уларнинг давлат органларига бўлган ишончи ортади, республикадаги мавжуд қидирув тизимлари орқали аниқлаш имконияти кенгайди, бедарак йўқолган шахс қисқа муддатда топилишига эришилади ва уларнинг жиноят қурбони бўлишининг олди олинади, бедарак йўқолган шахс, шунингдек унинг яқин қариндошлари руҳий тушқунликка тушиши ортида содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, шахсларнинг бедарак йўқолишига замин яратётган шарт-шароитлар бартараф этилишига эришилади.

Муротқобиллов Қаҳрамон САТТОР ўғли,

*Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://daryo.uz/uz/2025/04/03/bmt-vakili-dunyoda-bedarak-yoqolganlar-soni-rekord-darajaga-yetdi>
2. Е.В. Кузнецов. Лицо, пропавшее без вести: понятие, правовое регулирование. Вестник восточно-Сибирского Института МВД России № 2, 2025.
3. Чететина А.Е. Оперативно-розыскная деятельность, 2007. Розыск лиц, пропавших без вести. <https://be5.biz/pravo/o003/index.html>.
4. <https://www.routledge.com/Missing-Persons-A-handbook-of-research/ShalevGreene-Alys/p/book/9781138494442>
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 33-модда.
6. https://uz.wikipedia.org/wiki/Alzheimer_kasalligi#cite_ref-Brookmeyer2007_3-0
7. <https://oz.inform.kz/news/gretsiyada-bedarak-yukolgan-uch-sayyohning-zhasadi-topildi-490528/>
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/06/japan-earthquake/>
9. <https://kun.uz/kr/42899122?q=%2Fuz%2F42899122>
10. <https://kun.uz/kr/news/2024/09/28/ukraina-55-ming-kishini-bedarak-yoqolgan-deb-tan-oldi>
11. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 03.02.2025 йилдаги 29/222-сонли хати

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ УСУЛЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ТИЖОРАТГА ТАТБИҚИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларининг турлари ва моҳияти ҳамда унинг рақамли тижоратда қўлланилиши Ўзбекистон мисолида батафсил ёритилган. Шунингдек, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик соҳасидаги қонунчилиги чуқур таҳлил қилинган ҳамда қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамли тижорат, интернет, ҳуқуқни тан олиш, зарарни қоплаш, фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя усуллари, битимлар, рақамли активлар.

Рақамли тижорат асосида амалга оширилаётган фаолиятни тартибга солиш учун ҳуқуқий механизмларни қўллашнинг ўзига хос хусусияти, бизнинг фикримизча, асосан қуйидаги жиҳатларга бориб тақалади: рақамли тижорат иштирокчилари орасидаги ўзаро ҳамкорлик стандартлари, муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш (бу ҳимоя нафақат ҳуқуқий, балки технологик воситалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин). Бундан ташқари, трансчегравий муҳит шароитида миллий қонунчилик орқали тартибга солиш имкониятлари чекланган ва унчалик самарали эмаслигини ҳам ёдда тутиш лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни рақамли муҳитда тартибга солиш соҳасида муайян қонун-қоидалар ишлаб чиқилмаган бўлса-да, аммо қонунчилигимиздаги баъзи норматив ҳужжатларда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари рақамли муҳитда ҳам тўғридан-тўғри қўлланилишини назарда тутувчи бандлар мавжуд. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 107-моддаси тўртинчи бандида хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодаладиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонунчиликда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади, деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуни-нинг 14-моддасида электрон тижоратда тузиладиган шартномалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган¹. Бундан ташқари, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади². Ушбу нормалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя усуллари аънанив муносабатларда қандай амал қилса, рақамли муҳитда ҳам шундай амалда бўлади.

Рақамли тижоратнинг ҳуқуқий табиати аънанивий савдо айланмасининг унсурлари ҳамда рақамли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Бир томондан, мазкур фаолият моҳиятан савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг бир тури бўлиб, у фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг умумий принципларига — шартнома тузиш эркинлиги, томонларнинг тенглиги, битимларнинг ҳақ эвазига тузилиши, иштирокчиларнинг ҳалоллиги каби тамойилларга бўйсунди. Ушбу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунида ҳам ўз аксини топган: хусусан, электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги ҳамда битимларни электрон шаклда тузишнинг ихтиёрийлиги белгиланган.

Бошқа томондан эса, битимнинг электрон шаклда тузилиши бундай муносабатларга ўзига хос юридик хусусиятлар беради: электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар қўлланилиши, томонларнинг ўзаро жисмоний мулоқот қилмаслиги, иродавий баёнотнинг рақамли тарзда мустаҳкамланиши (онлайн офертани акцепт қилиш) шулар жумласидандир. Шу сабабли давлат электрон битимларнинг юридик кучини ва ишончилигини таъминлашга қаратилган махсус нормаларни белгилайди.

Рақамли тижорат ҳуқуқий табиатининг муҳим элементи электрон ҳужжатлар ва электрон коммуникацияларнинг юридик кучга эгалигини тан олишдан иборат. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги электрон рақамли имзо ёки қонунда белгиланган бошқа воситалар билан тасдиқланган электрон ҳужжатларни (шартномалар, ҳисоб-фактуралар, далолатномалар ва бошқалар) қоғоз шаклдаги, шахсий имзо билан тасдиқланган ҳужжатлар билан тенг деб эътироф этади. Бу эса элек-

трон шартноманинг аънанивий шартнома каби мажбурий кучга эга эканлигини ва судда далил сифатида фойдаланилиши мумкинлигини кафолатлайди³.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари бўлган ҳуқуқ бузилишидан аввал мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш ҳамда ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилишига хавф туғдираётган ҳаракатларга чек қўйиш чоралари рақамли тижорат соҳасида ҳам тўлиқ қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий механизмлардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳимоя чоралари мустақил равишда ҳам, ўзаро уйғунлашган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Улардан фойдаланишни фуқаролик ёки иқтисодий судга мурожаат қилиш ёки айрим ҳолларда маъмурий органларга — масалан, Истеъмошчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилиш орқали амалга ошириш бўлади.

Рақамли тижоратда ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш бўйича қуйидаги чоралар амалга оширилиши мумкин:

★ **ноқонуний жойлаштирилган контентни ўчириш** — агар веб-сайт ёки савдо платформасида интеллектуал мулк объектдан (масалан, махсуслот фотосурати, тавсиф матни, дастурий код) рухсатсиз фойдаланилган бўлса, ҳуқуқ эгаси уни ўчириб ташлашни талаб қилиши мумкин;

★ **аккаунт ёки сервисга киришни тиклаш** — агар шахсий кабинет, сотувчининг аккаунти ёки истеъмолчи профили ноқонуний равишда блокланган ёки эгаллаб олинган бўлса (масалан, фирибгарлик оқибатида), қонуний киришни қайта тиклаш ҳолатни тиклаш чораси ҳисобланади;

★ **ноқонуний битимни бекор қилиш** — агар электрон тижоратдаги битим алдов ёки қонун бузилиши орқали тузилган бўлса, суд уни ҳақиқий эмас деб топиши ва томонларни дастлабки молиявий ҳолатига қайтариши мумкин;

★ **шахсий маълумотларни тўғирлаш** — шахсий маълумотлар ноқонуний қайта ишланган, ўзгартирилган ёки ошкор қилинган ҳолларда, маълумот субъекти уларни тузатиш ёки ўчиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, бу эса унинг бузилган ҳуқуқий ҳолатини тиклайди;

ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилишига хавф туғдираётган ҳаракатларга чек қўйиш борасида (мазкур чора келгусидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ёки потенциал хавфни бартараф этишга қаратилган бўлади):

★ **веб-сайт ёки саҳифага киришни блоклаш** — агар рақамли платформа мунтазам ёки жиддий ҳуқуқбузарликлар содир этилса (масалан, контрафакт товар савдоси, фирибгарлик схемалари), суд ёки давлат органи мазкур ресурсга киришни чеклаши мумкин;

★ **маълум фаолиятни тақиқлаш** — суд ҳуқуқбузарга рақамли тижоратнинг муайян турдаги фаолиятини амалга оширишни, масалан, муайян домен номидан фойдаланишни, савдо белгиси ёки технологияни қўллашни тақиқлаши мумкин;

★ **техник ҳимоя воситаларини қўллаш** — масалан, сайт эгаси контентнинг ноқонуний кўчирилишига йўл қўймаслик учун "рақамли из" технологиясидан фойдаланиши мумкин;

★ **спам жўнатишни тўхтатиш** тўғрисида кўрсатма бериш — агар ҳуқуқбузарлик рухсатсиз реклама тарқатиш (спам) билан боғлиқ бўлса, ваколатли орган ёки суд мазкур фаолиятни дарҳол тўхтатиш бўйича кўрсатма бериши мумкин.

Рақамли тижорат жадал ривожланаётган даврда битимлар ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин эгаллаб, фуқаролик ҳуқуқининг уч асосий жиҳати — ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига таянган ҳолда амалга ошади. Ҳар бир битим фуқаролик муомаласининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Бизнеснинг кенгайиши ва тадбиркорлар сонининг ортиб бориши шароитида, уларнинг барчаси етарли даражада ҳуқуқий саводхонликка эга бўлмагани сабабли, тижорат соҳасида турли суистеъмолликлар юзага келиши эҳтимоли ортади. Натижада кўплаб тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади ва ушбу ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи томонлар уларни баҳс-мунозара орқали ўз ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 101-моддаси битимни фуқаролар ёки юридик шахсларнинг фуқаровий ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган аниқ ҳаракат сифатида белгилайди. Бундай ҳаракатлар қонунийлик принципларига мос бўлиши ҳамда мамлакатнинг амалдаги қонунчилигини бузмаслиги лозим. Қонунчилик битимнинг ҳақиқий бўлиши учун зарур бўлган талабларни белгилайди; мазкур талабларга риоя қилинмаган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб топилади. Мажбур ҳуқуқий доктрина битимнинг ҳақиқий деб эътироф этилиши учун зарур бўлган қуйидаги юридик мезонларни белгилаб беради:

★ қонунийликка риоя қилиш, яъни битимнинг фуқаролик қонунчилигига мувофиқлиги;

★ томонлар иродасининг аниқ ифодаланиши, бунда иштирокчилар битимнинг оқибатларини англай олиши лозим;

★ томонларнинг муомала лаёқати эга бўлиши, бу уларнинг ушбу ҳуқуқ соҳаси субъекти сифатидаги мақомини кафолатлайди;

★ битим шаклига риоя этилиши, яъни у қонун талабларига мос бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида битимларнинг ҳақиқий эмаслиги икки асосий тоифага бўлинади:

Низоли битимлар, уларнинг ҳақиқий эмаслиги суд қарори билан, қонунда белгиланган асослар бўйича эътироф этилади;

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар, улар суд қароридан қатъи назар, қонун бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос Э.И. Каратаевнинг таъкидлашича, ҳар қандай битимнинг ҳақиқий эмаслиги белгиларига унинг мазмуни, шакли, субъекти, тарафлар иродаси билан боғлиқ омиллар киради: агар битимнинг шакли қонун талаблари билан мос келмаса, шахс ҳуқуқий муносабат субъекти бўлмаса ёки тарафлар битим тузиш иродасига эга бўлмаса, бундай битим ҳақиқий эмас деб топилиши лозим⁴.

Рақамли тижоратда битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш Фуқаролик кодексининг умумий нормалари билан тартибга солинади, бироқ электрон ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам инобатга олинади. Асосий тамойиллар рақамли технологиялар ёрдамида тузилган битимларга нисбатан битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги қоидаларнинг қўлланиши, шунингдек даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни аниқлаш ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилашдан иборатдир.

Электрон тижоратнинг жадал ривожланиётганига қарамай, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ жараёнларни чуқур ўрганишга эҳтиёж мавжуд бўлиб, амалдаги қонунчиликда ҳозирга қадар электрон тижорат соҳасида “битимларнинг ҳақиқий эмаслиги” тушунчасининг норматив-ҳуқуқий даражада мустаҳкамланмаганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, онлайн-низоларни ҳал этишни тартибга солишчи махсус нормаларнинг йўқлиги муаммоларнинг янада чуқурлашишига олиб келади. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунга кўра, мазкур соҳадаги низолар умумий тартибда, яъни суд орқали кўриб чиқирилиши назарда тутилган, бу эса маълум маънода электрон тижорат ривожланишини секинлаштириши мумкин.

Фуқаролик-ҳимоя усуллари зарарни қоплашга келадиган бўлсак, ушбу ҳимоя усули бир қанча. Жумладан, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ сотувчи товар ёки хизмат ҳақида истеъмолчига унинг нархи, таркиби, хусусиятлари, фойдаланиш муддати ҳамда уни қайтариш шартларига доир аниқ маълумот бериши лозим. Ушбу қонунга

мувофиқ, агар товар сифатсиз бўлса ёки харидорга мос келмаса, истеъмолчи уни қонунда белгиланган муддатда қайтариши мумкин, шунингдек, истеъмолчи сифатсиз товарни қайтариш ёки алмаштириш, кўрилган зарарни қоплаш ҳамда маънавий зарар учун компенсация олиш ҳуқуқига эга⁵.

Ҳозирги вақтда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари рақамли муҳитга татбиқи устида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимизда “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Электрон имзо электрон ҳужжатлар соҳасида муҳим рол ўйнайди, чунки у маълумотларни ногоҳ ўзгаришлар ва сохталаштиришлардан ҳимоя қилади. Унинг ишлаши асосий принципи маълумотларни ёпиқ қалит ёрдамида шифрлашга асосланади, бу эса ҳужжат юборилгандан кейин унинг яхлитлигини таъминлаш имконини беради. Шу тарзда яратилган имзо маълумот имзоланган вақтдан бошлаб бузилмаганини тасдиқлайди. Муҳим жиҳати шундаки, электрон имзони оддий кўчириш орқали сохталаштиришнинг иложи йўқ, бу эса хавфсизлик даражасини сезиларли даражада оширади.

2024 йил 27 декабрда қабул қилинган 885-сонли Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори доирасида, энди электрон тижорат операторлари — электрон савдо платформаси, буюртма агрегатори, рақамли хизмат кўрсатувчи операторлар каби субъектлар фақат Ўзбекистон резиденти бўлган юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият юритиши мумкинлиги белгиланди ҳамда операторлар товар, сифат, истеъмолчи ҳуқуқлари, маълумотлар ҳимояси, реклама, тўлов ва бошқа қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилиши шартлиги белгиланган. Бу эса фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоянинг базавий норматив асосини мустаҳкамлайди⁶.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга 2022–2023 йилларда киритилган ўзгаришлар онлайн харидлар (электрон тижорат) контекстини ҳам қамраб олади: энди сотувчи онлайн харид қилувчиларга товар ҳақида тўлиқ маълумот бериши, махсулотни қайтариш ва алмаштириш шартлари ҳамда нархни тўлов шаклига қараб ўзгартириб юбормаслик каби талаблар қонун даражасида мустаҳкамланди. Шу билан бирга, рақамли савдо платформаларидаги шикоят ва назорат механизмлари йўлга қўйилиб, 2024–2025 йилларда, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан “FAIR TECH” ахборот тизими орқали кўплаб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари таҳлил қилинди: рости ўй бўлмаган оферталар, махсулот сифати билан боғлиқ муаммолар, истеъмолчиларга нотўғри маълумот берилиши ҳолатлари аниқланиб, зарур чора-тадбирлар кўрилди⁷.

Таҳлилларимизни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, рақамли тижоратда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кўпинча мураккабликларга дуч келади, чунки интернетнинг трансчегаравий хусусияти, ҳуқуқбузарларни аниқлашнинг қийинлиги ҳамда махсус техник ва ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш зарурати мавжуд. Шу сабабли унда ҳимоя усуллари қўлланилиши доимо ҳуқуқий, техник ва ташкилий чоралар мажмуасини талаб этади. Шунинг учун давлат органлари, судлар ва онлайн платформалар ўртасидаги ҳамкорлик электрон шароитда ҳуқуқларни самарали ҳимоя қилишнинг асосий омили ҳисобланади.

Муборак НЕЪМАТОВА,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар академияси
таънч докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida"gi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasining "Elektron hujjat aylanishi to'g'risida"gi Qonuni.
3. Розметова А. А. Правовая природа цифровой коммерции: ключевые вызовы и перспективы для бизнеса Узбекистана. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* (E)ISSN: 2181-1784 5(4) April, 2025 Research BIB / Index Copernicus www.oriens.uz
4. Балтаниязова С.Р. Правовые последствия недействительности сделок в электронной коммерции. ISSN NO:2720-4030 Volume 29 April, 20241 <https://periodica.com>.
5. O'zbekiston Respublikasining "Iste'molchilar huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuni.
6. 2024-yil 27-dekabrida qabul qilingan 885-sonli Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasida elektron tijorat sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.
7. Iste'molchilar huquqlarini himoya qilish sohasidagi amalga oshirilgan ishlar. <https://raqobat.gov.uz/>

ЁШЛАР ОРАСИДА ГИЁХВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масалалари таҳлил қилинган. Муаллифлар ҳуқуқий ва институционал асосларнинг мавжуд ҳолатини ўрганган ҳамда миллий қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг назарий қарашлари, ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро ташкилотлар дастурлари асосида вояга етмаганлар гиёхвандлик жиноятларининг олдини олишда самарали йўналишлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, гиёхвандлик, жиноятчилик, ҳуқуқий асослар, институционал асослар, профилактика, жамоат хавфсизлиги.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масаласи нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан, балки бутун жамият хавфсизлиги ва миллий барқарорлик билан узвий боғлиқдир. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарорида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги тизимини шакллантириш зарурлиги қайд этилар экан, алоҳида тарзда гиёхвандлик муаммосига эътибор қаратилди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар онгини соғлом ҳаёт тарзи асосида тарбиялаш ва уларни турли зарарли иллатлардан асраш — янги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу фикрда профилактиканинг аҳамияти, жиноят содир этилгандан кейинги жазо чораларига эмас, балки жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий-ижтимоий механизмларни кучайтириш зарурлигига урғу берилган.

Ўзбекистонда ҳуқуқшунос олимлар томонидан вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш соҳасида қатор назарий изланишлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг қарашлари масаланинг турли қирраларини қамраб олган. Уларнинг илмий таҳлиллари ушбу муаммони фақат ҳуқуқий нуқтаи назардан эмас, балки ижтимоий, маънавий ва иқтисодий омиллар билан уйғун ҳолда ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Жумладан, ҳуқуқшунос И. Исмоилов вояга етмаганлар жиноятчилигининг асосий сабабларидан бири сифатида оила муҳити ва маҳалла институти назоратининг сусайишини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, оила шахс ижтимоийлашувида асосий тарбия институти ҳисобланади, унинг ички муҳитидаги низо-лар ёки эътиборсизлик ҳолатлари ёшларнинг девиант хатти-ҳаракатларига йўл очади. Шу билан бирга, маҳалла ижтимоий назорат функциясининг йўқолиб бориши ҳам жиноятчиликнинг ички омил сифатида намоён бўлади¹. Ф. Пахродинов эса муаммонинг ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарғибот билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратган. Унинг фикрича, ёшлар орасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг паст даражада бўлиши уларнинг қонун талабларига бепарво муносабатини кучайтиради. Бу эса ҳуқуқбузарликка мойилликнинг ортishiга хизмат қилади. Олим самарали ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этишни, айниқса таълим муассасаларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга устувор аҳамият бериш зарурлигини илгари сурган². М. Зиёдуллаевнинг илмий асосларида эса таълим ва ижтимоий назорат тизимининг сифатсизлигига урғу қаратилган. Олим вояга етмаганларнинг девиант хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, таълим муассасаларида тарбиявий ишлар формал тус олишини ва ёш авлод маънавий-ахлоқий ривожига етарли эътибор берилмаётганини жиноятчиликка мойилликнинг кучайишига олиб келаётган омил сифатида баҳолайди³.

Н.Ў. Ашурова ўз тадқиқотларида жиноятчилик профилактикасида замонавий концепцияларни илгари сурган ҳолда давлат органлари, оила ва жамоатчиликнинг уйғун ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгаллигини илмий асослайди. Унинг фикрича, профилактик фаолиятда ижтимоий институтларнинг интеграциялашган ҳамкорлик модели яратилмаса, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини етарлича олиш мумкин эмас⁴.

И.Г. Азизов эса жиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиб ишсизлик, маънавий бўшлиқ, ёшлар вақтининг самара-

ли ташкил этилмаслиги ва муҳит таъсирини асосий омиллар қаторида кўрсатади. Унинг илмий таҳлиллари вояга етмаганлар жиноятчилигини кенг ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини ёрқин намоён этади⁵.

Шу билан бирга, З.Я. Тўрабаева қонунчиликдаги камчиликларга эътибор қаратган ҳолда, Ўзбекистонда вояга етмаганларни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтиларини такомиллаштириш зарурлигини илгари сурган. Олимнинг фикрича, ёшларнинг шахсий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни жазодан озод қилиш профилактика ва тарбиявий таъсир чораларини кенгроқ қўллаш имконини яратади. Бу эса жамият учун самарали ижтимоий реинтеграция тизимини шакллантиришга хизмат қилади⁶.

Шунингдек, жаҳон ҳуқуқшунослиги ва криминологиясида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш масаласи турли назарий мактаблар ва тадқиқотларда кенг ёритилган. Хорижий олимларнинг изланишлари шундан далolat берадики, ёшлар ҳуқуқбузарлиги фақат ҳуқуқий-жаҳатдан эмас, балки ижтимоий муҳит, иқтисодий тенгсизлик, маънавий тарбия ва давлат-жамоатчилик ҳамкорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Аввало, америкалик олим Т. Hirschi ўзининг "ижтимоий боғланиш назарияси"да вояга етмаганларнинг жиноятчиликка мойиллигини оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик билан алоқаларининг мустақамлиги ёки заифлиги билан изоҳлайди. Олимнинг фикрича, ота-она ва мактаб билан боғланиш заифлашган ҳолларда ёшлар девиант хатти-ҳаракатларга тезроқ мойил бўлади⁷.

Шу билан бирга, француз социологи Э. Дюркгейм жамиятдаги маънавий қадриятлар заифлашиши ва ижтимоий анъаналарнинг бузилиши натижасида ёшлар онгида "аномия" ҳолати юзага келишини таъкидлайди. Бу эса ҳуқуқбузарликнинг ички омилларидан бири сифатида намоён бўлади⁸.

Англиялик олим Р.Мертон эса ўзининг "стресс назарияси"да вояга етмаганлар жиноятчилигини ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий имкониятлар чекланганлиги билан боғлайди. Олимнинг фикрича, жамиятда юқори мақсадлар қўйилиб, уларга етилиш воситалари чекланганида ёшларнинг ноқонуний йўлларга мурожаат қилиш эҳтимоли ошади⁹.

Немис ҳуқуқшуноси Х. Шнайдер эса профилактика тизимини таҳлил қилар экан, ёшлар билан ишлашда асосий эътиборни жазо чораларига эмас, балки уларнинг маънавий-ахлоқий ривожига ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратиш зарурлигини илмий асослайди. Унинг фикрича, фақат жазо профилактик самара бермайди, балки ёшларнинг жамиятдан узоклашишига ҳам олиб келиши мумкин¹⁰.

Шунингдек, америкалик олим Л.Коэн томонидан илгари сурилган "жамоага асосланган профилактика" (community-based correction) концепцияси ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда маҳалла ва жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади¹¹.

Европа криминология мактаби вакили Ж. Пратт эса "қайта тикловчи адолат" (restorative justice) моделини ёшлар жиноятчилигини камайтиришда самарали усул сифатида баҳолайди. Олимга кўра, ёш ҳуқуқбузарларни жазолашдан кўра уларни жабрланувчи ва жамоатчилик билан яраштириш, уларнинг қайта ижтимоийлашувида эътибор қаратиш самарали натижаларни беради¹².

Е. Currie эса айнан гиёҳвандлик жиноятларини ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий имкониятларнинг чекланганлиги билан изоҳлайди¹³. D. Garland ўзининг “назорат жамияти” назариясида давлат ва жамоатчиликнинг узлуксиз ҳамкорлиги орқали профилактика тизимини кучайтириш зарурлигини асослайди¹⁴. Н. Beckerнинг “labeling” назариясида эса вояга етмаганларга “жиноятчи” тамғасини қўйиш уларнинг ўзини ҳам ана шу тоифага мансуб деб ҳис қилиши ва қайта-қайта жиноят содир этиши хавфини кучайтиради¹⁵.

Мазкур назарий қарашлар Ўзбекистондаги ҳуқуқий ва институционал асосларни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун¹⁶ вояга етмаганлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун¹⁷ наркотик моддалар муомаласи устидан қатъий назорат ўрнатишни назарда тутди. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун¹⁸ эса ёшларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва салбий иллатлардан асрашга қаратилган давлат сиёсатини белгилайди. Бироқ амалий натижалар шуни кўрсатмоқдаки, идоралараро ҳамкорлик тўла самара бермаяпти, маҳалла ва таълим муассасаларидаги профилактика ишлари етарли эмас.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ушбу соҳада самарали йўл-йўриқ бўлиши мумкин. АҚШдаги “Juvenile Drug Courts” тизими жиноят содир этган вояга етмаганларни жазолашдан кўра, ижтимоий-реабилитация дастурларига йўналтиради¹⁹. Германия ва Скандинавия давлатларида профилактика дастурлари ижтимоий ёрдам ва маданий тадбирлар орқали амалга оширилади²⁰. Японияда эса мактаб асосидаги профилактика дастурлари ўқувчиларга ҳуқуқий билим ва ҳаётий кўникмалар беришга қаратилган²¹. Халқаро ташкилотлар — БМТ, ВОЗ, ЮНОДК ва ЮНИСЕФ ҳам бу соҳада самарали дастурларни ишлаб чиққан. Масалан, ЮНИСЕФ ва ВОЗнинг “Helping Adolescents Thrive” дастури ёшларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш, стресс ва хавфли хатти-ҳаракатларни олдини олишга қаратилган²².

Шу асосда таъкидлаш мумкинки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда қонунчиликни такомиллаштириш, профилактика тизимини самарали ташкил этиш, ота-оналар ва маҳалла институти масъулиятини кучайтириш, шунингдек, халқаро тажрибаларни миллий шароитга мослаштириш долзарб аҳамиятга эга. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон” ислохотлари замонавий профилактика механизмларини жорий этишни талаб этмоқда”²³.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш жараёнида бир қатор ҳуқуқий ва институционал муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида миллий қонунчилик ва амалиётни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, профилактика жараёнига оила ва маҳалланинг узлуксиз иштирокини таъминлаш зарур ҳисобланади.

Биринчидан, ҳуқуқий муаммолар кўзга ташланади. Амалдаги қонунлар — “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” каби меъёрий ҳужжатлар профилактика учун ҳуқуқий замин яратган бўлса-да, уларнинг амалдаги таъсири етарли даражада самара бермаяпти. Айрим институтлар керакли даражада ишламаётгани натижасида профилактика чоралари кам самарали бўлиб қолмоқда. Шу боис қонунчиликка “гиёҳвандлик профилактикаси” тушунчасини киритиш, вояга етмаганлар учун алоҳида реабилитация ва қайта ижтимоийлашув дастурларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш, шунингдек, жазодан озод қилишнинг тарбиявий механизмларини кенгрок қўллаш таклиф этилади.

Иккинчидан, институционал муаммолар мавжуд. Давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тизимида узвийлик йўқ, профилактика ишлари кўп

ҳолларда формал тусда ўтмоқда. Маҳалла ва таълим муассасаларидаги назорат механизмлари ҳам самарали ишламайди. Бу ҳолатдан чиқиш учун идоралараро ягона электрон профилактика платформасини жорий этиш, маҳалла-оила-таълим муассасалари ўртасида интеграцияланган ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун махсус йўриқномалар ишлаб чиқиш зарур.

Учинчидан, ижтимоий муаммолар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар орасида ишсизлик, маънавий бўшлиқ, оилавий тарбиядаги камчиликлар ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги уларнинг гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга мойиллигини кучайтирмоқда. Шу муносабат билан ота-оналарнинг масъулиятини кучайтириш ва улар учун ҳуқуқий-маърифий курслар ташкил этиш, таълим муассасаларида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ошириш дастурларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун спорт, маданий ва ижтимоий лойиҳаларни кенгайтириш зарур.

Тўртинчидан, маълумот ва мониторинг билан боғлиқ муаммолар ечимини кутиб турибди. Ҳозирги шароитда статистик маълумотлар кечикиб такдим этилади ва профилактика самарадорлигини баҳолашнинг аниқ тизими мавжуд эмас. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнини қийинлаштиради. Шунинг учун вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятчиликни аниқ мониторинг қилиш учун ягона ахборот базасини яратиш, профилактика самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва индикаторларини ишлаб чиқиш, жамоатчиликка очиқ ҳисобот бериш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

Шу тарзда, ҳуқуқий, институционал, ижтимоий ва ахборотга оид муаммоларни изчил ҳал қилиш орқали вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда самарали тизим шаклланади. Бу эса “Янги Ўзбекистон” ислохотлари доирасида замонавий профилактика механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Дилмурод МАХМУДОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси
профессори в.в.б., юридик фанлари доктори, доцент,*

Дилшод АЗИЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ офицери.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исмоилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уни олдини олишнинг ижтимоий омиллари // Юридик фанлар журнали. – Тошкент, 2021. – Б. 45–50.
2. Пахроддинов Ф. Ҳуқуқий маданият ва жиноятчилик профилактикаси: назарий таҳлил // Ҳуқуқ ва демократия. – 2020. – №2. – Б. 37–42.
3. Зиёдуллаев М. Вояга етмаганларнинг девиант хатти-ҳаракатлари ва ижтимоий назорат тизими самарадорлиги // Криминология ахборотнома. – Т., 2019. – Б. 58–63.
4. Ашурова Н.У. Вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигини олдини олишда замонавий концепциялар // Юридик фанлар тўплами. – Тошкент, 2022. – Б. 101–107.
5. Азизов И.Г. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари // Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 64–70.
6. Тўрабаева З.Я. Ўзбекистон қонунчилигида вояга етмаганларни жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2023. – Б. 77–83.
7. Hirschi T. Causes of Delinquency. Berkeley: University of California Press, 1969.
8. Durkheim É. Le Suicide: Étude de sociologie. Paris: Alcan, 1897.
9. Merton R. Social Structure and Anomie. American Sociological Review, 1938, Vol. 3(5), pp. 672–682.
10. Schneider H.J. Kriminologie. Einführung mit Beispielen. Heidelberg: C.F. Müller Verlag, 2007.
11. Cohen L.E., Felson M. Social Change and Crime Rate Trends: A Routine Activity Approach. American Sociological Review, 1979, Vol. 44(4), pp. 588–608.
12. Pratt J. Penal Populism. London: Routledge, 2007.
13. Currie E. Crime and Punishment in America. – New York, 1998.
14. Garland D. The Culture of Control. – Oxford, 2001.
15. Becker H. Outsiders: Studies in the Sociology of Deviance. – New York, 1963.
16. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун. – Тошкент, 2010.
17. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун. – Тошкент, 1999.
18. “Ёшлар сиёсати тўғрисида”ги Қонун. – Тошкент, 2016.
19. OJJDP. Juvenile Drug Courts: Strategies in Practice. – Washington, 2015.
20. EMCDDA. Drug Prevention Strategies. – Lisbon, 2020.
21. Japan Ministry of Education. School-based Prevention Programs Report. – Tokyo, 2019.
22. UNICEF & WHO. Helping Adolescents Thrive Toolkit. – Geneva, 2021.
23. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент, 2023.

МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА КОНСТИТУЦИЯ МЕЪЁРЛАРИНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилиши моҳияти, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Конституция нормаларига бевосита амал қилиш мажбурияти, маъмурий судлар томонидан конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши, давлат органлари фаолиятининг қонунийлиги устидан суд назоратини янада такомиллаштириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: янгиланган Конституция, ҳуқуқий давлат, оммавий-ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий адлия, суд назорати.

Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва асосий шартларидан биридир. Ҳуқуқий давлатда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этиши, Асосий қонун тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши, давлат органлари, айниқса судлар ўз фаолиятида конституциявий нормаларга бевосита асосланиб иш юритиши муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда илк маротаба 2017 йилда маъмурий судларнинг ташкил қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ҳамда ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Маъмурий судларнинг асосий вазифаси маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатларда қонун устуворлигини ҳамда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Ўтган қисқа даврда маъмурий судларнинг фаолияти ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, 2017-2024 йиллар давомида маъмурий судлар томонидан 120 мингга яқин аризалар кўриб чиқилиб, уларнинг 57 фоизи қаноатлантирилган ҳолда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Мамлакатимизнинг конституциявий ривожланиш йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлган "Ўзбекистон-2030" стратегиясида ҳам давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришга оид вазифалар белгиланди.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда маъмурий адлия тизими фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлигини таъминлайдиган ҳамда маъмурий органлар фаолияти устидан суд назоратини амалга оширадиган муҳим институт сифатида шаклланган. Айнан маъмурий судлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ижро органлари томонидан бузилишининг олдини олишда, уларни ғайриқонуний қарор ва ҳаракат (ҳаракатсизлик)дан ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Судлар томонидан конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2023 йил 23 июнда "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 16-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Пленум қарорига судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши зарурлиги кўрсатилди.

Шунингдек, суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормаларига таянлиши лозимлиги назарда тутилди.

Маъмурий судлар томонидан одил судловни амалга оширишда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш жуда муҳим масала бўлиб, бу, энг аввало, инсоннинг Асосий қонунда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларининг суд орқали ҳимоясини тўлақонли таъминлашга, шу билан бирга, конституциявий нормалар ва принципларни муайян ҳуқуқий низони ҳал қилишда бевосита қўллашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямиз норма ва принципларининг ҳаётга тўлақонли татбиқ этилиши – Янги Ўзбекистоннинг ғоя ва мақсадлари амалга оширилишини ҳамда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Конституцияни кенг қўллаш аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқдир. Бу борада, барча бўғиндаги давлат хизматчилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг Конституцияни амалиётда қўллаш бўйича малакасини доимий ошириб бориш, судларнинг Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилган қарорлари электрон базасини алоҳида юритиш, суд қарорлари ижросини таъминламаган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, маъмурий судлар учун "Конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш" мавзусида мунтазам тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, маъмурий судлар фаолиятида конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш фуқароларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилиниши ва давлат органлари фаолиятининг қонунийлигига эришилиши билан бирга, давлат ва фуқаролар ўртасида Конституция ва қонун устуворлигига асосланган ўзаро ишонч муҳитининг яратилишига хизмат қилади.

Шерзод БАХРОНОВ,

Одил судлов академияси тингловчиси,
ю.ф.ф.д.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.01.2025 йилдаги "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-33-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/7350794>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида Ахборотлари // <http://www.konstsud.uz/uz/docs/konstitutsiyaviy-sudi-qarorlari>

ЯРКОЕ ПРОЯВЛЕНИЕ КОНСТИТУЦИОННОГО ПАТРИОТИЗМА

Во всенародном обсуждении проекта Конституции, проводившемся весь период до ее принятия, активно участвовали миллионы наших граждан. Поэтому у нас есть все основания утверждать, что настоящим автором обновленной Конституции является наш народ. Самое важное, теперь мы никогда не свернем с пути реформ, будем идти вперед и только вперед на основе новой системы “человек – общество – государство”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Президент Республики Узбекистан

В этом году в нашей стране тридцать третья годовщина Конституции Республики Узбекистан будет отмечаться на высоком уровне под главным девизом: “Конституция — гарант чести и достоинства человека, свободы, равенства и справедливости!”.

Народ Нового Узбекистана стал непосредственным свидетелем конституционных реформ, обладающих огромным историческим, социальным, политическим и правовым значением. Следует признать, что на этом этапе ярко проявляется конституционный патриотизм нашего народа.

Патриотизм — это любовь и верность Родине, служение ей, посвящение ей всей своей жизни и возможностей, а при необходимости — готовность отдать за неё свою жизнь. Патриотизм — общечеловеческое чувство и духовная ценность, присущая всем людям, нациям и народам, сформированная и отшлифованная веками. В историческом плане патриотизм представляет собой совокупность чувств, которые складывались в процессе социально-экономического развития, связанного с судьбой Родины, а также борьбы народов за неприкосновенность и независимость территории, на которой они проживают. Он проявляется в гордости за прошлое и настоящее Родины, заботе о её будущем, причастности к её судьбе и готовности защищать её интересы.

Конституционный патриотизм является особой формой патриотизма. Это выражение впервые было использовано в конце 1940-х годов в Германии. Немецкий политолог, философ и историк политических идей Я.В.Мюллер подчёркивает, что в настоящее время не существует единого философско-правового определения конституционного патриотизма, однако в истинном смысле он служит источником доверия граждан и основой государственной власти. Действительно, по своей сущности выражение “конституционный патриотизм” должно основываться на нормах, ценностях и правилах демократической Конституции.

Конституционный патриотизм основывается на правах и свободах человека, закреплённых в Конституции, на общечеловеческих ценностях и представляет собой философско-правовое понятие, объединяющее людей определённого государства независимо

от их пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личности или социального статуса.

Следует отметить, что главная цель конституционных реформ в Новом Узбекистане состоит в создании и укреплении суверенного, демократического, правового, социального и светского государства, которое заботится о достоинстве, благополучии и интересах каждого человека; в формировании открытого, справедливого и зрелого гражданского общества; в обеспечении устойчивого развития нашей страны; в утверждении приверженности идеалам демократии, таким высшим ценностям, как социальная справедливость, свобода и равенство.

Именно поэтому конституционный патриотизм — безграничное уважение, вера и преданность нашего народа Конституции Республики Узбекистан — наглядно проявляется на следующих этапах конституционных реформ.

Первый этап — этап инициативы конституционных реформ

На этом этапе, если сказать по правде, идейным вдохновителем конституционных реформ выступил наш Президент Шавкат Мирзиёев, а их основным инициатором стало широкое слоёное население страны — учителя, рабочие, фермеры, предприниматели, представители негосударственных некоммерческих организаций.

Во время выборов Президента Узбекистана в октябре 2021 года, в ходе встреч всех кандидатов с представителями электората, наши граждане, широкая общественность и представители политических партий выступили с жизненно важными предложениями, которые должны были стать логическим продолжением демократических реформ в стране. В частности, была подчёркнута актуальность отражения в Конституции таких вопросов, как достоинство человека, его права, свободы и законные интересы, защита частной собственности, укрепление межнационального и межэтнического согласия, повышение роли и статуса махалли, значение института семьи, государственная молодёжная и гендерная политика, развитие инновационной экономики, расширение инвестиций в социальную сферу, а также обеспечение экологических прав человека в усло-

виях усыхания Аральского моря, права наших нынешних и будущих поколений на благоприятную и чистую окружающую среду. выступает гарантом соблюдения прав и свобод граждан, Конституции и законов Республики Узбекистан

Президент Узбекистана, как гарант соблюдения прав и свобод граждан, Конституции и законов, выдвинул идею проведения конституционных реформ для реализации данных предложений населения. Одновременно он подчеркнул, что в решении столь важной и стратегической задачи, как обновление Конституции, необходимо думать не семь, а семьдесят раз, всесторонне советоваться с нашим народом, глубоко изучить передовой отечественный и мировой опыт и лишь затем принимать взвешенное решение.

Слова Президента: "Конституция Узбекистана на протяжении всех лет независимости служит прочным правовым фундаментом всех наших достижений. Мы все это хорошо знаем и высоко ценим. Наша Конституция во всех отношениях соответствует передовому зарубежному опыту, международным стандартам и требованиям. В этом нет никаких сомнений", — являются ярким проявлением конституционного патриотизма.

В Стратегии развития Нового Узбекистана предусмотрены крупномасштабные задачи, направленные на построение гуманного и народного государства, более эффективное обеспечение достоинства, прав и интересов человека. Для реализации этих целей возникла необходимость создания нового конституционно-правового пространства, соответствующего глубоким реформам, проводимым в нашей стране.

Исходя из этого, на совместном заседании фракций УзЛиДеП, обладающей наибольшим числом депутатских мест в Законодательной палате Олий Мажлиса, и Демократической партии "Миллий тикланиш", состоявшемся 17 мая 2022 года, была выдвинута инициатива проведения конституционных реформ в нашей стране. Принимая во внимание необходимость подготовки всесторонне продуманных предложений на основе изучения мнения широкой общественности и международного конституционного опыта, было внесено предложение в Кенгаши палат Олий Мажлиса рассмотреть организационно-правовые вопросы, связанные с внесением изменений и дополнений в Основной закон.

Данное предложение было рассмотрено и поддержано на совместном заседании Кенгашей палат Олий Мажлиса 20 мая 2022 года. Совместным постановлением "О мерах по реализации конституционных реформ" была создана Конституционная комиссия, задача которой заключалась в формировании предложений по внесению изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан и организации соответствующих мероприятий.

Второй этап – сбор предложений по внесению изменений и дополнений в Конституцию

Совместное постановление Кенгашей палат Олий Мажлиса заслуживает внимания и тем, что в нём предусматривалось не создание новой Конституции, а внесение в неё изменений и дополнений.

Это является ярким свидетельством конституционного патриотизма членов парламента и представителей политических партий.

Как известно, после того как 8 сентября 1992 года было принято решение вынести проект действующей Конституции на всенародное обсуждение, работа над проектом была завершена 26 сентября 1992 года, и именно в этот день его текст был опубликован в прессе. В отличие от той практики, Конституционная комиссия, созданная 20 мая текущего года, прежде чем приступить к разработке проекта конституционного закона о внесении изменений и дополнений в действующий Основной закон, в первую очередь изучила, собрала и обобщила мнения, предложения и инициативы населения.

Помимо традиционных средств коммуникации, были созданы все условия для подачи предложений в устной форме, а также запущены специальные интернет-страницы и каналы в социальных сетях для их электронного направления. В частности, была налажена система приёма предложений через платформу meningkonstitutsiyam.uz, короткий номер call-центра 1341, традиционную почтовую связь, махалли, местные Кенгаши народных депутатов, специальный бот в мессенджере Telegram, адреса электронной почты taklif@2022.uz и taklif@meningkonstitutsiyam.uz.

Ещё один важный момент: масштаб, содержание и значимость предложений, поступивших от нашего народа, продемонстрировали высокий уровень конституционного патриотизма, а также правового и политического сознания граждан. В частности, тот факт, что в течение одного месяца, предшествовавшего подготовке проекта конституционного закона, поступило 62 336 предложений по внесению изменений и дополнений в Основной закон, а также более 3 800 дополнительных предложений и свыше 15,8 тысячи комментариев, наглядно подтверждает нашу мысль.

Таким образом, на основе мнений и предложений нашего народа был разработан проект Конституционного закона "О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан".

Третий этап – всенародное обсуждение предложенных изменений и дополнений в Конституцию

Проект конституционного закона был внесён в Законодательную палату группой депутатов — представителей народа, обладающих правом законодательной инициативы. После этого проект, принятый в первоначальном чтении, был опубликован в газетах "Халқ сўзи", "Народное слово" и на платформе

meningkonstitutsiyam.uz и 25 июня был вынесен на всенародное обсуждение, установленное до 5 июля.

После обнародования проекта активность наших граждан и количество поступающих предложений резко возросли. Учитывая необходимость всестороннего изучения предложений — анализа, обобщения и систематизации каждого из них, а также принимая во внимание, что поток инициатив от населения продолжал увеличиваться с каждым днём, на очередном заседании Законодательной палаты 4 июля срок всенародного обсуждения был продлён ещё на десять дней — до 15 июля.

Следует отметить, что за двадцать дней — с 25 июня по 15 июля — всего поступило 84 552 предложения. Если рассматривать их по направлениям, то: по разделу “Административно-территориальное и государственное устройство” — 39 014 предложений, по разделу “Организация государственной власти” — 24 427 предложений, по разделу “Порядок внесения изменений в Конституцию” — 2 767 предложений, по разделу “Основные права, свободы и обязанности человека и гражданина” — 2 641 предложение. Остальные инициативы относились к нормам “Преамбулы”, разделам “Основные принципы” и “Общество и личность”.

Одновременно с этим депутаты Законодательной палаты и сенаторы выезжали в регионы, где в органах государственной власти на местах, предприятиях, учреждениях и организациях проводили встречи с гражданами, широко разъясняя сущность и значение конституционных реформ.

Как видно, в период всенародного обсуждения количество поступивших предложений превысило показатели предыдущего этапа на 35 процентов, что убедительно отражает высокую гражданскую активность нашего народа и его ответственное отношение к будущему Основного закона страны.

В свою очередь, активность населения и институтов гражданского общества в выражении мнений по проекту конституционного закона не только продолжилась, но и с каждым днём возрастала. Увеличение числа поступающих предложений обусловило необходимость дальнейшего продления срока общенародного обсуждения. На этом основании 15 июля 2022 года Законодательная палата продлила срок общенародного обсуждения проекта конституционного закона “О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан” до 1 августа 2022 года.

Вкратце говоря, поступление более 222 тысяч предложений от наших граждан в период общенародного обсуждения свидетельствует о высоком уровне их причастности к конституционным реформам. Ни одно из этих предложений не было оставлено без внимания — все они были учтены в процессе совершенствования нашего Основного закона.

Всё это показывает, что в новой редакции Конституции учтены интересы всех слоёв общества, что

вокруг идеи построения Нового Узбекистана достигнута широкая общественная консолидация, и что наш Основной закон в полном смысле становится Конституцией народа.

Количество статей в проекте Конституции увеличилось со 128 до 155, а число норм — с 275 до 434. Иными словами, объём текста нашего Основного закона вырос почти на 65 процентов и был обновлён на основе предложений нашего народа.

Четвёртый этап – принятие поправок и дополнений в Конституцию посредством референдума

После завершения общенародного обсуждения проект конституционного закона был принят путём проведения референдума. В этой связи может возникнуть вопрос: “Разве парламент не обладает полномочиями вносить изменения в Конституцию?” Согласно действующему законодательству, парламент также имеет право самостоятельно вносить поправки в Основной закон. В зарубежной практике подобную процедуру можно наблюдать в таких странах, как Франция, Россия, Турция, Республика Корея и Казахстан.

В национальной практике также имеется подобный опыт: до 2023 года в Конституцию нашей страны 16 раз вносились изменения и дополнения. Из них одни — внесённые в соответствии с Законом от 24 апреля 2003 года “О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан” — были осуществлены на основе итогов референдума, проведённого 27 января 2002 года, и относились к двум вопросам: изменению глав XVIII–XX и XXIII пятого раздела Конституции, а также установлению для следующего созыва двухпалатного парламента Республики Узбекистан и увеличению конституционного срока полномочий Президента Республики Узбекистан с пяти до семи лет. В остальных 15 случаях изменения и дополнения в Конституцию вносились парламентом в пределах его полномочий посредством принятия соответствующих законов.

Самое главное — принятие проекта конституционного закона на основе мнения и поддержки наших граждан путём референдума стало очередным практическим выражением воли нашего народа.

